

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЧОРИЕВА МЕХРИНСО ҚИЁМИДДИНОВНА**

**ТАМКИН БУХОРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА АДАБИЙ МЕРОСИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**

**илмий даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**ИЛМИЙ РАҲБАР:** Бекова Назора Жўраевна  
**Филология фанлари доктори (DSc), доцент**

**Бухоро-2022**

**МУНДАРИЖА:**

**Кириш.....4**

**I боб. XIX аср ва XX аср бошларида Бухоро адабий муҳити ва Тамкин Бухорий ижоди.....11**

1.1. Бухоро амирлиги ижтимоий-тарихий шароитида илмий-адабий муҳит ҳамда Тамкин ҳаёти ва ижодининг шаклланиш омиллари.....11

1.2. Бухоро амирлигининг турли йилларида яшаган ижодкорларнинг ижод маҳсули ва илмий тадқиқот характеридаги асарлар .....44

**Боб бўйича хулосалар.....68**

**II боб. Абдурахмон Тамкин Бухорийнинг ҳаёти ва адабий мероси ҳамда фаолияти .....69**

2.1. Шоир ижодини ўрганишдаги асосий манбалар.....69

2.2. Абдурахмон Тамкиннинг ҳаёт йўли ва фаолияти ҳақидаги изланишлар.....90

2.3. Ижодкорнинг адабий мероси ва илмий асарлари.....

**Боб бўйича хулосалар.....101**

**III боб. Адиб асарларидаги поетик тил, бадиий ғоя ва уларда давр нафаси ифодаси .....103**

3.1. Шоир ижодида ғазал, рубоий жанрлари ва уларнинг поэтикаси .....103

3.2. Абдурахмон Тамкин ижодида маснавий, қитъа ва фард жанрлари.....

3.3. Шоир ижодида маърифий ғоя ва унинг бадиий ифодаси.....

**Боб бўйича хулосалар.....133**

**Хулоса.....135**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....137**

**КИРИШ**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари адабиётининг ғоявий мундарижаси, жанрлар кенгайиши, ижодкорларнинг адабий мероси, унинг бадиий тафаккур тарихидаги аҳамиятини белгилаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Адабиётнинг юксалишига поэтик ҳисса қўшган мутафаккир шоирлар ижоди, уларнинг бадиий маҳорати ва адабий-эстетик қарашлари жаҳон адабиётшунослиги илмий тадқиқотлари учун асосий объект бўлиб қолмоқда. Шу боис, адабий оқимда анъана, индивидуал маҳорат муаммоларини ижтимоий, бадиий-фалсафий аспектларда ечиш, унинг муайян шоир ижодидаги услуб манерасини аниқлаш, умумий ва хусусий жиҳатларини бугунги глобаллашган илмий-назарий тафаккур сатҳида очиш имконини бера олиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида мумтоз ижодкорларнинг адабий мероси, яратган асарларининг жанрлар тизими, мавзулар кўлами, лингвопоэтик ва лингвостилистик тамойилларини янгича ёндашувда: ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий, фалсафий-маърифий, илоҳий-ирфоний ғояларига таяниб, ўрганиш асосий вазифа бўлиб келмоқда. Бадиий ижодда форс-турк, форс-араб, форс-турк-араб тилларида баравар қалам тебратган адабиётшунослар ижодий биографиясини аниқлаш, муайян минтақалардаги миллий адабий-эстетик тажрибаларини изоҳлаш, бадиий ижодда поэтик ўзгаришлар кўламдорлигини янги илмий мезонлар асосида тадқиқ қилиш долзарб муаммолардан бири саналади.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ислоҳотлар жараёнида ўзбек адабиётшунослигида илгари илмий муомалага киритилмаган мумтоз шеърятдаги баъзи адабий манбаларни тавсифлаш ишларига эътибор кучайди. “Боболаримизга муносиб бинолар қурдик. Энди боболаримизга муносиб илмий муҳит яратишимиз керак”.<sup>1</sup> Бу йўлда бухоролик шоир Абдурахмон Тамкин ҳаёти ва ижоди, унинг туркий ва форсий меросининг шеърый жанрлари, ғоявий-бадиий хусусиятларини ҳам чуқурроқ ўрганиш, тўғри баҳолаш долзарб вазифалардан биридир. Бугун шоир туркий-форсий адабий мероси намуналарини илмий тадқиқ қилиш, ўзбек мумтоз адабиётшунослигини бойитиш зарурати туғилмоқда

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ислом цивилизацияси” марказига қилган ташрифидаги нутқидан. 2021 йил, 29 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги «ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги 304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида айрим маълумотлар XIX асрда яшаб ўтган Афзал Махдуми Пирмастий ва Ҳожи Неъматулло Мухтарам (“Тазкират уш-шуаро”)<sup>2</sup> каби тазкиранависларнинг асарларида келтирилган. Аммо уларда бухоролик зуллисонайн шоир Тамкин тўғрисида мавҳум маълумотлар, аниқроғи, ҳақиқатни бузиб кўрсатувчи нотўғри маълумотлар учраганлигини ёзади тожик олими Асқар Жон Фидо. Дарҳақиқат, ушбу тазкиралар Тамкин ҳақида аниқ маълумот бера олмайди. Демак, тожик адабиётида Абдурахмон Тамкин ижоди қисман ўрганилган. Абдурахмон Тамкин ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида Шарифжон-Махдум Садри Зиёнинг “Тазкори ашъор”, , Абдуллоҳхожа Абдийнинг “Тазкират уш-шуарои

---

<sup>2</sup> Мухтарам, Ҳожи Неъматуллоҳ. Тазкират уш-шуаро. Бо тасҳех ва муқаддимаи Асғари Жонфидо. Зери назари Камол Айний. – Душанбе: Дониш, 1975. – 399 саҳ.

мутааххирин” ва Шайх Абдулқодир Кароматулло Бухорийнинг “Армуғони саббоғ<sup>3</sup>, С.Айнийнинг “Ёддоштҳо” ва “Намунаи адабиёти тожик” асарлари муҳим ва таянч манбалар ҳисобланиб, уларда таржимаи ҳол тарзидаги қисқача маълумотлар, шоир шеърларидан намуналар келтирилган.

Ўзбек адабиётшунослигида Тамкин ижоди ҳали ўрганилмаган. Фақатгина Абдурахмон Тамкин ҳақидаги маълумотлар Аҳмад Донишнинг асарларида учрайди. У Тамкин ижодига юқори баҳо бериб, ўз замонасининг пешқадам шоирларидан бўлганини таъкидлаган.

Абдурахмон Тамкиннинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар унинг шогирди қўлёзмаларида ҳам берилган. Бироқ ҳозиргача Абдурахмон Тамкин ҳаёти, ижоди ва у яратган турли жанрдаги асарлар адабиётшунослик нуқтаи назаридан махсус ўрганилмаган.

XIX аср охири XX аср бошларида Бухорода яшаб ижод этган Абдурахмон Тамкин ижодини ўрганиш, уни илмий жиҳатдан талқин этиш ва халқимизни яна бир бой маънавий хазинадан баҳраманд қилиш ўзбек халқи бениҳоят катта адабиёт тарихига, бой адабий меросга эгаллигини, Ўрта Осиёдаги барча қардош халқлар қатори ўзбек халқи ҳам жуда қадимдан кўплаб моддий ва маънавий бойликлар яратиб, инсониятнинг маданий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини асослаш учун долзарб аҳамият касб этади.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Бухоро давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек адабиётининг долзарб муаммолари» (2012-2023 йй.) мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XIX аср охири – XX аср бошларида яшаб ижод этган зуллисонайн шоир Абдурахмон Тамкин Бухорий адабий меросининг манбалари, унда акс этган умумбашарий мавзулар, жанр, мотив ва образларнинг анъанавийлиги ҳамда

---

<sup>3</sup> Садри Зиё, Шарифжон–маҳдум. Тазкори ашъор. Шарҳи ҳоли бархе аз шоирони муосири Тоҷикистон ва намунаҳое аз ашъори онон. Бо тасхеҳи Саҳобиддини Сиддиқ. Бо кўшиши Муҳаммаджони Шақури Бухорой. Чопи аввал. – Тохрон: Суруш, 1380-2001. – 428 сах.; Абдий Абдуллоҳхожа. Тазкират уш–шуаро. Бо тасхеҳ ва муқаддимаи Асғари Жонфидо. Зери назари Саҳобиддин Сиддиқов. – Душанбе: Дониш, 1983.; Шайх Абдулқодир Кароматуллоҳи Бухорӣ. Тазкираи саббоқ. Бо сарсухан ва тавзеҳоти М.Отаҳонзода. – Тошкент: Фан, 2007.

янгилаши, бунда ижодкорнинг лингвопоэтик ва лингвостилистик маҳоратини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

адабий-тарихий манбаларда ҳамда тожик ва ўзбек олимларининг асарларида XIX аср охири – XX аср бошларида яшаб ижод этган зуллисонайн шоир Абдурахмон Тамкиннинг ҳаёти, ижодий фаолиятига илмий ёндашув усуллари ҳамда принципларини аниқлаш;

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро адабий муҳитидаги ижтимоий-сиёсий ва адабий шароитнинг Абдурахмон Тамкин ижодига таъсирини очиш;

шоир ижодида адабий анъаналар ва ўзбек, тожик, араб шеърияти жанрларининг эволюциясини унинг поэтик маҳорати асосида далиллаш;

Абдурахмон Тамкин шеъриятининг ғоявий-мазмуний мундарижасини, унда ифодаланган ахлоқий қарашларни кўрсатиш;

шоир шеъриятининг образлар тизимидаги анъана, поэтик услубий янгиланишлар, лингвопоэтик ва лингвостилистик белгиларни очиб бериш;

Абдурахмон Тамкин асарларининг ижтимоий мотивлари, образлилик даражаси, уларда давр воқеликлари талқини, бадиий санъатларнинг қўлланилишини аниқлаш орқали ўзбек шеърияти анъаналарини тадрижий ривожлантиришдаги маҳоратини ва ўрнини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Абдурахмон Тамкин Бухорийнинг “Мўлистон” асари (Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонаси. Дастхати таҳти рақами 337. И Ш. Ўз-н), “Девони Тамкин” (“Тамкин девони”. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонаси. Қўлёзма рақами 111”, “Тамкин. Рубоийёт” китоби (Вар. 32. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонаси) кабилардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Абдурахмон Тамкин Бухорий адабий фаолиятига хос поэтик услуб, унда давр ҳамда қаҳрамон тасвири, ижодий индивидуаллик, ижтимоий тузум руҳияти, мажозий-фалсафий мушоҳадакорлик, ғазаллар, рубоийлар ва қасидалар тилининг халқ тилига яқинлиги, адабий афоризм, ҳажвий руҳ ва анъаналарга эргашиш масалалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда биографик, тавсифлаш, тарихий-қиёсий, контекстуал, аналитик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат :

Шарифжон-Махдум Садри Зиёнинг “Тазкори ашъор”, Абдуллоҳхожа Абдийнинг “Тазкират уш-шуарои мутааххирин” ва Шайх Абдулқодир Кароматулло Бухорийнинг “Армуғони саббоғ”, С.Айнийнинг “Ёддоштҳо” ва “Намунаи адабиёти тожик” адабий манбалар, тазкиралар асосида Абдурахмон Тамкин таржимаи ҳоли, ижодий биографияси, XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро адабий муҳитидаги ижтимоий-сиёсий ва адабий шароитнинг Абдурахмон Тамкин ижодига таъсири асосланган;

Абдурахмон Тамкин Бухорий адабий меросининг ўзбек ва тожик мумтоз шеърляти анъаналари тадрижий ривожланишидаги ўзига хос ўрни, шоир лирикасининг ишқ, муҳаббат, садоқат, дўстлик каби ғоявий мундарижаси, бадиияти, поэтик услуби, жанрий таркиби, тил хусусиятлари далилланган;

шоир девонларининг қўлёзма нусхалари, “Мўлистон” ва “Ганжи шойгон” мадҳиялари, “Жароид” асарида ташбих, тажнис, мажоз, истиора, рамз, киноя каби санъат турлари қўлланганлиги далилланган ва девонларининг тўққиз лирик жанр (қасида, ғазал, мухаммас, маснавий, рубоий, китъа, фард, чистон, муаммо)дан иборат эканлиги аниқланган;

зуллисонайн ижодкорнинг форсий, арабий, туркий тилларда яратган асарлари ҳажми, жанрий таркиби, мавзулар олами, девонидаги шеърлар табдил қилиниб, шоир лирикасида гўзал бадиият уйғунлигини таъминлашда лафзий ва маънавий санъатларнинг мутаносиблиги, мақолларнинг поэзия тилига яқинлиги, афоризмларнинг тарбиявий аҳамият касб этганлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Бухоро адабий муҳитининг пешқадам вакилларида бири Абдурахмон Тамкиннинг ижодий биографияси, адабий меросига хос лингвопоэтик ва композицион, семантик хусусиятлар аниқланган;

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро адабий муҳитининг мактаб даражасида шакллангани ва изчил такомиллашиб боргани, унда Абдурахмон Тамкин Бухорийнинг тутган ўрни илмий маълумотларга биноан асосланган;

Тамкин Бухорийнинг “Мўлистон” ва “Ганжи шойгон” мадҳиялари, 1914 йилда ёзилган “Жароид” асари ва девони ҳақидаги мавжуд маълумотлар бойитилган;

шоирнинг қасида, ғазал, мухаммас, маснавий, рубоий, ҳажв, қитъа, фард, чистон, муаммо каби жанрларда, форсий ва арабий, туркий тилларда асарлар яратганлиги далилланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** XIX аср охири ва XX аср бошлари Бухоро адабий муҳотида яшаб ижод қилган Абдурахмон Тамкин ижодига доир илмий-назарий қарашлар умумлаштириб ўрганилганлиги, тадқиқот доирасида бу давр адабиётининг анъанавий лирик жанрлари хусусиятлари, улардан ташкил топган шоир адабий меросининг поэтик хусусиятлари, тематикаси бўйича олиб борилган тадқиқот хулосалари ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XIX аср охири ва XX аср бошларида ўзбек ва тожик адабиёти тараққиётининг умумий хусусиятларини Бухоро адабий муҳоти вакиллари ижодига хос кўп тиллилик анъанаси мисолида очиш, унда айрим адабий сиймоларнинг ижодий меросида бадиий талқин топган умумбашарий тушунчаларнинг яқинлигини асослашда илмий-назарий манба бўла олиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унинг натижалари ва хулосаларидан олий таълим муассасаларида “Бухоро адабий ҳаракатчилиги”, “Ўзбек адабиёти тарихи” фанлари бўйича дарслик ва қўлланмалар яратишда, адабиёт назарияси фанининг наср, жанр, услуб, бадиий тил, адабий синтез, анъана масалаларини ўрганишда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тамкин Бухорий ҳаёти ва адабий меросини тадқиқ этиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

Абдурахмон Тамкин Бухорий адабий меросининг ўзбек ва тожик мумтоз шеърляти анъаналари тадрижий ривожланишидаги ўзига хос ўрни, шоир лирикасининг ишқ, муҳаббат, садоқат, дўстлик каби ғоявий мундарижаси, бадиияти, поэтик услуби, жанрий таркиби, тил хусусиятлари далилланган хулосалардан ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуминатар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2012-2016 йй)

фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимнинг 2021 йил 7 сентябрдаги 17.01/208-сон далолатномаси). Натижада Тамкин Бухорий девонидаги лирик асарлар ва ҳикоятларнинг жанр хусусиятлари, мазмуни, моҳияти, уларда тилга олинган ахлоқий, ижтимоий, фалсафий, тасаввуфий муаммоларни ёритиб беришга эришилган;

зуллисонан ижодкорнинг форсий, арабий, туркий тилларда яратган асарлари ҳажми, жанрий таркиби, мавзулар олами, девонидаги шеърлар табдил қилиниб, шоир лирикасида гўзал бадиият уйғунлигини таъминлашда лафзий ва маънавий санъатларнинг мутаносиблиги, мақолларнинг поэзия тилига яқинлиги, афоризмларнинг тарбиявий аҳамиятига доир хулосалардан ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуминатар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-ОО5 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2017-2020 йй) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимнинг 2021 йил 7 сентябрдаги 17.01/208-сон далолатномаси). Натижада Тамкин Бухорий туркий ва форсий шеърятининг бадиий хусусиятлари, ғоявий тимсоллари, тасаввуфий образлар силсиласини очиб беришга хизмат қилган;

Шарифжон-Махдум Садри Зиёнинг “Тазкори ашъор”, Абдуллоҳхожа Абдийнинг “Тазкират уш-шуарои мутааххирин” ва Шайх Абдулқодир Кароматулло Бухорийнинг “Армуғони саббоғ”, С.Айнийнинг “Ёддоштҳо” ва “Намунаи адабиёти тожик” адабий манбалар, тазкиралар асосида Абдурахмон Тамкин таржимаи ҳоли, ижодий биографияси, XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро адабий муҳитидаги ижтимоий-сиёсий ва адабий шароитнинг Абдурахмон Тамкин ижодига таъсири асосланган илмий хулосалардан «Бухоро» телеканалининг «Замондош», «Ассалом, Бухоро», «Саккизинчи мўъжиза» кўрсатувларида фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 21 апрелдаги 22/21-сон маълумотномаси). Натижада, халқимиз ўзининг яна бир аждодининг яратган асарлари ва ибратли ҳаёт йўлидан огоҳ бўлди ва телетомошабинларнинг Бухоро адабий муҳити бўйича тасаввурларини бойитишда муҳим аҳамият касб этди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация иши натижалари 1 та монография, 17 та, жумладан, 7 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий

анжуманларида маъруза ва мақола кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 1 та монография, 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та, 7 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида мақола чоп этилган.

**Диссертация ҳажми ва тузилиши.** Диссертация 132 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган.

**I боб. XIX аср ва XX аср бошларида Бухоро адабий муҳити ва Тамкин Бухорий ижоди**

**1.1. Бухоро амирлиги ижтимоий-тарихий шароитида илмий-адабий муҳит ҳамда Тамкин ҳаёти ва ижодининг шаклланиш омиллари**

Бу давр сиёсий-иқтисодий вазияти ва маданий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи манбалар турли авторлар қаламига мансуб бўлиб, характер эътибори билан бир неча гуруҳга бўлинади:

- Бухоро хонлигининг турли даврларида яшаган тарихнависларнинг асарлари;
- Ғарбий Европа ҳамда рус сайёҳларининг мемуарлари, тазкира типигаги асарлари; - тазкира, баёзлар;
- илмий тадқиқот характеридаги асарлар.

Бухоро тарихида Манғитлар сулоласи даври ҳақида маълумот берувчи дастлабки манбалардан Абдулкарим Бухорийнинг 1830 йилда ёзилган йўл таассуротлари, Мирзо Шамс Бухорий асарлари, Муҳаммад Яъқуб “Гулшан ул-мулук”ининг (1831) сўнги қисми, Муҳаммад Вафой Карминагий ва Домулло Олимбек бинни Ниёзқулибекларнинг “Тухфат ул-хоний”си, Аҳмад Дониш ва Мирзо Абдулазими Сомий рисолаларини кўрсатиш мумкин.

Шўролар ҳокимиятининг илк кунларидан бошлаб манғитлар ҳукмронлиги давригача Бухоро тарихига оид илмий-тадқиқот ишлари яратила бошланди. Бўлот Солиев, Садриддин Айний рисолалари, П.П.Ивановнинг бир қатор илмий асарлари диққатга сазовордир.

Шунингдек, XX аср Бухоро хонлигидаги адабий ҳаёт ҳақида тасаввур ҳосил қилувчи муҳим манбалар эса кўёзма, девон ва баёзлар ҳамда XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида тузилган тазкиралардан иборат эканлиги кўрсатиб берилган. Бу давр шоирларидан бир нечтасининг девонлари бизга маълум бўлса ҳам, айрим девон тузмаган ёки ҳозирга қадар девони маълум бўлмаган ижодкорлар меросининг бир қатор намуналари ўнлаб қўлёзма баёзлар воситасида бизгача етиб келган.

Масалан, Қори Раҳматуллоҳ Возехнинг “Тухфат ул-аҳбоб фи тазкират ул-асъҳоб” (1871) номли тазкирасида мазкур давр адабиётининг кўзга кўринган вакиллари ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. Кейинроқ яратилган Ҳашматнинг “Тазкират уш-шуаро”, Афзали Пирмастийнинг “Афзалут-тазкор фи зикр уш-шуаро вал ашъор”, Ҳожи

Неъматулло Муҳтарамнинг “Тазкират уш - шуаро” каби тазкиралари ҳам ушбу давр адабиёти ҳақидаги маълумотларни кенгайтиришга ёрдам беради.

XIX–XX аср бошлари Бухоро адабиётининг баъзи масалалари ёки айрим вакиллари ижодига оид маълумот ва материаллар ўзбек, тожик олимларининг дарслик, қўлланма, хрестоматия ва ўнлаб илмий ишларида учрайдики, мавжуд ишлар икки қондош ва жондош тилда яратилган адабиётнинг муҳим намуналари, айрим атоқли ижодкорлари ҳақида маълумот берувчи муҳим манбалардир.

XIX асрда Бухоро хонлиги Ўрта Осиёдаги майда феодал мулкларни бирлаштириш асосида юзага келган ўзбек хонликлари (Бухоро, Хива, Қўқон) орасида ўзига хос мавқега эга эди. Бухоро мамлакатига қарашли ерлар Амударёнинг шарқий сохилларидан, яъни Россия Помиридан, то Хиванинг кенг даштларигача чўзилиб боради. Россия ва Бухоро ўртасидаги бўлган урушдан олдин 1868-йили ва болшевиклар ҳукумати тасарруфида бўлган (1920) чоғда Бухоро шимол тарафдан Қизилқум саҳроси билан чегарадош эди. Ғарб тарафдан Сирдарё ҳамда Қўқон хонлиги билан, жанубдан эса Афғонистон, шарқдан Туркман ўлкаси ва Хива давлати билан туташган эди. Ўша даврда Бухорода 2-3 ярим миллион аҳоли яшаган. Унинг ер майдони 225000 км<sup>2</sup> бўлган. Бухоро давлати 28 бекликка бўлинган. Жумладан: Нурота, Қорақўл, Қабоқли, Чоҳаржўй, Карки, Бойсун, Ҳисор, Дехнав, Қўрғон (тепа) Болжувон, Қўлоб, Қабодиён, Яккабоғ, Китоб, Ғузор, Қаротегин, Калиф, Бурдолик, Шаҳрисабз.

Қадимий маданий ёдгорликлар мавжуд шаҳарлар ҳали - хануз маълум ва машхурдир.

1783 йилдан то 1920 йилга қадар Бухорода Манғитлар сулоласи ҳукмронлик қилди. Буларда, 1783-1800 йиллар Амир Шоҳмурод; 1800-1826 йиллар Амир Ҳайдар; 1826-1860 йиллар Насруллоҳон; 1860-1885 йиллар Амир Музаффар; 1885-1910 йиллар Амир Абдулаҳад ва 1910-1920 йиллар Амир Саид Олимхон давлатни бошқарди. Ана шу йилларда Бухоро ва Қўқон хонлиги орасидаги келишмовчилик фожиавий тус олди.

Ўзаро низолардан хабардор бўлган Англия ва рус ҳукумати ҳарбий ва бошқа хил мутахассисликдаги жосусларни юбора бошладилар. Масалан: 1825 йил Мурк Форт ва Требек номли жосуслар Бухорога келдилар. 1830-1833 йилларда Александр Бернис

номли дипломат айғоқчи Бухоро ва Мурғобда бўлди. Савдо учун рус ҳукумати 1820 йилда Негри, Мейндорф, Эверсман деган кишиларни Бухорога юборди.

Улар Бухородан битта синган шамдон ва синган офтоба ҳамда сополдан ясалган синган товоқни ўз императорларига этиб, Ўрта Осиёликларнинг мана шулардан бошқа илмий ҳеч нарсаси йўқ. Агар биз нафис тўқилган газламаларимизни ва бошқа чиройли буюм ҳамда армияга керакли бошқа анжомларни юбориб турмасак, уларнинг ҳолига вой, яъни улар дағал тўқилган ўзларининг бўзларини ва бебурд чориқларини киёлмайдилар, деган маъноларни беришлари, 1832-1842 йиллар Афғонистонда инглиз колонизаторларига қарши курашнинг кескинлашиб кетиши Ўрта Осиёда рус ҳукумати мавқеининг кўтарилишига сабаб бўлди.

Аҳмад Дониш ғазаб билан таъкидлаганидек, Бухоро амирлари юксак эътиқод ва илм-фан марказлари сифатида шуҳрат қозонган Бухоро билан Самарқанд шаънига шу қадар катта иснод келтирдиларки, (Амир Насрулло даври кўзда тутиляпти), бу ҳол тарих саҳифаларидан ҳеч қачон ўчмайди.

Амир Музаффарнинг ўғли Амир Саййид Абдулаҳад 1885-1910 йиллар Бухоро Амирлиги тахтини бошқарди. Абдулаҳад 14 ёшидан бошлаб Кармана беги этиб тайинланган. Рус сайёҳларининг маълумотларига кўра, у Карманада жуда оддий кун кечирган. 1885 йил 4 ноябрда амир Музаффарни Бухоро аркида оқ кигизга ўтирғизиб, тахтга ўтқизиш маросими бўлиб ўтди.

Амир Абдулаҳад саёҳат қилишни яхши кўрган. У турли йилларда Москва, Санкт-Петербург, Киев, Одесса, Екатеринасллов, Боку, Тифлис, Ботуми, Севастопол, Боғчасарой каби шаҳарларда бўлган. Амир ҳар йили Кавказда, Қрим ёки Ялтада дам олган. Унинг ҳукмронлиги даврида қийноқлар, ўлим ҳукми ва энг даҳшатли жазо, Бухородаги Минорайи Калондан ташлаб юбориш ман этилган. Амир Абдулаҳад даврида амирликда мис, темир, олтин қазиб чиқариш, телефон линиялари ва темир йўллари қурилиши, савдо фаол ривожлантирилади.

Абдулаҳад амирликдаги ҳарбий кучларга алоҳида эътибор берган. Ёшлик чоғидаёқ бўлажак амир ўз горнизонида ҳарбий машқлар ўтказиб, Кармана қалъасини яхши ҳарбий ҳолатда тутган. 1895 йилдан бошлаб Бухоро амирлигида милитция хизмати

йўлга қўйилган. Кейинчалик ҳам амир Абдулаҳад ўз қўшинини ҳарбий тайёргарлигини ошириш ва замонавий қуроллантириш учун кўпгина ишларни амалга оширган. Лекин унинг хур ва илғор фикрлари ва амалга татбиқ этган ишлари атроф хонликларда етилган сиёсий бошбошдоқлик учун етарли эмас эди.

Бу парокандаликдан фойдаланган рус ҳукумати ўз аскарларини XIX асрнинг ўрталарида Хива, Қўқон хонликларининг шимолий чегараларига келтириб қўйди. Ўрта Осиё хонликлари учун ўз мустақиллигини сақлаб қолишдек масъулият реал бўлиб қолган бир шароитда ҳам Бухоронинг қўшни хонликлар билан муносабати кескинлигича қола берди.

Бухоро билан Қўқон хонлиги ўртасидаги чегара туманлари учун кураш эса мазкур территория (Хўжанд ва Ўратепа) 1866 йил Россияда қўшиб олингунгача давом этди. Шундай қилиб, XIX асрнинг 60 йилларидан бошлаб, яъни Тошкент ва Хўжанд шаҳарлари ҳам Россияга қўшиб олиниши билан Бухоро хонлиги сиёсий ҳаётининг инкирозли босқичига қадам қўя бошлади.

Бухоро мамлакати, гарчи, Россия давлати ҳимоясида бўлган бўлса-да, лекин у ўзининг ярим мустақиллигини (вассал) сақлаб қолган эди.

Амир Сайид Олимхоннинг “Бухоро халқининг ҳасратли тарихи” деган китобида келтирилган ушбу фикр ҳам буни тасдиқлайди: “1868 йил Бухоро билан Русия ўртасида тузилган қарорга биноан Русия фуқаролари Бухоро Амирлигида солиқ тўлашдан озод эди, лекин улар Бухоро бозорларида ўзларининг тижорат молларини сотганларида сотилганнинг юздан икки ярим фоизини Бухоро ҳукуматига беришлари шарт эди”.

Бухоро 1920 йилдан ўз эрки мустақиллигидан бутунлай жудо бўлди (892-903) йилларда Сомонийлар ташаббуси билан Бухоро пойтахт бўлди ва буюк шаҳарлар қаторидан ўрин олди. То 1920 йилга қадар Бухорога алоҳида назар билан қаралиб, иккинчи Макка, деб таърифланар эди. Шўролар ҳукумати Ислом дунёсининг Шарифи Бухорони оддийгина “Бухоро”га айлантирди. Ушбу шаҳар балогардони Баҳовуддин қасрини отхона қилди.

Мустақиллигимиз туфайли Бухоро яна жаҳонга юз тутди, ўз мавқеини тиклади.

Бу ишларнинг барчаси юртимиздаги оқилона сиёсат, ҳамда давлат раҳбарининг тадбиркорлиги ва фидойилиги туфайли амалга ошди.

Бухоро давлатининг қўшни мамлакатлар билан иқтисодий ва сиёсий алоқалари, унинг иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётида сезиларли рол ўйнай бошлади. Айниқса, Россия билан савдо муносабатларининг кенгая бориши маданий ҳаётда ҳам олдинги асрларга нисбатан силжиш рўй беришига олиб келди.

Шўро даврида яратилган айрим асарларда Бухоро хонлигидаги маданий ҳаёт ҳақида айтилган кўпгина баҳсталаб фикрларни учратиш мумкин. Чунончи, П.П. Иванов очеркларида: “Манғит амирлари интеллектуал савиясининг пастлиги диний таассубнинг авж олиши ва дунёвий илмлар ҳамда маданиятнинг баъзи бир тармоқларининг кенг ривож топишига монелик қилар эди”,–деган эди. Ёки, Й.К.Меендорфнинг “Мамлакат пойтахти бамисоли бир монастирни эслатадики, у ерда диний ақида ва одатларга амал қилинаётганлигини назорат қилиб туриш, гўё ҳукуматнинг асосий вазифасидек туюлади”,–деган фикрлари келтирилади. Тўғри, ўз юртдошларимизнинг ишларида ҳам шунга яқин фикрлар кўплаб учрайди. Лекин улар, замона зайли билан шундай иш тутишга мажбур бўлганлар. Бироқ, ўзга миллат вакили айтган бу фикрлар Бухоро халқи, қолаверса, Моварауннаҳр халқи учун таҳқир ва ҳақоратдир. П.П. Иванов билим савияси паст, деган Бухоро амирларидан бири Сайид Олимхон ўн уч ёшида барча билимларни ўрганиб бўлиб, 1893-йил Петербургга ўқиш ва ўрганиш учун бориб, етти йилда ўзлаштириши лозим бўлган дастурни уч йилда ўзлаштириб қайтган эди. Ёки, Меендорф назарида монастирға ўхшатирилган Бухоро шўролар даврида ўргимчак тўрига ўралиб қолгандек эди. Мана энди бу қобиқлар яқсон қилиниб, Бухоро жаҳонга юз тутди.

XIX асрнинг охирлари ва XIX асрга келиб амирликда иқтисодий ҳаётнинг бирмунча юксалиши маданий ҳаётга ҳам таъсир этмасдан қолмади. Айниқса, илгариги даврларда шаклланган мактаб ва олий таълим берувчи мадрасалар фаолияти бу даврда анча юксалди. Бошланғич таълим берувчи мактаблар амирликнинг барча йирик қишлоқларида, шаҳарларининг барча маҳаллаларида мавжуд бўлиб, бу мактабларда болаларнинг дастлабки саводи чиқарилган. Мактабларда араб алифбосида савод

чиқарилиб, Қуръоннинг дастлабки оятлари ёдлатилган. Шариатга оид дастлабки сабоқлар берилган.

XIX аср Бухоро ва хонликнинг бошқа шаҳарларида бир қатор мадраса, масжид ва бошқа бинолар қурилиб, уларда халқ усталарининг юксак заковати ўз қирралари билан намоён бўлган. Бу даврда диний таълим ўқитиш системасида етакчи ўрин тутарди. Ўқиш икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич мактаб, иккинчиси эса мадрасалардан иборат эди. Уларда ўқиш муддати қатъий белгиланмаган. Агар мактаб даври 6-15 ёш орасига тўғри келса, мадрасада ўқиш даври ҳар бир талабанинг қобилиятига боғлиқ ҳолда, 8 йилдан 15-20 йилгача давом этарди. Мадрасаларда мусулмон дини ва ҳуқуқи билан биргаликда жуда кенг билим берилган, талаб ҳам кучли бўлган.

Мадрасалар амирликнинг барча шаҳарларида мавжуд эди. Уларда ўқитиш илгариги даврларда бўлганидек уч босқичда: 1) паст қадам; 2) миёна (ўрта) қадам; ва 3) пешқадамда амалга оширилиб, етти йил давом этган. Мадраса ўқитувчилари – мударрислар ва бошқа хизматчилар маошлари, талабалар нафақалари, кутубхона харажатлари, таъмирлаш ишлари ва бошқаларга кетадиган маблағлар вақф ерларидан келадиган фойда ҳисобидан қопланган. Мадрасалар, одатда, ҳукмдорлар, амалдорлар, нуфузли шахслар, йирик дин пешволари ва савдогарлар томонидан кўп ҳолларда пишиқ ғиштдан икки қаватли қилиб қурилган. Уларнинг биринчи қаватида масжид, қироатхона ва кутубхоналар, иккинчи қаватида эса талабалар яшайдиган хужралар жойлашган.

Мадраса талабалари диний билим бўлган Қуръони Карим, фикҳ, шариат асослари, диний-ахлоқий адабиётлар билан бирга тил, адабиёт, тарих, фалаккиёт, мантик, фалсафа, ҳандаса, риёзиёт (математика) каби дунёвий ва аниқ фанлардан ҳам таълим олганлар. Шунга қарамасдан, бу даврда мадрасаларда диний-ахлоқий таълимга асосий эътибор қаратилиб, дунёвий таълим бериш нисбатан орқада қолган эди.

Бу даврда амирликнинг Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Ғузор, Каттакўрғон, Дехнов каби кўплаб шаҳарларида масжид ва мадрасалар бунёд этилган. Бухородаги Домулло Турсунжон мадрасаси, Худойдод меъморий (масжид, мадраса ва сардоба) мажмуаси, Эрназар элчи мадрасаси, Қаршидаги Али ва Мир Муҳаммад

мадрасалари шулар жумласидандир. Ундан ташқари шаҳарларда кўплаб ихтисослашган ёпиқ бозорлар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, йўллар бўйларида сардобалар бунёд этилган.

Бироқ Аштархонийлар ҳукумронлиги давридан бошлаб ижтимоий-маданий ҳаёт ривожининг қудратли тўсиғига айланган диний мутаассиблик манғитлар ҳукумронлиги даврида янада кучайди. Бу омил, биринчи навбатда, аниқ ва табиий фанларнинг ривожланишига имкон бермади. Чунки, диний мутаассиблик намояндалари бу фанлар соҳасида амалга оширилиши мумкин бўлган ҳар қандай кашфиётни Худонинг иродасига шак келтириш деб ҳисоблардилар. Шунинг учун ҳам уч ўзбек хонлигида, жумладан, Бухоро амирлигида аниқ ва табиий фанлар қисман ривожланмади. Шу туфайли, бу даврда асосий асарлар тарих, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида яратилганлиги бежиз эмас эди.

Бухоронинг XIX аср биринчи ярмида ижод этган тарихчи олими Муҳаммад Якуб ибн Дониёлбий Бухорий эди. У “Гулшан ул - мулук” (“Подшоҳлар гулшани”) деган асар ёзиб қолдирган. Бу асар икки қисмдан иборат бўлиб биринчи қисми Бухоронинг қадимги тарихи, унинг ҳукмдорлари шажараси баёнига бағишланган; иккинчи қисмида эса Марказий Осиёнинг XIX ва XIX асрлардаги тарихи баён этилган.

Шунингдек, XIX асрда ёзилган Мирзо Шамс Бухорийнинг “Баёни баъзи ҳаводисоти Бухоро, Хўқанд ва Қошғар” (“Бухоро, Қўқон ва Қошғарнинг айрим воқеа ҳодисалари баёни”) китоби ва Мир Олим Бухорийнинг “Фатҳномаи султоний” ҳамда Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Йилномалар тўплами” асарлари тарихимиз учун муҳим манбалар ҳисобланади.

Бу даврда яратилган тарихий асарларнинг кўпчилиги ҳукмрон манғитлар сулоласи тарихига бағишланган бўлиб, уларда ўрта асрлар тарихнавислигидаги анъаналар давом эттирилгани кузатилади. Амирликда яшаб ўтган илм-фан намоёндаларининг фаолияти кўп қиррали бўлиб, уларнинг аксарияти тарихий асарлар ҳам яратганлар. Хусусан, Мулло Ибодулланинг “Тарихи амир Ҳайдар”, Муҳаммад Шарифнинг “Достони амирони манғит”, Мир Олим Бухорийнинг “Фатҳномаи султоний”, Мирзо Абдулазим Сомийнинг “Тарихи салотини манғития”, “Даҳмаи шоҳон”, Муҳаммад Шариф ибн

Муҳаммад Нақининг “Тоғ-у таворих”, Аҳмад Донишнинг “Манғитлар хонадони ҳуқумдорлари тарихидан қисқача рисола”, Мирзо Содик Муншийнинг “Манғит ҳуқумдорлари тарихи” кабилар шулар жумласидандир.

Шунга карамай, санъатнинг кўпгина соҳалари ривожланди. Ўз аجدодлари анъаналарини пухта эгаллаган моҳир меъмор, муҳандис ва наққошлар етишиб чиқди. Нафис мисгарлик ва заргарлик буюмлари, айниқса, зар билан нақшланган либослар тайёрлаш анча тараққий этди. Китобат усталари ва моҳир хаттотлар санъати ҳам ўзига хос мавқега эга эди. Бухорода халқ театрининг ўзига хос кўриниши бўлмиш қизиқчилик ёки масхарабозлик анча машҳур бўлди. Амир ҳузуридаги иккита ҳаззол айрим қози ва оқсақолларнинг порахўрлиги ҳақида ҳам ҳазил йўсинида танқидий гаплар айта олар эдилар. А.Донишнинг маълумотиغا кўра, Амир Музаффар давридаги байрам маросимларда қизиқчи–муқаллидлар махсус либосларда эшакларга тескари миниб шаҳар аёнлари ҳузурида айрим қози ва раисларнинг ҳукм чиқариш усулларини кулгули қилиб ижро этишган. Барча тантанали маросимлар, сайиллар дорбозлар иштирокисиз ўтмаган.

Айниқса, Бухорода хаттотлик ва миниатюра санъати яхши ривожланган эди. Бу даврда рассомлар асосан қўлёзмаларни нақшли безаш билан шуғулланиб, кўпроқ диний мавзудаги китобларни безата бошладилар. Бу соҳанинг қатор етук билимдонлари замонасига яраша ёдгорлик қолдирдилар. Чунончи, шу даврда ижод қилган Мир Масъум Оламиён “Ахлоқи Муҳсиний” китобини ҳамда Саъдийнинг шеърий асрларини расм билан безайди.

Мир Содик Жондорий эса қўлёзма китобларга лавҳалар, Саъдий ва Ҳофиз асарларига турмуш манзаралари тасвирланган расмлар ишлаган. Қўлёзмаларни бадий муқовалаган.

Йирик олим, файласуф, шоир Аҳмад Дониш (1827-1897) 20 йил мобайнида Бухоро сарой кутубхонасида хаттот ва рассом бўлиб ишлаган.

Аҳмад Дониш астрономия, тиббиёт, риёзиёт, маъморчилик ва мусикадан ташқари хаттотликни, рассомлик ҳамда ранг бериш санъатини ҳам ўрганган эди.

Аҳмад Дониш кўчирган, беаган ёки расм ишлаган кўлёмалар ичида “Шоҳ дарвиш” (1849 ), “Ажойиб ат-табақот” (1847) ва бошқа асарлар бунинг далилидир.

Бухоронинг муסיқа санъати кўшни халқларда ҳам машхур бўлиб, хусусан мақом усталарининг маҳорати бошқа ўлкалар санъат мухлисларининг ҳам эътиборини қозонган. Хонликда муסיқа санъатининг тарқалиш кўлами ва хусусиятлари масаласида икки ҳолат кўзга ташланиб туради.

Халқ муסיқасининг тарқалиши асосан, қишлоқлар ҳаёти билан боғлиқ бўлса, классик муסיқа – мақом билан боғлиқ анъаналар пойтахт Бухорода марказлашган эди. Натижада, Бухоро юксак устозона муסיқа санъатининг марказларидан бири бўлган.

Чунончи, XVIII аср охирларида Бухорода вужудга келган “Шашмақом” бунинг ёрқин далилидир.

Бухоро Шашмақоми, Бузрук, Рост, Наво, Дуғоҳ, Сегоҳ ва Ироқ мақомларидан иборат бўлиб, 250 дан ортиқ ҳар хил шаклдаги куй ва ашула намуналаридан ташкил топган.

Мақом ашулаларининг шеърий матни учун Рудакий, Жомий, Навоий, Фузулий, Бедил, Бобур, Нодира ва Машраб сингари туркий ва форсий тилли мумтоз шоирларнинг лирикасида намуналар танланган. Шашмақом оғзаки тарзда Устоз-шогирд анъанаси шаклида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Бухоро хонлигининг катта ҳудудидаги қабилалар орасида муסיқа билан боғлиқ ижрочилик–бахшилар санъати ниҳоятда машхур бўлган.

Талантли халқ ижрочи бадиҳагўйлари асрлардан–асрларга ўтиб келаётган фольклор анъаналарини бу даврда ҳам давом эттириб, янада бойитганлар.

Бухорода мумтоз муסיқа ҳамда устоз ҳофизлар санъати билан бир қаторда, ракс, ҳикоягўйлик ва ҳар хил китоблар ўқиш санъати ҳам кенг тарқалган.

Бухоронинг охирги амири Сайид Олимхон маданият ва маърифат борасида шундай хотирлаб ёзади: “Бухоройи шариф аркининг яқинида Болойи ҳавз дейилган жойида ўз номимга - бир ибодатга масжид бино қилдирдим. Бухоро минорасининг паст томонида

бозорнинг ички томонида ўз номидан Дор ул-улум – Билим уйи бўлган бир мадраса курдирдим, ҳар хил илмдан дарс берувчи муаллимлар тайин эттирдим. Мазкур мадрасада истиқомат қиладиган талабалар сарф-харажатлари, маош ва кийим-кечаги ҳам ўз тарафимдан белгиланиб, унга бир нафар нозир тайин этдим. Бозор ва йўл ободлигига кўп ҳаракат қилдим, уч йил ичида Бухоро мамлакати анча обод бўлди, унга зеб-зийнат ва тартиб интизом ўрнатдим”<sup>4</sup>.

Демак, XIX аср ва XX асрнинг бошларида ҳам Бухоро маданияти тараққиёт поғоналарида бўлган. Буни, адабий муҳит ҳақидаги фикрларимиз ҳам тасдиқлайди.

Улардан бири Абдурахмон Тамкин Бухорий ўз даври анъаналарини муносиб давом эттирган шоир сифатида Бухоро амирлиги ижтимоий –тарихий шароитида етишиб чиққан ижодкорлардан бири бўлди ва буни қисмат ҳисоблади.

## **1.2.Мазкур давр турли йилларида Бухоро хонлигида яшаган ижодкорларнинг ижод маҳсули**

Аштархонийлар ҳукмронлигининг охириги даврларида “секинлашган” адабий ҳаёт манғит амирлари даврида ҳаётдаги сиёсий-иқтисодий оқим билан боғлиқ маълум ўзгаришлар таъсирида яна ривожлана бошлади. Айниқса, ўзбек адабиётида бутун ўлка бўйлаб халқ дostonчилиги кенг қулоч ёзди. Бу даврда Гўрўғли туркумидаги дostonлардан ташқари “Тоҳир ва Зухра”, “Баҳром ва Гуландом” (Сайқалий), “Гулфараҳ”, “Хуршид ва Маликайи Дилором”, (Ризоий) каби ўнлаб халқ дostonлари халқ орасида кенг тарқалди. Бу ўринда венгер шарқшуноси Ҳерман Вамберининг қуйидаги фикрларини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир: “Ўзбекистонда бундай романлар сон - саноксиз даражада кўп бўлиб, ўзбеклар, айниқса шу хилдаги асарларни ғоятда севадилар. Бундай асарларда ўзбекларнинг миллий ҳис ва ифтихорларини, мардлик ва қаҳрамонлигини акс эттирувчи кўпгина маҳазларни топиш мумкин”

---

<sup>4</sup> Олимхон А.С. Бухоро халқининг ҳасратли тарихи. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.8.

Ёзма адабиётда ҳам XVIII асрнинг охири XIX ва XX аср бошларига қадар ўзбек ва тожик адабиёти тарихида муносиб из қолдирган ижодкорлар майдонга келди. Булар, Савдо, Мирзо Сирожиддин Ҳаким, Возех, Сомий, Саҳбо, Абдурахмон Тамкин, Садри Зиё ва бошқалар.

Бухоро давлатидаги адабиёт, аҳолининг этник таркиби ва анъаналарининг таъсири билан боғлиқ ҳолда, ўзининг алоҳида томонларига эга. Шулардан энг муҳими адабиётнинг тил жиҳатидан маълум даражада табақаланганлигидир. Бухоро шаҳри ва хонликнинг тожиклар яшайдиган ўлкаларида асарлар, асосан, тожик тилида ёзилган. Бухорода тожик (қисман араб) тилининг етакчи ўринда бўлиши, анъананинг-ижодкорларнинг ўқитиш ишлари мазкур тилларда олиб бориладиган мадрасалар ёки расмий доиралар билан боғланганлиги билан ҳам изоҳланади, албатта.

XIX аср Бухоро адабий ҳаётида бир неча эпик асарлар яратилган бўлса-да, лирика етакчи ўрин тутди. Бу давр шеърлятида лириканинг ўн иккитача тури учрайди. Лекин энг фаол жанрлар – ғазал, мухаммас, маснавий, қасида, қитъа ҳисобланади. Рубоий, соқийнома, фард, чистон, мусамматнинг бошқа турлари айрим шоирлар девонидагина учрайди.

XVI - XVIII асрларда эпик жанрларнинг мавқеи биринчи ўринга ўтган бўлса, бу XIX-XX аср бошларига келиб, ғазал яна лириканинг етакчи жанрига айланди ва ўз имкониятларини кенг намоёниш қила бошлади.

Бу давр ғазалларини моҳият жиҳатидан иккига бўлиш мумкин:

аксар ғазалларда шу жанр тарихидаги барқарор анъаналарнинг сезиларли излари кўзга ташланиб турса;

бир қатор ғазаллар реал шароит билан боғланган кечинмаларнинг аниқ ифодаси сифатида юзага келган.

Чунончи, ишқ ва у билан боғлиқ кечинмалар тасвири, шунингдек, ўз аҳволидан шикоят, жамият носозликларидан норозилик, олийжаноб хислатларни улуғлаш бу давр ғазалларининг асосий мавзуини ташкил этади. Хуллас, ғазалчиликда умумий мавзулар билан бир қаторда, ижодкорнинг шахсий таассуротлари ва кечинмалари билан алоқадор

бўлган аниқ шеърлар ҳам анчагина пайдо бўлди. Шунингдек, бу давр ғазаллари орасида Алишер Навоий ижодиётида тараққий этган ҳодиса –маълум сюжетга эга бўлган шеърлар ҳам учрайди. Поетик тасвирга бир томондан анъананинг (тожикча шеърларда Ҳофиз, Бедил, туркий шеърларда Навоий ва Фузулий каби классикларнинг) таъсири катта эканлиги сезилиб турса, иккинчи томондан, ҳар бир ижодкорнинг маълум даражада оригиналликка интилиши ва бунинг айрим самаралари кўзга ташланади. Бу даврда Бухородаги ўзбек-тожик ғазалчилигининг умумий ҳолати Мужрим, Шавқий, Шуқурий, Вола, Жоний, Савдо, Тамкин, Хумулий, Шоҳин, Музтариб, Бебок, Ҳайрат, Айний, Сомийлар каби зуллисонайин шоирларнинг ижодий фаолияти билан боғланган.

XIX аср охирига келиб Бухоро адабий муҳитида маснавий ҳам, ғазал, мухаммас, китъа сингари асосий поетик жанрлардан бирига айланди. Бу даврда маснавийнинг икки хил кўриниши дoston шаклидаги йирик тури ҳамда сюжет ва образлардан холи бўлган намуналари яратилди.

Хумулийнинг “Шоҳ ва Гадо”, “Шайх Мусахон Даҳбедийнинг таржимаи ҳоли”, Хиромийнинг “Чор давеш”, “Тўтинома”, “Раъно ва Зебо” асарлари йирик маснавий дoston намуналари ҳисобланади. Бу жанрдан муҳим сиёсий-ижтимоий ҳамда таълимий қарашларни бадий равишда ифода этишда анъана сюжетлардан маҳорат билан фойдаланилган.

XIX асрнинг охири XX аср бошларида икки тилда асар ёзган шоирлар ижодига Бедил, Ҳофиз билан бир қаторда, Навоий ва Фузулий анъаналарининг таъсири ниҳоятда кучли бўлган.

Зуллисонайин шоирлар учун форс-тожик ва туркий шоирлардан Ҳофиз, Жомий, Бедил, Навоий, Фузулий, Муқумий мероси катта маҳорат намунаси ролини ўйнаган бўлса ҳам, бироқ ҳар бир ижодкорнинг улардан айримларига алоҳида муносабатда бўлиб, унга кўпроқ эргашганлари кўзга ёрқин ташланиб туради.

Масалан, Абдулқодирхўжа Савдонинг тожик тилидаги ижодида кўпроқ Бедилнинг таъсири сезилади. Бироқ Савдо ижодининг ўзига хослиги шундаки, у Бедилнинг мураккаб тил услуби таъсирига берилмай, содда, халққа тушунарли шаклда ёзиш услубини ривожлантирди. Масалан, у Бедилнинг:

Биё эй гарди жаннат, хирмони хусн,

Ба пеши мо биафшон, домани хусн.

(Кел, эй жаннат ғубори, тенгсиз гўзаллик, қаршимизда силки хусн этагин), – ғазалига қуйидаги назирани боғлайди:

Биё эй, жаннат, хирмони пул,

Ба пеши мо биафшон домани пул.

(Кел, эй, жаннат(хури)пул хирмони;

Бизнинг олдимизга этагингни қоқ, тўк пул хирмонини)

Шунингдек, Савдо дунёқараши ва услубига ўзбек классик шоири Бобораҳим Машраб ижоди ҳам кучли таъсир ўтказган. Савдо бир шеърида:

“Қаландар Машрабам, бобои риндон аст устодам” (Қаландар Машрабман, риндлар бобоси устозим), – дейди. Шоир тожик тилида ёзган шеърларида ўзбек халқ мақоллари ва сўзларидан усталик билан фойдаланади.

Яна, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб ижод этган зуллисонайн шоир ва тарихчи Мирзо Абдулазим Сомийнинг Навоий, Фузулий анъаналарини давом эттириб ёзган ўзбекча тахмис ва назиралари Бухоро шоирлари бу классикларнинг асарларидан яхши хабардор бўлганларини, уларни ўз устозлари деб ҳисоблаганликларини кўрсатади. Навоийнинг:

Ваҳки муғбача ҳар дам чекибон бодайи ноб,

Қўзғалиб арбадасидан бу кўхна дайри хароб, –

матласи билан бошланадиган ғазалига Сомий ўн бир бандлик мухаммас боғлайди. Биринчи банди:

Ишқ водисиға мен хастайи заиф маъоб,

Жисми зоримға жунун шиддатидин турли азоб,

Ногоҳ ул шўх чиқиб зулфи сиёҳини тароб,

Ваҳки муғбача ҳар дам чекибон бодайи ноб,

Қўзғалиб арбадасидан бу кўхна дайри хароб.

Фузулийнинг “Рамазон олди чекиб шоҳиди май пардая рў” мисраси билан бошланувчи ғазалига Сомий боғлаган саккиз бандлик мухаммаси мазмун ва шакл жиҳатидан анъанавий дунёвий лириканинг яхши намуналаридан биридир:

Гардиши даҳри бало тошини ёғдирди қаму,

Бодайи шодлиғи этди этди фалак золи оғу,

Ўтти шабон-у келиб бошимиза юз қайғу,

Рамазон ўлди чекиб шоҳиди май пардая рўй,

Май учун ранг дутуб очди гесу

Сомий халқ ашулаларига яқин шеърлар ҳам ёзган:

Кўчадан ўтиб бородур Лайли жононим мани,

Гўйиё тандин бородур нотавон жоним мани.

Шунингдек, Сомий ҳам бошқа Бухоролик зуллисонайин шоирлардек форс-тожик тилида ёзган шеърларига ўзбекча сўзларни қўшади. Бу адабий тилни билмасликдан эмас, атайин шеърни халқнинг жонли тил ва талаффузига яқинлаштириш мақсадида ишлатилган усулдир. Масалан, шоир ўзбекча “қизиқ” сўзини тожикча ғазалга радиф қилиб олади:

Гарчи дар саҳни чаман сумбул-у райҳон қизиқ аст,

Чехрайи чун гули дилдори ман аз он қизиқ аст.

XIX аср иккинчи ярмида яшаб ижод этган бухоролик шоирлардан яна бири Мулло Абдумажид Музтариб. У Бухорода туғулиб, шу ерда таҳсил олган. У бир муддат амир Музаффар, сўнг эса амир Абдулахад саройларида хизмат қилган. Абдумажид Музтариб гўзал ғазаллар яратган:

Жонфидойинг менман-у малҳами жонсан ўзгага,

Қочасан мендан йироқ оромравонсан ўзгага.

Майсаликда ҳосилим эрдинг мени буғдойранг,

Мен қуруқ қолдим бугун нони тафтонсан ўзгага.

Парвариш қилдим қаламча сингари дил қонидан,

Барг ёзар пайтинг етиб, гулу гуландонсан ўзгага.

Ғўралик чоғинг авайлаб, қанча заҳмат чекдим

Пашшалар ширангиз шимди, хайр - эҳсонсан ўзгага

Мисли сархил мевага лиқ тўла лаълисан, вале,

Шунча файзинг мендану зеби дўконсан ўзгага

Жонин кафтимда тутуб, мен висолинг изласам,

Кўз тикарсан бўлгани энгу гирибонсан ўзгага.

Мен латиф шеъримда белда сочларинг ёд айлабон,

Тўлғанарман, сочни қилдинг банд печонсан ўзгага.

Хушқалом шеър мухлиси гарчи бисёр Музтариб,

Аммо сен нутку баёнда ноаёнсан ўзгага.

Шоир анъана замирида ўзига хос янгилик ярата олди. Ушбу ғазал Огаҳийнинг “Устина” радифли ғазалига эргашиш асносида битилганлиги сезилади. Шоир боғбон қиёфасида “қаламча” образи орқали янги ниҳол кўкартирмоқчи, яъни ўзгача ишқ билан маъшукани баҳраманд этмоқчи, бироқ унинг орзуси амалга ошмайди. Маъшуқа, эҳтимолки, чархи бемурувват ошиқни қанчалик заҳмат чекмасин, ташбеҳлар ахтармасин, бетакаллуфлик билан сийлайди.

Шу даврда яшаган яна бир ижодкор Абдуллобоқийхўжа Назим, яъни Бебок тахаллусли шоирдир. У XIX аср бошларида Аҳмадхўжа Миракхўжа оиласида туғилган. Мадраса таълимидан сўнг мударрислик билан шуғулланган. Девон тузган. Девонида

ғазал, қитъа, қасида, маснавий каби жанр намуналари учрайди. Бебокнинг ҳаёти зиддиятларга тўла бўлган. Бу унинг ғазалларида ҳам ўз ифодасини топган.

Қилди кўксим доғ, кўзим қон, дилфигор кулфат мени,

Нега, ё раб, бу қадар айлади хор кулфат мени.

Бодайи ҳасрат тўкилди то фалакнинг комидан,

Ичгизор тарёк мисоли захри мор кулфат мени.

Чекмасин ҳеч ким менингдек бемуродлик жабрини,

Доғларидан қилди сийнам лолазор куфат мени.

Оташи ғамми суғоргай дардли дил мазрасини<sup>5</sup>

Ундирар сийнамда гулмас, тоза хор кулфат мени.

Айни роҳат бир даме гул рангини кўрмоқ эсам,

Ғунчанинг дил доғига, қилгай дучор кулфат мени.

Ғунчадек дил таъмири қон доғидан бўлди магар,

Лоладек қонга ботиргай ҳар баҳор кулфат мени.

Айрилиқ ўтида жоним ўртанур мисли сипанд,<sup>6</sup>

Ол қулим, ё рабки, қилди беқарор кулфат мени,

Дарду доғу захмату ҳасрат чекарман, гарчи мен,

Фахр этарман қилди деб безътибор кулфат мени.

Умр карвони юкин боғлар фано мулки томон,

Кўймагай, юк боғласа, дилдан ғубор кулфат мени.

Кимсасизлик дардида куйди Бебок бус - бутун

---

<sup>5</sup> Mazra - ekinzor

<sup>6</sup> Sipand - isiriq

Бу ҳаётда айлади, шамъи мозор кулфат мени.<sup>7</sup>

Бебаҳо умрининг охиригача кимсасизлик, ғариблик ва ҳасратда умр кечирганлиги ҳақида ҳасби-ҳол шаклидаги ушбу ғазал маълумот беради.

XIX-XX аср бошлари Бухоро адабий муҳитининг яна бир истеъдодли вакили Шамсиддин Муҳаммад Шоҳин ҳисобланади. У 1866 йил Бухорода туғилиб, умрини шу ерда ўтказди. Шоҳин олдин мактабда, кейин Бухоро мадрасаларида таҳсил олди ва шаҳар маҳаллаларининг бирида имомлик қилди. 1887 йилдан бошлаб, бир муддат амир Абдулаҳаднинг парвоначисига мирзолик хизматини бажарди ва парвоначининг қизига уйланди. Шоирнинг бахтли ҳаёти узок давом этмади, тўйдан ўн ой ўтгач рафиқаси вафот этди. Натижада шоир руҳиятида, ижодида эзгинлик, ҳижрон, дил фиғонлари гўзал ғазаллар, рубоийлар, маснавийлар кўринишида акс этди. Унинг “Лайли ва Мажнун” маснавийси рафиқаси хотирасига бағишлаб ёзилган. Ундан бизгача 1 та девони, “Тухфайи сомий”, “Бадоеъ ус- саноеъ” асарлари етиб келган. Шоҳин умрининг охиригача амир хизматида бўлса ҳам, қалбан ёлғиз ҳаёт кечирди ва сил касаллигидан вафот этди.

Унинг:

Қонли дил дардига дармон етмагай,  
Сўнггига бу роҳи ҳижрон етмагай.  
Оҳу ноламдан малаклар бўлди қар,  
Не учун ёрга бу афғон етмагай.

Ёки:

То оёқ юргай, юрарман сен томон,  
То кўзим кўргай, қарарман сен томон.  
Қай куни толса оёқ бирла кўзим,  
Ўлтирарман бергали йўлингда жон,—каби рубоийлари шоирнинг ички изтиробларидан дарак бергандай кўринса-да, аслида у замонанинг носозлиги,

---

<sup>7</sup>Воҳидов С. Бухорийлар бўстони. - Бухоро: Ёзувчи, 1998. - Б.137-138.

илмлининг хорлиги, ноҳақлик ва адолатсизликлардан, халқнинг забун аҳволидан кўроқ қийналади:

Бу даҳрда бунча кўп фитнаю кин бўлмаса,

Бу даврда хунар – айб, хору забун бўлмаса,

Илмда зарардан ўзга бирор якун бўлмаса,

Эшак одам саналса, одамга кун бўлмаса,

Бир жой кетайки, бошим узра гардун бўлмаса,

Аммо нетайки, ўзга жой мен учун бўлмаса?.. – ушбу мусаддасда шоирнинг катта қалб эгаси эканлиги намоён бўлади.

Бу давр адабиётининг яна бир етук вакили Муҳаммад Сиддиқ Ҳайрат бўлиб, 1876 йилда Бухоронинг Арўсон гузарида тавваллуд топган. Отаси шу гузар масжидида муаззин бўлган. Ҳайрат етти ёшида онасидан, ўн икки ёшида отасидан етим қолган бўлса-да, турмуш машаққатларига қарамасдан ўқишини давом эттирган. 1895 йилнинг охирларида Садриддин Айний билан дўстлашуви бошланади. У иқтисодий ҳаётини яхшилаш мақсадида шу йили Ашурбек деган қорақўл тери билан савдо қиладиган даллолнинг мирзоси бўлиб, ишга киради. Ҳайрат 1902 йили 26 ёшида Бухорода сил касаллигидан вафот этади. Ҳайратдан бизгача 1 та девон етиб келган. Шоирнинг девонида ғазал, қитъа, қасида, мухаммас, мусаддас, маснавий ва рубоий каби жанрлар учрайди. Ҳайрат икки тилда: форс-тожик ва туркий тилда ижод қилган.

Масалан:

Эй муниси дил, кеча сен кима меҳмон бўлувдинг ?

Жон сенсиз ўртанди сен кима жонон бўлувдинг ?

Мен ишқинг майидан маст, сен ўзгага улфат,

Дардмандинг мену сен кима дармон бўлувдинг ?

Ағёр суҳбатига ғарқсан-у бир бор ўйламайсан,

Аслида азалдан кима армон бўлувдинг ?

Олдинг қароримнию кимга бердинг ором,

Ўлдим фироқинг ичра, айт, кима жон бўлувдинг ?

Кўз ёшим аро сузди айлоқни қайиғи,

Эй руҳи равон, кима лўбати хандон бўлувдинг ?

Бир бор дилимдан олмадинг жабр тиконин,

Гул ораз ила кима сарви гулистон бўлувдинг ?

Ханжар қўлида, бир маст келар қатлингни истаб,

Ҳайрат, караки кима захми пайкон бўлувдинг ?<sup>8</sup>

Бу давр ўзбек ва тожик адабиётинг машҳур шоир ва ёзувчиларидан яна бири Садриддин Айнийдир. Садриддин Айний ижоди анъанавий адабиётнинг охири ва янги давр адабиётинг бошланиш нуқтаси бўлиб хизмат қилади.

Садриддин Айний 1878 йили Бухоро вилоятнинг Ғиждувон туманидаги Соктаре қишлоғида туғилган. Дастлаб қишлоқ мактабида, сўнгра Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Шоирдан бизгача 15 жилддан иборат асарлар мерос қолган. У умрининг охирини Тожикистонда ўтказди, қабри Душанбе шаҳрида. Садриддин Айний серқирра ижодкор сифатида, устоз-у олим сифатида ҳам ном қозонди. Шоир ижодидан айрим намуналар бунинг исботидир. Ундан бизгача “Қуллар”, “Одина”, “Қори ишкамба” каби насрий асарлар ва гўзал ғазаллар етиб келган. Мисол учун:

Рози дил айтар эдим, бир маҳрамим бўлса агар,

Шиквалар ғамдан қилардим ҳамдамим бўлса агар.

Дилга захм тушмас эди ҳижрон тунида, во алам,

Гар парирў васлидан малҳамим бўлса агар.

---

<sup>8</sup> Воҳидов С. Бухорийлар бўстони. - Бухоро : Ёзувчи, 1998. - Б.139-140.

Бу жаҳон заҳматлари жонимга жабр солмас эди,

Лабидан бўса тутар Исодамим бўлса агар

Айрилиб қолгайми эрдим сайри гулга бормайин,

Кафтларимда ўзгалардай дирҳамим бўлса агар.

Изтиробга бунча ботдим ўз хаёлимдан, ажаб,

Завқ топардим ўзни тарк айлар дамим бўлса агар.

Чун тарозу қай куни саргашталиқ бўлди насиб?

Айний, фикримда на кўпу камим бўлса агар.

### **Биринчи боб бўйича хулосалар**

1. Хулоса қилиб айтганда, XIX аср ва XX аср бошлари Бухоро мамлакатада ўзаро тала-тўшлар бўлган бўлсада, шоиру фозиллар юрти бўлмиш Бухоройи Шариф жаҳон илм-фани ва маданиятига юзлаб алломаларни етиштириб берган.

2. Бу алломаларнинг кўпчилиги ҳақида тўлиқ ёки қисман маълумотга эгамиз, лекин яна бир қанча шоиру фозиллар борки, улар тўғрисида ҳатто тасаввурга ҳам эга эмасмиз.

3. Мазкур бобда Бухоро адабий ҳаёти тожик-ўзбек адабий алоқаларининг ривожланиши билан ҳам характерланади. XI асрда ўз ибтидосини бошлаб, XVIII-XIX асрларда кенг қулоч ёйган зуллисонайинлик анъанаси XX аср бошларида ҳам Бухорода ўз мавқеини сақлаб қолган эди.

4. Хожа Исмаи Бухорий, Мирзо Содик Мунший, Возеҳ, Савдо, Мирзо Азими Сомий Бўстоний, Ҳайрат, Садри Зиё, Садриддин Айний, Абдурахмон Тамкин Бухорий каби кўплаб форсийзабон шоирлар туркий тилда ҳам гўзал мисралар яратиб, ҳар иккала адабиёт равнақиға сезиларли ҳисса қўшганлари ҳақида маълумот баён этилади.

## **II боб. АБДУРАҲМОН ТАМКИН БУХОРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА АДАБИЙ МЕРОСИ**

### **2. 1. Абдурахмон Тамкин ижодини ўрганишдаги асосий манбалар**

Диссертациянинг иккинчи боби Абдурахмон Тамкин Бухорийнинг ҳаёти ва адабий меросига бағишланади.

Ҳар бир халқ ўз тарихини авайлаб келади. Бу тарих неъматлари бўлмиш, маданий ва адабий меросларидан келажак сари илдам йўл босиш учун куч- қувват олади. Тарих кўхна дунё демакдир. Даврлар, халқлар ва ўша замонни жонлантириш, тилга киритиш эса тарихнинг бурчидир. Аждодларимиз табаррук хотирасини абадийлаштириш эса бугунги ва келгуси авлодларнинг муқаддас вазифасидир. “Тарихдан беҳабар халқ мазлум, тарихи ёлғон ёзилган халқ маҳкум; тарихини асраган ва билган халқ қудратли ва тенглар ичра тенг халқдир,”-деб айтган юртбошимиз нечоғли ҳақ. (Бухоро сафаридан)

Илмий ишда ўз ўқувчисини кутиб ётган ижодкорлардан бири ҳақидаги қарашлар баён этилади.

Бухоро қадимдан шоир ва уламолар тўпланган энг йирик шаҳарлардан биридир. Унга “Қуббат ул ислом”, “Бухоройи шариф” унвонлари берилган. Бухорода “Малик ул-калом” Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий яшаб, ижод қилди. Наршахийнинг “Бухоро

тарихи” асарида гўзал шеърий парчалар мавжуд. Балъамий Табарийнинг “Тарих” асарини Бухорода форс тилида қайтадан ёзган. Ибн Сино буюк қомусий олим бўлиш билан бирга араб ва форс-тожик тилларида шеърий асарлар ёзган. Бухоролик Дақиқий Абу Мансур Муҳаммад Фирдавсийнинг устози бўлиб, “Шоҳнома” достонини дастлаб у ёза бошлаган. Абу Мансур Саолибий “Ятимат уд-дахр” тазкирасида Хасрда пойтахт Бухорода яшаб араб тилида ижод қилган 125 шоир ҳақида қимматли ма’лумотлар келтиради. Унинг ёзишича, “Бухоро Сомонийлар ҳукмронлиги даврида шон-шуҳрат макони, салтанат каъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ва ўз даврининг фозил кишилари йиғилган жой эди”. Авфий Бухорий адиб, таржимон ва тазкиранавис олим эди. У Турон адабиётида тазкиранавислик жанрига асос солган. Шарофиддин Бухорий (XIII-XIV асрлар) машҳур “Чор китоб”ни тузган шофирконлик улуғ мутасаввуф шоирдир. Темурийлар сулоласи даврида Бухорода Носир Бухорий, Исмат Бухорий (1365-1426), Бурундук Бухорий, Тоҳир Бухорий, Хаёлий Бухорий, Сайфий Бухорий (XV аср) каби шоирлар яшаб, девон тузишган.

Исмат Бухорий ўзбек, форс ва араб тилларида шеър ёзиш анъанасини Бухорода бошлаб берди. “Иброҳим Адҳам” достонини ўзбекчада битди. У Темурий шаҳзода Халил Султоннинг мураббийси эди. Муҳаммад Солиҳ Муҳаммад Шайбонийхонга бағишланган ўзбекча “Шайбонийнома” достонини ёзди. Шайбонийлар сулоласининг вакиллари бўлган Бухоро хонлари Муҳаммад Шайбонийхон “Шайбоний”, Убайдуллахон ибн Маҳмуд Султон “Убайдий”, Абдуллахон II “Хон” тахаллуслари билан шеър ва достонлар ёзишди, девон тузишди. Хусусан, Убайдуллахоннинг ижоди сермаҳсул бўлиб, у ўзбек, форс, араб тилларида лирик ғазаллар, маснавий йўлида сўфиёна мазмун билан суғорилган рисоалар ёзган. Ҳасанхўжа Нисорий “Музақкири аҳбоб” тазкирасида XVI асрда фақат Бухоронинг ўзида яшаб, ижод қилган 110 нафар шоир ва тарихчиларнинг номларини келтиради. Улар орасида Мавлоно Абдурахмон Мушфиқий, Мавлоно Мажлисий, Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон Исфаҳоний (“Меҳмонномаи Бухоро“ тарихий асари), Мавлоно Нахлий (1549-1636; у Ҳофиз Таниш Бухорий бўлиб, “Абдулланнома” — “Шарафномаи шоҳий” тарихий асарининг муаллифидир), Мавлоно Хожа Муҳаммад Садр (Афзалий), Мавлоно Фоний, Мавлоно Қабулий Бухорий, Девона Ҳусомий (Ҳусомий Қорақўлий; 1442-1505), Сайд

Пошшоҳўжа бин Абдулваҳҳобхўжа (Хожа), Мавлоно Касирӣ, Мавлоно Афсарӣ, Сайфӣ Арузӣ, Саққо Бухорӣ каби машхур шоирлар бор. Турди Фароғӣ, Бухорӣ Нахлий, Шавкат Бухорӣ (ХВИИ), Мулҳам Бухорӣ, Ворас, Саидкамол Фитрат, Имло Бухорӣ, Абдуллатиф Киrom Бухорӣ (XVIII аср) аштархонийлар давридаги энг таниқли шоирлар эди. Бухоро вилоятида машхур шоир Сайидо Насафӣ (XVIII аср) яшаб ижод қилди. Йирик файласуф олим Муҳаммад Шариф Бухорӣ (вафоти 1697) “Фавоиди Ҳоқонийя” (1643), Муҳаммад Юсуф Мунший “Тарихи Муқимхоний”, Мир Муҳаммад Амир Бухорӣ “Убайдулланом”, Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Замон Бухорӣ “Муҳит ат-таворих” тарихий асарларини ёзишди. Мир Муҳаммад Амин Бухорӣ Субҳонқулихон (хукмронлиги 1681-1702) ва Убайдуллахон II ибн Субҳонқулихон (хукмронлиги 1702-1711) саройида бош муншийлик лавозимида хизмат қилди. Бухоро хони Субҳонқулихон “Нишоний” тахаллуси билан шеърлар ёзди. Муҳаммад Вафойи Карминагий (1685-1769) “Тухфат ул-хоний” (“Хон тухфаси”) китобининг муаллифидир. Шоир, тарихчи ва мунажжим Абдурахмон Толеъ (XVIII аср) “Тарихи Абулфайзхон” асарини яратди. Муҳаммад Шариф Бухоро амирлиги тарихига оид “Тоғ ут-таворих” (1800) асарини ёзди. Бухорода манғитлар сулоласи даврида Мирзо Содик Мунший, Мирзо Ато, Муҳаммад Нишотий, Мужрим Обид, Сўфихўжа Сўфӣ, Бебок, Возех, Савдо (1824-73), Музтариб, Исо Махдум Бухорӣ (1827-88), Муҳаммад Сиддик Ҳайрат (1876-1902), Абдурахмон Тамкин (1851-1915), Мирзо Ҳайит Саҳбо, Аҳмад Дониш, Яъқуб ибн Дониёл Бухорӣ (1771-1831), Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммад Шариф (18-19-асрлар), Муҳаммад Олим Бухорӣ (XIX аср), Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний каби шоир ва тарихчилар ижод қилишган. Садр Зиё — Шарифжон Махдум (1867-1932), Мирзо Сирожиддин Ҳаким (1877-1912), Мулла Икром (Икромча домла) ҳам уларнинг муносиб издошлари эди. Бухоролик Афзали Пирмастӣ (вафоти 1915) “Афзал утгазкор” (1904) тазкирасида XIX аср охири — XX аср бошида Бухорода яшаб ўтган 135 ижодкор ҳақида маълумот беради. Жадид адабиётининг тамал тошини қўйганлар сафида бухоролик Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айний бор. Абдулвоҳид Бурҳонов “Мунзим” тахаллуси билан шеърлар ёзган. XX асрда Бухорода ўзига хос адабий муҳит шаклланди. Султон Жўра (1910-43), Муҳаммаджон Раҳимӣ (1901-67), Жалол Икромӣ, Тошпўлат Ҳамид (1927-84), Саъдулла Кароматов, Неъмат Аминов, Жамол Камол, Омон Мухтор, Ойдин Ҳожиева, Тошпўлат Аҳмад каби шоир ва

адиблар шўролар режими даврида ҳам бадий жихатдан пишиқ асарлар яратшди. Бугунги ўзбек адабиётининг тараққиётида Гулчеҳра Жўраева, Усмон Қўчқор, Садриддин Салимов, Тилак Жўра, Нортўхта Қилич, Сафар Барноев, Юсуф Жумаев, Ҳалима Аҳмедова, Аҳад Ҳасан, Вафо Файзулло, Сулаймон Раҳмон, Чоршам Рўзи каби шоир ва ёзувчиларнинг ўзига хос ҳиссаси бор. Мустақиллик даврида бухоролик ижодкорлар ўз салафларининг ан'аналарига содиқ қолган ҳолда ўзбек, тожик, рус тилларида самарали ижод қилишмоқда.

Бухоронинг асл фарзандларидан бири Абдурахмон Тамкин Бухорий XIX аср охири–XX аср бошларида яшаб, ижод этган сермахсул ижод намояндаси, забардаст шоир ва замонасининг пешқадам олимларидан эди. Бу ҳақда замонасининг маърифатпарвар олими Аҳмад Дониш Тамкинни улуғ шоирлар қаторида санаб, унинг ижодига юқори баҳо берган: “Билжумла дар он замоне ки мо будем, бозори фазлу хунар нароижу касод буд. Шоҳин, Музтариб ва Тамкин аз шуаройи муқаддами он назамон буданд”<sup>9</sup>.

Тамкин ижодини ўрганиш учун қуйидаги 3 манбани назардан ўтказиш лозим:

- 1) XIX асрда яратилган тазкиралар;
- 2) Тамкиннинг ўз асарлари;
- 3) шогирдлари ёзиб қолдирган хотиралар.

Биринчи манбага диққат қаратадиган бўлсак:

“XIX асрда яшаб ўтган Афзал Махдуми Пирмастий ва Хожи Неъматулло Муҳтарам каби тазкиранависларнинг асарларида бухоролик зуллисонайн шоир Тамкин ҳақида мавҳум маълумотлар, аниқроғи, ҳақиқатни бузиб кўрсатувчи нотўғри маълумотлар учрайди”, – деб ёзади тожик олими Асқар Жон Фидо.<sup>10</sup>

---

<sup>9</sup> А. Дониш. Дафтари мусаввада. Дастанависи ганжинаи дастанавишои шарқии АФРСС Ўз-н, таҳти рақами 2779, вар. 47).

<sup>10</sup> Фидо А. Ж. Тамкин рисолаи. – Душанбе, 1974. – Б.3

Дарҳақиқат, ушбу тазкиралар Тамкин ҳақида аниқ маълумот бера олмайди. Чунки ўзбек адабиётида Тамкин ижоди ҳали ўрганилмаган, имкон қадар шу масалага ечим беришга ҳаракат қиламиз.

Энди, иккинчи манба – Тамкин асарларига мурожаат этсак, уларда шоир ўзи ҳақида айрим ишоралар қилган. Ана шу ишораларни диққат марказимизда сақлаб, шоирнинг шогирдлари хотирасини варақласак, ўхшашлик ва яқинликни учратамиз. Ушбу мувофиқлик туфайли шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида аниқликка эришиш мумкин.

Абдурахмон Тамкиннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида айтилган ҳар хил фикрларга чек қўйишда шоирнинг шогирди Жаъфаровнинг <sup>11</sup> хизмати катта бўлди.

Жаъфаровнинг ёзилмаларида; “Дар санайи 1905 мелоди (баробари 1322 ҳижрий) барои таҳсили улум озими Бухоро гардида ...дар ҳовли Ҳожи Махдум сокин гардидам. Алассабоҳ бо Ҳожи Махдум ба ҳовлии домулло Абдурахмони Тамкин рафтем. Домулло бисёр одами хоксор ва ҳалим буд. Синни шарифи эшон кариб бои панжоҳу се расида буд...<sup>12</sup>”, – деган фикрлар учрайди. Бу маълумотдан шу нарса аниқ бўладики, агар шоир 1905 йил 53 ёшда бўлса, демак у 1851-1852 йиллар атрофида Бухоро шаҳридаги Бўйрабофи даҳасида таваллуд топган. Отаси Мулла Абдухолик деган киши бўлган. Тамкиннинг умри Бухорода ўтган. У Бухоро мадрасаларида таҳсил олган ва она-шаҳрида яшаб, илм ўрганганидан ғоятда мамнун бўлган ҳамда тинч - осуда ҳаётини қуйидагича ифодалаган:

Биҳишт жои ту, Тамкин чи жои реб дар ў

Ки монда боғчае ёдгор аз падар аст.

Таржимаси: Жаннат жойинг сенинг Тамкин, эшигинг жаннат эшиги,

---

<sup>11</sup>Жаъфаров Саид бинни Жаъфар-ул-Ҳанафий Технободий, Рудакий номли тил ва адабиёт институти ходими. Умрининг охирини Душанбеда ўтказган.

Шу жойдаги боғ отангдан ёдгордир.

## **2.2. Абдурахмон Тамкиннинг ҳаёт йўли ва фаолияти ҳақидаги изланишлар**

Абдурахмон Тамкин яшаган Бўйрабофон маҳалласи Бухоро шаҳридаги энг катта гузарлардан<sup>13</sup> бири ҳисобланган .

Бу маҳалла 1846 йил ташкил топган. Лекин унда гузар номи Бўриёбофон дЭйилиб, у ерда Ҳожи Қурбон номида мачит ҳам бўлган. Бўйрабофон маҳалласи Беш каппа деб ҳам юритилган. Кейинчалик бу ердаги халқ бўйра тўқиш билан шуғуллангани учун гузар ҳам шу номда бўлиб кетган.

Бўйрабофон маҳалласи катта бўлиб, аҳолиси ҳам кўп бўлган. Улар туркча сўзлашган. Маҳалла аҳолиси иккига бўлинган: маҳалланинг Жанубий томонида хоразмлик ўзбеклар, Шимолий томонида эса чоржўйлик туркманлар яшаган. Улар Шоҳ Мурод буйруғи билан кўчиб келишган. Шоҳ Мурод Хоразм хони билан жанг қилиб, ғалаба қозонган ва хоразмликларнинг бир қисмини шаҳар марказига олиб келган, лекин жой бўлмагани, аҳоли зичлиги учун уларга ана шу ердан жой берган. Бир қисм

---

<sup>13</sup> Guzar –fors-tojikcha soʻz boʻlib, “mahalla” degani.

туркманлар эса жой йўқлигидан Қоракўл туманига кетишган. Хоразмлик ва туркман Хидир – эллинлар аввал биргаликда яшашган. Лекин амир Олимхон даврида ҳар бир элат ўзининг оқсоқолини танлаб, иккига бўлинишган. Икки гуруҳ ҳам бўйрабофлик касби билан шуғулланган. Гузарда уларнинг ўз бозорчалари ҳам бўлган. Шунингдек, маҳалладаги анчагина аҳоли собунгарлик ҳам қилишган.

1927 йилги ҳисоботларга кўра, гузарда 107 хўжалик бўлиб, унда 420 киши истиқомат қилган. 1929 йили эса у қўшни Чорбаққоли Дарвозайи Самарқанд, Олим хўжа гузарлари билан бирлашиб Самарқанд гузари деб номлана бошланган.

Ҳозир бу гузар яна аввалгидек ўзининг эски номи – Бўйрабофон номини олди<sup>14</sup>. Абдурахмон Тамкин Бухорий ана шу маҳаллада бутун умр яшаб, ижод этиб, халқимизга гўзал асарлар ва ибратли ҳаёт йўлини мерос қилиб қолдирди.

Тамкин Бухородаги “Дорушшифо” мадрасасида дарс берган. Шоир асарларидан маълум бўладики, мударрис бўлганига қадар имом бўлган ва давлат ишларида ишлаган.

Бу ҳақда шоир ўзининг “Мўлистон” асарининг муқаддима қисмида ишора қилиб, айтади: “Дар тарихи гуррайи шаъбони муаззам санайи 1315 буд, ки ҳазрати Зиллил оламин (Амир Абдулаҳад) –ро дар оинайи хотир чанде увари жамъияти аҳли фазлу камол жилвапазир гардид, яке аз он жумла бандайи ҳежмадон ҳамаги саҳву нуқсон ... муддате се моҳ камёбии ин давлати бекарони фаровон ба меҳрубонии малики маннон бо ҳама вусули неъмат ва эҳсони касир ба қатори сар карда ва аморатпаноҳон мувожиб ва атъима аз нони эҳсони касир бо шахду ширини номзад ва маҳсус мегардид”<sup>15</sup>.

“Мўлистон” 17 байтдан иборат, у Бухоро амири Абдулаҳадхонга мадҳия тарзида битилган бўлиб, қитъа жанрида ёзилган.

Ёки, Тамкиннинг яна бир мадҳияси ҳам Абдулаҳадхонга бағишланган. У хонни “Чунин шоҳи дилосою дилором”<sup>16</sup> – деб кўкларга кўтаради. Бу асар 71 байтдан иборат

<sup>14</sup> Вилоят давлат архиви, 37-фонд, опис 1, дело 92, 1-8 бетлар; дело 254, 4, 28-30 бетлар.

<sup>15</sup> Тамкин. “Мўлистон”. – Дастхати таҳти рақами 337. И Ш. Ўзбекистон. варақ 8-9.

<sup>16</sup> . Тамкин. Девон. Кўлөзма номери – 337. – Б. 39.

бўлиб, “Ганжи шойгон” (“Шоҳлар дури”) деб номланган. У маснавийда ёзилган, таркибида учта рубоий ҳам учрайди.

Тамкин 1898-1901 йилларда Амир Абдулаҳад саройида эшикбонлик қилади. Мана шу йилларда шоир барча зулм ва жаҳолатнинг сабабчилари амирнинг теварагидаги амиру умаролар деб билади. У амир Абдулаҳадни уларга ишонмасликка, диёнатли бўлишга чақиради:

Ашкам аз мижгон ба рўям обрўям рехт –рехт,

Обрў барбод шуд, дурри накўям рехт-рехт<sup>17</sup>.

(Кўзларимдан ёшларим шашқатор тўкилди,

Обрўйим яксон бўлди, орзуларим ерга тўкилди).

Амир Абдулаҳаднинг ҳам шоирга эътибори кучли эди. Бироқ, ғаламис одамларнинг иғвоси туфайли шоир аста-секин амирнинг назаридан қолади. Шоир қанчалик марҳамат кутмасин, амир у кутган нарсани раво кўрмайди. Охир оқибат Тамкиндаги ишонч ва илтижо ўрнини чексиз нафрат эгаллаб, саройдан узоқлашади. Унинг сарой аҳлидан шунчалик кўнгли қоладикки, ҳатто улар билан дуч келиб қолишни истамайди. Бу истакни ҳатто “Мўлистон” асарида келтирилган ҳикоят орқали ҳам яққол ифодалаган.

Тамкиннинг бу нафрати ҳаққоний ва тўғри бўлган. “Наводири Зиёия” асарининг муаллифи Шарифжон Махдум ҳам Бухоронинг нодон ва белаёқат қозикалони мулла Бурҳониддин ҳақидаги Тамкин фикрларини тасдиқлаб бунинг тўғрилигини айтади: “Мулло Бурҳониддин валади аршад Мулло Бадриддин қозикалони Бухорои Шариф дар замони амир Абдулаҳад ва амир Олимхон ба либоси қозикалон мулаббас ба маснади шариат аз жудоеи мулаббас буд ... ба замми қозикалони бо ин хари ба нодони шарм нокарда, дарс ҳам мегуфт ва аз ҳама ғарибтар ба духтари яке аз генералҳои рус ошиқ

---

<sup>17</sup> Тамкин. Девон. Қўлёзма номери 337. – Б. 39.

шуда бо маҳкама кашида шуд..., ки ин бар ҳамоқат ва сифоҳаташон далели мужассам аст”.<sup>18</sup>

Мана шу фикрлардан аниқ бўладики, бир гуруҳ риёкорлар Абдулаҳадхон атрофини қамраб олган, улар тама ва очкўзлик билан халқни алдаб келадилар. Тамкин бу фитна-ю фасод ва бадкирдорлик қобиғига ўралиб қолган кимсалардан узоқроқ кетгани учун Оллоҳга шукрона ўқийди:

Синасофам зоҳиру ботин маро яксон бувад

Пўст то мағзам ба ранги нахлайи райҳон бувад

Шукрлиллаҳ шуд хамирам холи аз тухми фасод

Ин ҳам аз лутфи амими эзиди маннон бувад.<sup>19</sup>

Тамкиннинг бу гаплари учун қозикалон мулло Бурҳониддин уни мударрисликдан ҳам бекор қилдиради. Бу воқеадан кейин Тамкин мажбуран узлатни ихтиёр қилди. Шоир “Жароид” номли асарининг муқаддимасида ҳаётининг бу даври (1914-йиллар) ҳақида гапириб ўтади.

Тамкин ижодига назар солар эканмиз, унинг ботиний ва зоҳирий таҳайюлини ўзида ифода этган таҳаллусини назардан четда қолдириб бўлмайди.

Тамкин сўзининг луғавий ва этимологик маъноси “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”<sup>20</sup>да қуйидагича берилган.

- а) “тамкин” сўзи этимологик жиҳатдан арабча бўлиб, “мустаҳкамлаш, маҳкамлаш” ёки “имконият”, “ҳақ-ҳуқуқ бериш” каби маъноларни ифодалайди;

---

<sup>18</sup>Махдум Ш. Наводири Зиёя. Дастхати рақами 183, Гажинаи дастхатҳои шарқии АФРСС Тоҷикистон, вар. 206

<sup>18</sup> Тамкин. Рубоиёт. Вар. 32.

<sup>20</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.

б) “тамкин” сўзининг маъновий хусусиятларига диққат қаратадиган бўлсак, бу сўз кўп маъноли сўз бўлиб, биринчи маъноси – “салобат, савлат, савлатлилик”-маъноларини ифодаласа;

иккинчи маъноси эса “сабр, қаноат, оғирлик, вазминлик” маъноларини ифодалайди;

Тамкин сўзи сўз таркиби жиҳатидан икки қисмдан иборат: Там-кин қисмларидан иборат бўлиб, бу сўз тил тараққиёти натижасида яхлитланиб қолган. Ўзбек тилида унинг маънодоши сифатида “сокин” сўзини келтириш мумкин.

Масалан: “Қўрқманг,—деди Асроркул тамкин овозда; у сиртдан вазмин кўринарди”.<sup>21</sup>

Тамкин сўзининг антоними сифатида “жўшқин” сўзини келтириш мумкин.

Тамкин сўзининг пароними ва шаклдоши йўқ, лекин тамкин сўзи кўп маъноли сўз ҳисобланади.

Юқорида келтирилган шаклий – лисоний истилоҳлар тамкин сўзининг зоҳирий талқини бўлиб, бу сўз Абдурахмон Тамкин Бухорий ижодида таҳаллус сифатида шоирнинг нафақат суврат шаклини, балки унинг сийрат шаклини ҳам бор бўйича ифодалайди.

“Тамкин” сўзи “Алишер Навоий қомусий лугати”да <sup>22</sup> ҳам арабча сўз сифатида берилган бўлиб, “жойламоқ”, “мустаҳкам этмоқ”, “вазминлик”, “виқор” деган маъноларни ифодалайди.

Демак, Тамкин сўзи ахлоқий фазилатлардан бири инсоннинг юксак маънавияти, виқор ва улуғворлигини билдирувчи тушунча. Тасаввуф тилида эса валийлик мақомининг сўнггиси, сайр филоҳнинг ибтидосини билдиради. “Шарҳи манозил ус-соирин”да берилишича, Тамкин–талвиннинг камолга етганидан кейин зоҳир бўладиган мақомдир. Талвин – илоҳий сифатлар мушоҳадасидан ҳосил бўлса, Тамкин – Зот таажаллийсининг ҳосиласидир, дейилади. Талвин дил ботиний сифатлар билан зийнатланганда ҳосил бўлади, Тамкин эса дил Руҳ сифати билан сифатланганида истиқомат топади. Тамкин мақоми пайдо бўлгач, ҳеч қачон йўқолиб кетмайди. Тасаввуфда Тамкиннинг уч даражаси бор:

<sup>21</sup> Қ и л и ч е в Н. “ Ё р о н г у л ” ..

<sup>22</sup> Қаюмов А. ва бошқ. Алишер Навоий қомусий лугати. – Шарқ, 2016. –Б. 16.

- биринчи даража мурид Тамкини бўлиб, унда сихҳати қасд (Аллоҳга таважжух қилмоқ, ундан ўзгага назар солмаслик), ламъ и шухуд (илоҳий жазба), вусъати тариқ (шак-шубҳадан холи ва мушоҳада нурила мунаввар тўғри йўл) эътиборга олинади;

- иккинчи даража солиқлар Тамкини бўлиб, сихҳати инқитў (Аллоҳдан ўзга барча нарсалардан алоқани буткул узиш), барқи кашф (илм –мартабасидан кашф мартабасига кўтарилиш), сафои ҳол (билмоқдан англамоқ, моҳиятга етмоқ босқичига юксалиш) бу даражанинг аломатларидир;

- учинчи даража орифлар Тамкини бўлиб, жамъ ва ҳузур мақомига етишмоқдир<sup>23</sup>.

Учинчи даража “Соқийнома”нинг ўн тўққизинчи бобида қуйидаги мисралар билан ифодаланган:

Соқиё, тут қадаҳи султоний,  
 Ичида роҳи анинг райҳоний...  
 Тут ангаким, иши бўлди тамкин<sup>24</sup>,  
 Оти султон, ўзи дарвишойин.

Тамкинлик, сокинлик, мискинлик, ҳилимлилик каби солиҳлик Абдурахмон Тамкин Бухорий ҳаёти ва ижодининг туб моҳиятини ташкил етган

### 2.3. Абдурахмон Тамкиннинг адабий мероси ва илмий асарлари

Абдурахмон Тамкиннинг адабий мероси бой ва сермахсулдир. У барча жанрларда ижод қилган. Чунончи, қасида, ғазал, мухаммас, қитъа, фард, чистон, муаммо ва каби жанрларда баракали ижод қилган.

Т/р	Абдурахмон Тамкин ижод қилган жанрлар	
1	Қитъа	4 та
2	Ҳикоят	76 та

<sup>23</sup> Қаюмов А. ва бошқ. Алишер Навоий комусий луғати. – Шарқ, 2016. –Б. 16.  
<sup>24</sup> Қаюмов А. ва бошқ. Алишер Навоий комусий луғати. – Шарқ, 2016. –Б. 16.

3	Рубоий	488 та
4	Муфрадод	1468 та
5	Чистон	7 та
6	Муаммо	6 та
7	Қасида	356 мисра
8	Ғазал	6408 мисра
9	Фардлар	42
10	Маснавий	2 та

Т/р	Абдурахмон Тамкин асарлари номи
1	“Мўлистон”
2	“Ганжи шойгон”
3	“Жароид”
4	“Девони қасоиду ғазалиёт”
5	“Рубоиёт”
6	“Матолёъ ул-фоҳира ва матолиб уз-заҳира” (Ёғду)
7	Девон
8	“Гулистони занон”
9	Фанга номаълум асарлари...

Унинг аксарият асарлари тожик тилида ёзилган, бироқ унинг ўзбек ва араб тилларида ёзилган айрим шеърлари ҳам борки, булар Тамкин ҳар учала тилни ҳам мукамал билганлигидан далолат беради.

Бу тожик олими Асқар Жон Фидонинг илмий изланишларида ҳам матн асосидаги маълумотлар сифатида берилган: “Тамкин Абдурахмон (1851, деҳайи Бурёбофи Бухоро—4915, Бухоро), шоири тожик. Пас аз таҳсил мударриси мадрасайи «Дорушшифо»-и Бухоро тайин шуд. Муддате дар кҳизмати дарбор буд, вале муҳити он жо ба табиати шоир мувофиқ наомад ва у тарки кҳидмат кард. Тамкин аз кҳуд мероси зиёде боқи гузоштааст:

1. Девони қасоид ва газалиёт, ки аз 184 байт қасоид ва 3204 байт газалҳои гуногунмавзу фароҳам омадааст.

2. «Ганжи шойгон» — маснавиест шомили 18 фасл ва 14 боб, ки дар мазаммати букхлу ҳасад ва кибру гурур гуфта шудааст.

3. Мажмуи «Рубоиёт», ки 488 рубои, 1468 муфрадот, 7 чистон, 6 муаммо. 15 байти парокандаро дар бар мегирад. Дар рубоиёти шоир жанбаии танқиди бештар ба назар мерасад.

4.«Жароид», ки аз 305 қитъаи пандомез иборат аст.

5.«Гулистон» — асари панду ахлоқи дар пайрави «Гулистон»-и Саъди, 4 қитъаи манзум ва 76 ҳикоят дорад. Хулосаи ҳар як ҳикоя бо қитъае жамбаст тардидаот.

6.«Матоле-ул-фокҳира ва матолиб-уз-зоҳира»—асарест нотаом, ки аз 44 матла, 1 тажалли, 1 шашаа ва 4 нумоя иборат буда, гоҳо бо қитъаҳо зинат ёфтааст.

Ин китоб, ки манбаи муҳимми адаби ва тарихист, кушише баройи навиштани тарихи муфассали Бухоро будааст. Илова бар ин асарҳо ашъори парокандаи шоир дар тазкираву баёзҳои асри XIX — ибтидои асри XX дарҷ ёфтаанд. Ҳамчунин, дар «Тазкират-уш-шуаро»-и Муҳтарам аз «Жунайди лаоли» ном асари Тамкин ёдовари мешавад, ки ҳануз дастрас нагардидааст<sup>25</sup>.

Абдурахмон Тамкидан жуда бой адабӣ мерос қолган. Булар: “Девони қасоид-у газалиёт”, “Ганжи шойгон”, “Рубоиёт”, “Жароид”, “Мӯлистон”, “Матолеъ ул-фоҳира ва матолиб уз-зоҳира”. Яна шоирнинг айрим шеърлари ўша даврда яратилган тазкира ва баёзлардан ўрин олган.

Шунингдек, “Тазкират уш-шуаро” асарининг муаллифи Ҳожи Неъматуллоҳ Муҳтарамнинг хабар беришча Тамкиннинг “Жунайди лаоли” деган асари ҳам бўлган. Лекин бу китоб ва у ҳақдаги аниқ маълумотлар бизгача етиб келмаган.

Тамкин девони 6764 мисра бўлиб, шундан 356 мисраси қасида ва 6408 мисраси ғазалдир. “Рубоиёт” асарида эса 488 рубоӣ, 1468 муфрадод, 7 чистон ва 6 муаммо бор.

Шоир ғазалларини мазмун жиҳатидан 3 қисмга бўлиш мумкин:

1)ошиқона руҳдаги ғазаллар;

---

А. Ж о н Ф и д о. М а т н р о д а р х а т т и а с л и х о н д а н.

2) амалдорларни танқид қилган, ҳасад, кибр-ғурур, зарарли хислатлар ҳақидаги ғазаллар;

3) панду насихат мавзусидаги ғазаллар.

Шоирнинг “Жароид” асари 1168 мисра бўлиб, 305 қитъадан иборат. Бу асарнинг мавзуси панд-у насихатдан иборатдир. Шоирнинг диққат марказида муҳим ҳаётий масалалар туради.

“Мўлистон” Саъдийнинг “Гулистон” ига пайров тарзида назм-у насрда бўлиб, махсус бобларга бўлинмаган. Бу асар 4 қитъа ва 76 ҳикоятдан иборат. Қитъа ва ҳикоятлар бир-бири билан чамбарчас боғланиб, бир-бирини тўлдириб боради.

“Маъолеъ-ул-фоҳира ва матолиб – уз зоҳира” асари шоир умрининг охириги йилларида ёзилган. Ушбу асар: ҳам адабий, ҳам тарихий манба ҳисобланади. Тамкин бирор бир шоир ёки олим ҳақида гапирар экан у яшаган шароит ва географик ҳаёт ҳақида кенг маълумот беради. Бу асарда у Бухоро тарихи ҳақида, меъморлик санъати ҳақида, маданий ёдгорликлари ҳақида кенг тўхтади. Чунончи, масжид, хонақоҳ, арк, мадрасалар ва бошқа иморатлар ҳақида батафсил тасвир беради.

Шунингдек, унда сайёраларнинг ҳаракати ва уларнинг одамларга таъсири табиатнинг ўзгариши, дарёлардаги иқлим, наботот оламининг хусусиятлари ҳақидаги шарҳларни ҳам учратиш мумкин.

Хожи Неъматуллоҳ Муҳтарам тазкирасида Тамкин вафотини ҳижрий 1334 (милодий 1915) деб қайд қилган. Профессор А.А.Семёнов эса Тамкин вафотини 1917-1918-йиллар деб кўрсатади<sup>26</sup>. Тамкин вафоти тўғрисидаги бу ҳар хилликка ҳам шоирнинг шогирди Жаъфаров аниқлик киритади:

“Дар соли 1915 дар Бухоро бо домулло Тамкин аз нав мулоқот кардам. Вай аз даврайи пириаш забони шикоят кушода гуфт: “Пири ҳам монанди даврайи туфулият аст. Акнун қариб ба 63 даромадам, сихат ва саломатиам аз даст рафта, касали тобу тавонамро рабуда, имкони тавонаш роҳ рафтаним намондааст” Поҳои домулло минависад, Жаъфаров, варам карда буд, хатто агар ба девор така намекард, ба но хестан

<sup>26</sup> Семёнова А.Н. Собрание восточных рукописей. – Т. 1954. – С. 366.

наметавонист”<sup>27</sup>. Демак, Неъматуллоҳ Мухтарамнинг хулосаси ҳақиқатга яқиндир. Шоирнинг шогирди Жаъфаровнинг кўрсатмаси ҳам шуни тасдиқлайди. Тамкин 1915-йил дунёдан кўз юмган.

### **Иккинчи боб бўйича хулосалар**

1. Бухоро адабий муҳитининг пешқадам вакили, туркий ва форс-тожик тилида қалам тебратган машҳур шоир Абдурахмон Тамкин ижоди XIX-XX аср бошларидаги давр адабиётининг зуллисонайинликка асосланган адабиёт мактаби эканидан далолат бера олади. Шоир номи мумтоз манбаларда салоҳиятли ҳамда зуллисонайн ижодкор мақомида тилга олинган. У ўзбек, тожик, араб тилларида ижод қилган.
2. Абдурахмон Тамкин Бухорий ўз даврининг сермахсул ижодкорларидан эди. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар, яратган асарлари ҳали ўзбек адабиёти тарихида мукамал ҳолда ёритилмаган. Абдурахмон Тамкин босиб ўтган йўл, у яшаган тарихий шароит ва адабий муҳит ҳамда ижод олами ҳақидаги саволларга жавоб топиш; шоир Бухорийларнинг адабий меросига оид манбаларни тарихий ҳолислик билан қайтадан кўриб чиқиш давр талабидир.
3. Хулоса қилиб айтганда, вақт биздан ҳаёти ва ижоди ўрганилмаган форс-тожик тилида қалам тебратган, маълум ва машҳур Бухорийларга оид манбаларни қайтадан кўриб чиқишни ҳамда уларни бугунги китобхонга жорий ёзув орқали етказишни тақозо этмоқда.
4. Бухорийлар асарларини қардош ва бошқа тилларга таржима қилиш давр талаби. Таржима нафақат бир халқни иккинчисига таништириш, балки бир халқнинг улуғлари, донишмандлари, олиму фозиллари яратган қадимий меросни ўзига қайтариш санъати ҳамдир.

---

<sup>27</sup> Жаъфаров. Шахсий хотиралар. Ўша китоб.

5. Демак, Тамкин Бухорий ижодини халқимизга ва дунё халқларига етказиш, бу маънавий булоқдан уларни баҳраманд этиш, аждодларга эҳтиром ва авлодлар олдидаги бурч саналади.

Яъни: Адабиёт соҳира туйғулар макони,

Унда миллат яшар, унда халқ яшар...

### **III боб. АБДУРАҲМОН ТАМКИН АСАРЛАРИДАГИ ПОЭТИК ТИЛ, ҒОЯ, ДАВР НАФАСИ ВА ШОИР ИЖОДИНИНГ РАНГ -БАРАНГЛИГИ**

#### **3.1. Шоир ижодида ғазал, рубоий жанрлари ва уларнинг поэтикаси**

Тамкин Бухорийнинг ўз даврида, шоир сифатида танилишида у яратган ғазаллар ҳам асос бўлди десак, хато бўлмас. Чунки, шоирнинг шоирлиги унинг ғазалчиликдаги маҳорати билан белгиланиши ва шундагина девон туза олишга ҳақли эканлиги аруз

тизимининг анъанавий талабларидан эканлигининг ўзиёқ, Тамкин девонини юксак савиядаги ғазаллар беаганлигидан дарак беради.

Тамкин ижодида ғазал жанрининг гўзал намуналари учрайди. Шоир ғазалларида асосон анъанавий унсурлар етакчилик қилади. Тамкин ғазалларининг тили соддалиги, ўзига хос ташбеҳларга бойлиги, поетик воситалардан моҳирона фойдаланганлиги, лисоний унсурларни ўз ўрнида қўллаганлиги ва жонли халқ тилига яқинлиги билан ажралиб туради. Айни пайтда у тасаввуфий адабиёт намуналарини ҳам ўзига хос ҳолда тасвирлаб бера олган. Унинг ғазалларида ошиқона ва орифона, ошиқона ва риндона рух бетакрор ҳолда бириктирилган. Масалан, қуйидаги ғазалга диққат қаратадиган бўлсак:

Анқитар хуш бўйини дил яйратар гул бир томон,

Гул уфори бир томон, нолайи булбул бир томон,

Бу чаман нарғиз кўзу савсан забонини очиб,

Зулфига оро берибдир таққанча сунбул бир томон.

Бир томон соғар чўзибдур лола маст гуллар сари,

Майпарастлар бир томон, ҳар турфа ғул-ғул бир томон.

Гуллибосим, тур кетайлик гулу гулшан бағрига

Бир томон қолсин ғуруринг, ҳам тағофул бир томон,

Бир томон гулрў жамолинг, бир томон гулнинг ҳиди,

Ҳам шароб туғени бир ён, шишаю қул-қул бир томон.

Бир томон қушлар фиғони, бир томон нуқлу кабоб

Жому кўза кулгусию завқли кўнгил бир томон.

Ёр дилига йўлни топмоқ, Тамкино, осон эмас,

Бир томон ишваю нозу ҳам тажохул<sup>28</sup> бир томон

---

<sup>28</sup> Tajohul – o'zni bilmaslikka olish

Тамкин лирик шоир сифатида ҳам гавдаланади. У ўз ғазалларида нозик хаёл, синчков нигоҳ, баланд дид эгаси эканлигини намойиш этади. Бетакрор ўхшатишлар, гўзал, эсда қоладиган ташбеҳлар, кутилмаган муболағали тасвирлар билан маъшуқага илтижо қилади. Шоирнинг ишқий мавзудаги шеърларида, асосан, реал ёр, дунёвий ишқ, яъни инсоннинг инсонга бўлган ишқини кўриш мумкин. Бироқ шоир шеърларида яна ботиний ва зоҳирий ишқ уйғунлиги қоришиқ ҳолатлар ҳам борки, шоир жисм ва рух, шакл ва мазмун бирлигини истаган.

Шоирнинг: “Анқитар хуш бўйини дил яйратар гул бир томон,

Гул уфори бир томон, нола-и булбул бир томон”,—матлаъли ғазали 15 хижоли бўлиб, арузнинг рамали мусаммани маҳзуф ёки мақсур баҳрида ёзилган.

Ғазалнинг иккинчи байтининг иккинчи мисраси рамали мусаммани солимда ёзилган. Яъни 16 хижодан иборат бўлиб, рукнлардаги хижолар сони тенг, яъни солим. Бу ғазалнинг уч вазнда ёзилганидан далолат беради.

Бу ғазал ошиқона ғазал ҳисобланиб, унда риндона рух ҳам сезилиб туради.

Ғазал энг кўп учрайдиган етти байтли ғазаллар қаторига киради: 7 байт –14 мисрадан иборат.

Қофия тизими қуйидагилардан иборат: гул, булбул, сунбул, ғул-ғул, тағофул, қул-қул, кўнгул, тажоҳул. Шоир ғазал қофиясида сўзлар тузилишидаги ранг-барангликка эришган ва бу ғазалнинг жозибadorлигини оширишга хизмат қилган. Масалан: гул, сунбул, кўнгул, тағофул, тажоҳул- содда сўз ҳисобланса; ғул-ғул, қул-қул тузилишига кўра такрор сўз ҳисобланади.

Қофиядош сўзлар туркий, форсий ва арабий сўзлардан иборат. Масалан: гул, қул-қул, ғул-ғул, сўзлари туркий сўзлар бўлса, тағофул, тажоҳул сўзлари арабча сўзлар ҳисобланади.

Қофиядаги тиргак товуш яъни равий “л” ундош товуш бўлиб оҳандорликни сақлаб турибди. Ғазал қофияси равий билан тугаганлиги учун муқайяд қофияга мисол бўлади.

Қофия шакли эса қуйидагича: а-а, б-а, с-а, д-а, э-а, ф-а, г-а

Ғазалдаги “бир томон” синтактик бирлиги радиф сифатида қўлланиб, шоирнинг мақсади ва маъшуқа таърифи таъсирини янада оширишга хизмат қилган. Шоир тахаллуси мақтаъда берилади.

Ғазал тили жонли халқ тилига яқинлиги билан янада гўзаллашади. Бу гўзалликни шоир матлаъда саж усулини қўллаш, яъни ички қофиядан фойдаланиш билан янада оширади. Бадиий ижод намуналарини яратишда табиат, борлиқ шоирга илҳом манбаи ҳисобланади. Шунинг учун шоирлар табиатнинг ёки борликнинг гул, булбул, сунбул, лола, қушлар каби образ ва унсурларидан ўринли фойдаланадилар.

Бир қараганда, гўё шоир гул шаънига бағшланган ушбу шеъри орқали муҳим бир фалсафани илгари сурадики, бу мумтоз адабиётда ўзгача маъно -мазмун касб этади. Яъни, гул образи мумтоз адабиётда ёр, маъшуқа, тимсоли бўлиб, уни сунбул, лола каби образлар хилма-хиллиги янада, гўзаллаштиради. Булбул образи эса шу гул, яъни ёр ишқида нола чеккан ошиқ – ишққа мубтало бўлган киши тимсоли ҳисобланади.

Тасаввуфий нуқтайи назардан эса гул-ёр образи – бутун борликни, табиатни яратган Оллоҳ тимсоли эканлиги бизга маълум.

Абдурахмон Тамкиннинг ушбу ғазалининг матласида шоир: ёқимли ифорини таратаётган бу гул кўнгулларни яйратмоқда, лекин унинг ҳиди дилни яйратгани етмагандай, уни ишқи тушган булбул ноласи бутун оламга ғавғо солмоқда дЭйди:

Анқитар хуш бўйини дил яйратар гул бир томон,

Гул уфори бир томон, нолайи булбул бир томон.

Шоир бу байтда айни пайтда баҳор фасли хушбўй ҳид таратаётган гуллар ҳидидан сархуш бўлган булбул хониши каби ҳаётий ҳолатни ҳам бера олган. Демак, табиатдаги эврилиш бир қараганда кўзга ташлансада, аслида, ёр гўзалликда мутаассир бўлган ошиқ унинг чиройидан шундай ҳолга тушганки, гўё маъшуканинг чиройидан ташқари, ундан таралаётган хуш бўй ошиқни гангитиб қўйган.

Шоир матлаъда қайтариш санъатининг гўзал намуналаридан ҳар бир байтда жуда ўринли фойдаланган.

Масалан: матлаъда радд-ул-ажуз ил-ал-ҳашвдан маҳорат билан фойдаланилган:

Матлаъда икки томон тимсоли ёки рамзий образдан фойдаланилган – гул ва булбул образлари. Шоир ўз фикрини шу икки тимсол воситасида бера олган. Шу руҳ ғазал охиригача етакчилик қилиб, силсила тарзида ўсиб борган.

Матлаъда шоир интоқ санъатидан моҳирона фойдаланган. Яъни, булбул ошиқ дил изҳорини очиб берган – гулнинг бетакрор ифори булбулни сўзлатиб юборгандай таассурот ҳосил қилади.

Шунингдек, матлаъда муламма санъатидан ҳам, яъни форсий ва туркий сўзларни тенг қўллаш санъатидан ҳам маҳорат билан фойдаланилган:

Масалан: хуш – ёқимли,

бўй – ҳид.

Иккинчи байтга диққат қиладиган бўлсак: шоир унда гул ва булбул тимсолини ривожлантириб, гўё гуллар билан безанган чаман ичида сунбул ўзгача чирой кашф этган: у хумор кўзу, ширин тилини чиқариб зулфига оро бериб кўзни қувонтирмоқда дейди. Сунбул шунчалик бетакрорки, гулзор ичра ўзи бир томон ҳисобланади, гўё. Айни пайтда, бу байт моҳияти дунё бир чаманзор, унда турли гулар яхши амалли одамлар ўзгача чирой ҳисобланиши, бундай хислат эгаси борлиқнинг – чаманзорнинг энг ягона “гули” эканлиги таъкидланади. Аслида ҳам шоир бу тимсоллар орқали дунёни чаманзорга қиёслаб, ширинзабон хушхулқ ва хушамал инсонлар унинг “сунбули” эканлигини айтмоқда. Байтда таносиб санъатидан ўринли фойдаланилган. Масалан: 1) забон, кўз, зулф сўзлари бир гуруҳни ҳосил қилса; 2) сунбул, нарғиз сўзлари иккинчи гуруҳни ҳосил қилган.

Айни пайтда “сунбул образи” ўзига хос усулда шахслантирилган, яъни ташхис санъатидан ўринли фойдаланилган.

Шоир сунбул тъарифини келтирар экан, унинг хусну малоҳатда танҳолигига ишора қилади.

Учинчи байтда эса ошиқнинг–шоирнинг тарифу тавсифи яна ўзгача ёлқин билан жиололанади, дард билан таъкидланади.

Бир томон соғар чўзибдур лола маст гуллар сар,

Майпарастлар бир томон, ҳар турфа ғул-ғул бир томон.

Энди шоир лола таърифини келтирар экан, уни чаманзордаги гулларнинг бетимсоли деб таърифлайди. Шунинг учун ўзининг чиройига ўзи мафтун, ўз чиройидан лолу ҳайратда, лоланинг бу ҳолати, чаманзорда ғавғо кўпди, яъни барчани саросимага солди. Байтда “майпарастлар” деган сўз борки, тасаввуфий жиҳатдан ошиқлар – ишқпарастлар назарда тутилмоқда. “маст”, “майпараст” сўзларини қўллаш ғазалнинг риндона руҳидан дарак беради.

“Лоланинг маст” ҳолати эса илоҳий ишққа мубтало бўлган киши тимсоли сифатида гавдаланади. Байтда “лола маст” бирлиги истиора санъатини ҳам юзага келтирган ва байтда қайтариш санъатининг “рад-ул-садр ил-ал-ҳашв” туридан ҳам фойдаланган.

Умумий планда шоир ёрнинг ўз хуснидан беҳад ғурурли эканлигини, шу ғурур туфайли якка-ёлғиз эканлигига ишора қилади ва 4-байтда ёрни ўз ғуруридан воз кечиб ошиқ билан гулу гулшанда сайр қилишга ундайди, нозу истиғнолар ва кирб зарарли деб уқтиради:

Гуллибосим, тур кетайлик гулу гулшан бағрига,

Бир томон қолсин ғуруринг, ҳам тағофул бир томон.

Шоир, маъшукани энди “гуллибосим” деб атайди ва нидо санъатидан ўринли фойдаланади. Уни ўз ситамларидан воз кечиб, бечора ошиққа марҳамат кўрсатиб, у билан бу дунё хузур-ҳаловатини кечиришга чақиради. Бироқ ўз чиройидан беҳад ғурурланган ёр ғурур деб аталган “нафсни” енга олармикан, ошиққа марҳамат қилармикан?

Шоир 4-байтда иштиқоқ санъатидан жуда чиройли фойдаланган: гуллибосим, гулу гулшан.

Ошиқ ёрга нечоғлик ўтиниб мурожаат этмасин, у иддаоли дилбар рўйхуш бермайди. Ошиқнинг чорловлари эса 5-байтда янада кучаяди:

Бир томон гулрў жамолинг, бир томон гулнинг хиди,

Ҳам шароб туғени бир ён, шиша-ю кул-кул бир томон.

Ошиқ ёрга қай томонга нигоҳ солмай сенинг гулдай жамолинг ва гул ифоринг мени ишқ дардига янада мубтало этмоқда, ишқ қалбимга мисоли шишадаги майдек “кул-кул” тўлмоқда деб нола қилади. Шоир бу байтда тамсил санъатидан фойдаланган: “шишаю кул-кул”, шунингдек, “рад-ул-садр ил-ал-ажуз”ни ҳам ҳосил қилган. Байтда шароб сўзи ишқ маъносида қўлланган бўлиб, “шиша” сўзи эса кўнгил маъносида берилган. Яъни “ишқ шаробидан қониб ичган” кўнгул беҳад масрур. Бу ҳолат 6-байтда яққол кўринади:

Бир томон қушлар фиғони, бир томон нуқлу кабоб,

Жому кўза кулгусию завқли кўнгул бир томон.

Ишқ билан тўлган кўнгул завқ билан қушлар фиғони ва барра кабобларнинг бўйидан масту беҳуд бўлганки, бутун борлиқ унинг кўзига янада жилвакор кўринмоқда. Яъни, илоҳий, пок ишқ билан лимо-лим қалб энди ёмонликларга ўрин қолдирмайди, уларга парво қилмайди, ёрнинг борлигининг ўзи, у учун улуғ мукофот, улкан кашфиёт ҳисобланади. Ошиқ ёр тимсолида ўзини, ўзлигини кашф этди. Шунинг ўзи унга етарли. Бегона байтдаги анашу хулоса мақтаъда якун топади.

Ошиқ энди ёрнинг жабру жафоларига ситамларига бепарволигига қайғурмайди. Чунки, унинг дилига йўл топпиш осон иш эмас, у бемурувват унга назар қилмаса-да, ошиқ барибир бахтли.

Ёр дилига йўл топмоқ, Тамкино, осон эмас,

Бир томон ишваю нозу ҳам тажоҳул бир томон.

Шоир ушбу ғазалда бир қатор бадий санъатларни “еркалик” билан қўллай олган. Айни пайтда, ғазалнинг бошидан охир “лафф ва нашр” санъатидан ҳам катта маҳорат билан фойдаланган.

Тамкин ғазалларининг ўзига хос хусусияти шундаки, у қайси тилда ёзмасин, халқона рух ва ҳақл тилига яқинлик, соддалик ва оҳангдорлик етакчилик қилади.

Ўзбек мумтоз адабиётининг кўп вакиллари ижодида бўлгани каби Тамкин лирикасининг маълум бир қисмини ишқий ғазаллар ташкил этади. А. Тамкин ҳам ўзининг лирик асарларида инсонга хос бўлган юксак фазилатларни, ҳис-туйғуларни ифодалашга интилди.

Шоир ишқни, ошиқлик майлларини куйлаш тимсолида кишилар қалбида ҳаётга ва инсонга муҳаббат, вафодорликни, садоқат, дўстлик ва фидокорлик туйғуларини тарбиялашни орзу қилган. Унинг ажойиб фазилатларга эга лирик қаҳрамони ҳаётнинг ҳам ошиғидир. Ёинки, бутун мавжудотни бино этган “Халлоқи олам”нинг ошиғидир.

Шоирнинг:

Эй, лаъли лабинг руҳимга қувват,

Эй, сарви қадинг руҳимга нусрат,<sup>29</sup> – деб бошланувчи ғазали ҳам ишқий лириканинг муваффақиятли чиққан намуналаридандир. Бу ғазалдаги лирик қаҳрамон ҳаёт кишиси, инсоний ҳис-туйғулар, нозик кечинмалар эгаси сифатида кўринади. Ғазалда шўх рух, ёш юракнинг самимий туйғулари, ишқий кечинмалари тасвири жўш уриб туради. Унинг тили ҳам содда, вазни енгил, услуби (стили) халқ кўшиқларини эсга туширади.

Бу ғазал аруз ванининг ражаз баҳрида ёзилган. Ғазал парадигмаси яъни тақтеъси:  
— —v— /— —v— /— —

Афоййли: мустафилун, мустафилун, фаълун

Демак, ғазал ражази мусаддаси махзуф ёки мақсур вазнида ёзилган.

<sup>29</sup> Nusrat-ko'makchi, yordamchi.

Ғазалнинг ҳар бир мисраси уч рукндан ташкил топган, ҳижолаар миқдори 10 (11).

Қофиядош сўзлар: **қувват, нусрат, жаннат, улфат, ҳужжат, роҳат, лаззат, сураат, шарбат, миннат** бўлиб, форсий, туркий ва арабий сўзлардан танланган.

Оҳангдорликни ҳосил қилувчи тиргак товуш “т” равийсидир.

Тамкин ғазалларининг айримларида радиф қўлламаган. Бу ғазал ҳам радифсиз ғазаллар сирасига киради.

Шоир таҳаллуси мақтаъда келтирилган. Ғазал 9 байт, 18 мисрадан иборат.

Бизга маълумки, мумтоз шеър намуналари таҳлилида икки хил ёндашув мақсадга мувофиқдир, яъни зоҳирий (ташқи) ва ботиний (ички) маъно таҳлили уйғунликда олиб борилса ҳақиқатга яқиндир.

Зоҳирий маъно – шеърнинг кўзга кўриниб турган, бир қарашда илғаб олинадиган мавжуд анъаналарга кўра чиқариладиган мазмундир. Ботиний маъно эса шеърдаги таг маъно бўлиб, шоирнинг тақдири ёки ўзига хос руҳий оламини, дунёқарашини акс эттирган ички мазмундир.

Ғазалнинг матлаъсига назар ташласак, ошиқнинг бемажол танига, ожиз руҳига ёрнинг “лаъли лаби” ва “сарвдек қадди” қувват ва тиргак эканлиги баён этилмоқда. Ишқ йўлига кирган ошиқ учун даво маъшуқанинг ҳар бир жиҳати бўлиши мумкин. Ошиқ эса бу йўлда чорасиз ҳолда “Эй” деб “нидо” чекмоқда:

Эй, лаъли лабинг руҳимга қувват,

Эй, сарви қадинг руҳимга нусрат.

Шоир биринчи байтда ташбеҳ санъатининг гўзал намуналаридан ўринли фойдаланган: лаъли лаб ва сарви қад. Маъшуқа тарифини беришда бу ўхшатишлар азалдан мавжуд бўлиб, улардан қай йўсинда фойдаланиш шоир маҳоратидан дарак беради. Шоир матлаъда ҳам жисман, ҳам руҳан қувват ва кўмакчи истаган эди. Буни эса, хаёлан бўлсада маъшуқа тимсолидан топди, пажмурда руҳи ва танини янада жонлантириш истагида ўзини муболағали ҳолга тайёрламоқда, тассаввурини

кенгайтормоқда, қувват манбайини оширмоқда. Бу ҳолат кЭйинги мисраларда босқичма – босқич ривожланиб боради.

Оғзингни дегум баайни кавсар,

Райҳони хатинг руҳимга жаннат.

Ошиқнинг биринчи байтдаги ҳолати 2-байтда янада ошди.

У энди ёрнинг оғзини кавсар, яъни жаннат сувига қиёсламоқда, чиройини эса жаннат гўзаллигига менгзамоқда.

Аслида эса, ошиқ учун ёр оғзидан чиққан ҳар бир калом “оби ҳайвон”, яъни тириклик суви каби вужудига жон бахш этади ва унинг шакл-у шамойилида руҳ гўзаллигини ҳис қилмоқда. Айни пайтда райҳон гул тимсоли бўлиб, шоир маъшуқадан таралаётган ифорнинг бетакрорлиги олдида ожиз қолмоқда, ундан қувват олмоқда

Шоир иккинчи байтда ҳам ташбеҳ санъатидан ўринли фойдаланган: ёр оғзини кавсарга; кўринишини жаннатга ўхшатган.

Учинчи байтда, ошиқнинг ташбеҳ-у тавсифлари ўзгача кўриниш олади. Энди у, маъшуқа юзини ой каби гўзаллигини айтади ва жамолингга назар солсам, руҳимда шодлик, ғалаён жўш уради деб, ҳам руҳ, ҳам жисм софлигига, қалб тозаллигига эришади:

Ой мисли десам юзинг чиройин,

Шодлик жўш урган руҳимга улфат.

Тасаввуфга кўра кўнгилни поклаш ҳам бир илм. Кўнгил эса ишқ туфайли покланади.

Учинчи мисрада ўзига улфат излаган ошиқ, катта тухфага эришди. Бу эса тўртинчи мисрада тилга олинади. Ёр чеҳрасидаги гўзал холи, ошиқнинг ишқ дардига даво бўлувчи ҳужжат мисолидир. Энди унинг кўнгли тўқ:

Ул анбарни хат-у холингни шакли,

Ишқ даъвоси учун руҳимга ҳужжат.

Ушбу байтда кўнгли бироз хотиржам тортган ошиқ бешинчи байтда яна ул гўзалнинг таъриф-у тавсифига берилади:

Мушк бўйин сочиб ул қаро зулфинг,

Ҳар лаҳза берур руҳимга роҳат.

Ёрнинг қора сочларидан мушк-у анбар ифори таралиб, бечора ошиқнинг қалбига роҳат бағишлайди. Тасаввурда бўлса-да, бундай бахтга эришган ошиқ ўзини жуда бахтли ҳисоблайди.

Ёрнинг ошиқ ёнидан, ҳатто, узоқдан ўтганида кийимидан эсган насим –майин шамол муаттар бўйи билан унинг кўнглига лаззат, тўйиниш каби илоҳий бир қониқишни беради:

Ҳаққоки, бу ён эсган насиминг,

Хуш бўйи ила руҳимга лаззат.

Кўринадики, ошиқ руҳ оромига эришишни истайди ва гўё бунга эришгандай туюлади, аммо, гўзал чехрали ул санам ҳуснини кўз-кўз қилса, ҳатто фалак ҳам талотўп бўлиб, янада ёришиб кетади. Не ажаб, фалак дош беролмаган бу ҳусн-малоҳат эгасининг руҳсорига кўзи тушган ошиқнинг холини тасаввур қилаверинг, энди:

Нур сочса фалакка ҳусн-жамолинг,

Тугёнга кирар руҳимда сурат.

Хаёлан ёр жамолидан ўзича масрур ошиқ, уни бир кўрса, яна тугёнга тушади, руҳий осойишталик поёнига етади, ишқ яна жунун майдонига киради, энди уни “изга солмоқ” учун маъшуқанинг ширин каломигина даво бўлади:

Шакардан ширин лабингни шахди,

Ундан оқадир руҳимга шарбат.

Агар, ёр лутф қилса, раҳм этса, бир оғиз сўз айтса, ошиқнинг томирларида қон эмас, шарбат оқади ва руҳи ором олади.

Афсуски, ошиқ қанчалик ёр йўлини пойламасин, бу марҳаматга эриша оладими, йўқми, буни ҳам билмайди. Оқибат қалб, кўнгил, руҳ таъналари остида миннатда қолади. Бироқ, ошиқ ҳеч нарсадан умидвор эмас, ёрнинг бу дунёда борлигининг ўзи, у учун улуғ руҳий барқарорлик ҳисобланади. Шунинг учун қанчалик миннатлар остида қолмасин, барига дош беради. Чунки, ишқ йўли Ҳақ йўли эканлигини у руҳий ҳаловат истаб англаган эди.

Ғазалда ошиқнинг руҳий ҳаловат, руҳий ором, руҳий лаззат, руҳий ҳужжат, руҳий роҳат, руҳий улфат, руҳий қувват ва мадад истаб, оқибат руҳий миннатни топгани ғазалнинг риндона руҳидан дарак беради.

Айни пайтда шоир ишқ мавзуси фонида ижтимоий ҳаётдаги ҳаловатсизлик, ўзи яшаган даврнинг оғриқли нуқталарига ҳам ишора қилган.

Оқибатда, шоир руҳ хотиржамлигига илоҳий ишқ, поклик, тўғрилиқ, ҳалоллик, юртсеварлик ва садоқат туфайли эришиш мумкинлигини билди ҳамда умр йўлларида бунга амал қилди.

Ўз яшаган даври ижодкорлари ўртасида ғазалнависликда пешқадамлик қилган Тамкиннинг бу жанрдаги шеърларининг ҳажм жиҳатидан таснифотини қуйидаги жадвалда кўрсатишга ҳаракат қиламиз

№_	Ғазаллар	Миқдори	Ҳажми
1	5 байтли	320 та	1625 байт
2	6 байтли	14 та	90 байт
3	7 байтли	60 та	455 байт
4	8 байтли	8 та	64 байт
5	9 байтли	2 та	18 байт
6	10 байтли	14та	140 байт
7	11 байтли	5 та	55 байт

8	12 байтли	6 та	72 байт
9	13 байтли	1 та	13 байт
10	14 байтли	2 та	28 байт
11	17 байтли	1 та	17 байт
12	25 байтли	1та	25 байт
13	4 байтли	1 та	4 байт
	<b>Жами:</b>	444 та	2502 байт

Шарқ халқлари адабиётидаги ғазалчиликнинг тузилишига доир шаклланган анъаналари мавжуд. Ўша қонуниятга кўра байтларнинг ўзаро ғоявий боғланиши мусалсал ва пароканда кўринишларда намоён бўлади. Масаланинг бундай тус олиши бир жиҳатдан ғазалнинг ғоявий мазмунига боғлиқ бўлса, иккинчидан, ижодкорнинг танлаган мавзу ва мақсадига алоқадордир.

Кўпинча ғазал байтлари бир бири билан алоқаманд бўлади, бир байт ўзининг мазмуни ва образи билан бошқа байтни тўлдиради ва биргаликда яхлит бир манзарани ташкил этади. Бундай шеърлар якпора, тадрижли, баъзан эса кўчма манода «сюжетли» ғазаллар ҳам дЭйилади. Масалан, шоирнинг қуйидаги ғазалида байтлараро узвий боғлиқлик жуда мустаҳкам:

Аз баски оташ чигарам ғайри чон насўхт,  
Дар ҳайратам,ки чун задам ман чахон насўхт.  
Он даме, ки килки сун хаёли хатти ту баст,  
Аз лаъли оташини туаш чу забон насўхт.

Мазмуни: Жигарим оташидан фақат жоним куйди, Шу қадар ҳайратимдан гўёки жаҳон ёнди// Қилки сун (яратиш қалами, худонинг қудрати) сенинг хатингни яратиш жараёнида бош қотираётганида, оташин лаълингдан тилнинг куйишига бир баҳя қолди//.

Кўринадикки, мазкур ғазалда ҳам ошиқнинг ҳижрон азобларидан нолишлари қаламга олинган. Ошиқ висол орзусида талпинади, ҳижрон азоблари уни куйдириб кул қилади, лекин у барибир бахтиёр. Байтлараро алоқамандлик ва узвий боғлиқлик ғазал мазмунини бир бутун чиқишига ёрдам берган.

Абдурахмон Тамкиннинг адабий мероси бой бўлишига қарамай, уларнинг етиб келган ва ҳозирги кунда қўлга теккани камроқдир. Маълумки, Абдурахмон Тамкин ўтмиш адабиётида катта мавқе эгаллаган лирик жанрларда асар яратган. Аммо уларнинг фақат бир девонга жамлангани ҳозирча номаълум ва бу девон ҳали илмий муомалага киритилгани йўқ. Лекин турли баёз ва тўпламларда Абдурахмон Тамкиннинг ғазал ва мухаммаслари, қасида ва мусаддаслари, қитъа ва фардлари, рубоий ва маснавийлари учраб туради. Бизнингча булар шоир лирик меросининг ҳаммаси эмас. Шунга қарамай, етиб келган лирик мерос Тамкиннинг нозиктаб шоирлигидан, кучли қаламкашлардан эканлигидан далолат бера олади.

Қайд қилинганидек, Абдурахмон Тамкин энг аввал лирик шоирдир. Тамкин шоир сифатида қалам тебратган вақтда Ўрта Осиёнинг турли жойларида яшаб ижод этган шоирларнинг асарлари ҳам кенг тарқалган эди. Шу нуқтаи назардан қараганда, шоир Тамкин ҳам, бир томондан, ўқиш-ўрганиш натижасида ўзбек ва қўшни халқлар адабиётидаги илғор анъаналарни қўллаб-қувватлаб, турли жанрлардаги лирик шеърларни яратган бўлса, иккинчи томондан, замонасининг пешқадам шоирлари каби ўз шеърларига яшаётган давр руҳини, нафасини олиб кириб, асарлари билан ўша замон бадиий биографиясининг бир саҳифасини ёзишга ҳисса қўша олди.

Шоирнинг қўлимиздаги маълум асарлари шундан далолат берадики, Тамкин умумбашарий характерга эга бўлган ишқ ва ишқий кайфиятлар, инсон ва инсонийлик, адолат ва сахийлик ҳақида сўз юритиш билан бирга замона носозлиги, ундаги адолатсизлик, дағаллик, қўполлик, инсон шахсиятини камситувчилик, зулм ва золимликдан фиғон чеккан, ундан норозилигини ифода этган. Бу икки катта мавзунинг (ишқий ва инсонийлик ҳамда замонадан норозилик) бир – бирига қоришиб кетиши фонидида лирик қаҳрамон хусусиятлари ҳам, шоирнинг қарама-қарши кечинмалари ҳам намоён бўлаверади.

Тамкин инсоннинг олийжаноб фазилатлари бўлмиш ишқ ва ишқий кечинмаларни қаламга олади. Албатта, бу жараёнда у ўзидан олдин ўтган ва замондошлари бўлган шоирлар сингари ошиқ ва маъшуканинг турли ҳолатларини, ошиқнинг садоқатию маъшуканинг зулмкорлигини, шом-у ҳижрон машаққатию висол онларининг хурсандчилигини, маъшуканинг ўтлуғ оҳлари, хаста кўнгли, дарду алам ўтида куйган жони ва ҳоказоларни бадиият қонунлари асосида тасвирлайди.

Хуллас, Тамкин лирикасидаги, маъшуқа бир томондан, анъанавий маъшуқа хусусиятларини ўзида акс эттирса, иккинчи томондан, ўз замонасида яшовчи реал киши сифатида ҳам гадаланади.

Тамкин ўз лирикасида ана шу қаҳрамонларнинг висол ва фироқ чоғидаги кайфиятлари ва кечинмаларини тасвирлайди.

Абдурахмон Тамкин ўзининг лирикасида адолатли тузим ва одил ҳукмрон идеалидан келиб чиқиб, адолатсизликни ва золимларни қоралайди; юксак фазилатли инсон идеалини улуғлаб, паст ва ярамас махлуқлардан нафратланади, висол тонгини кўмса, ҳижрон, фироқларни қарғайди, уларни ҳақиқий ошиқ, идеал инсон учун зиндон ва қотил деб билади.

Тамкиннинг қўлимиздаги меросидан равшанки, у лирик поэзиянинг қайси бир жанрига – ғазал, мухаммас, мусаддас, қитъа рубоий, фард, маснавий ва бошқаларга мурожаат этмасин, уларда ўзининг шоирлик маҳоратини намойиш этишга интилади. Хусусан унинг ишқий мавзудаги ғазалларида истихроҷ, саж санъатлари кўпроқ учраса, ижтимоий мавзудаги асарларида эса тазод, такрор, саж санъатларидан кўпроқ фойдаланиши сезилади. Баъзан эса айрим санъатлар, жумладан, истихроҷ ҳаддан ортиқ ишлатилгани туфайли ғазалда шахсий хусусиятлар устунлик қилиб қолади, тушунилиши қийин муаммо ва сўзлар майдонга келади. Бундай ҳолат шоирнинг форсий тилдаги шеърларида кўпроқ намоён бўлади. Эҳтимол, бундай ҳолат шоир лирикасининг яъни ижодининг зиддиятлар билан тўлалиги маҳсули бўлиши билан боғлиқдир. Умуман олганда, Тамкин мазмун ва шакл бирлиги масаласига, сўз таносибига алоҳида эътибор беради, ўзидан олдин ўтган сўз санъаткорлари – Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Фузулий ва замондошлари ижодий маҳорат мактабининг истеъдодли талабаси сифатида кўринишга

ҳаракат қилади, ўшалар каби икки тилда шеърлар битади (Фузулийга издошлик сифатида ҳатто уч тилда ижод қилишга уринади), гўзал сифатлашлар яратади, халқ ибора ва мақолларини ўрнида ишлатади, хуллас, ўйноқи ва равон асарлар битиш учун қалам тебратади ва уларда ўз руҳини намоён этади.

Замондош ижодкорлар каби Тамкин ҳам ғазалдан ғазалга кўчгани сайин якпораликка урғу беради. Айниқса, унинг қиёсий девонида зикри ўтган тузилиш (комполитсия) асосида ижод этган ғазаллари бисёр. Масалан, қуйидаги ғазалда ҳам шоирнинг лирик қаҳрамони ёрнинг гўзаллигини турли воситалар ила мадҳ этади, шу гўзалликдан баҳра олиш, висол жомини ичишни орзу қилади:

Даҳани танги ту аз писта шакар мерезад

Писта аз ҳуққайи ёқут гуҳар мерезад.

Холи ҳиндуйи туро майл ба тасхири дил аст,

Бар сарам оташ аз он анбари тар мерезад.

Гўйе ғунча зи лаъли ту хабар мегўяд,

Ки сабо дар даҳанаш хурдайи зар мерезад.

Рангу рўят чу маро пеши назар меояд,

Ашкам омехта бо хуни чигар мерезад.

Чашмайи Тамкин ба умедде, ки ту ногаҳ гузарй,

Дурру ёқут ба ҳар роҳгузар мерезад.

**Мазмуни:** Тор оғизчанг шакар тўкиладиган пистадек, Писта ёқут тўла ҳуққадан (икки томони чиройли боғланган ҳамёнча) гавҳар тўқади.// Сенинг ҳинду холинг менинг дилим забт этишга майл кўрсатди, Бошимга ўша намланган анбардан оташ ёғилади.// Ғунча оғзидаги заррин доначаларни шамол таъсири туфайли тўкилишидан гўёки улар сенинг оғизчангга зар доначаларини етказади.// Сенинг юзинг ранги хаёлимни банд этиб, Кўз ёшларим сизилиб, гўё жигар қони билан қоришиқ тўкилади.// Тамкин кўзи

умид билан йўлга боқади , аммо .... Ҳижрон азобидан оққан кўз ёшларим гўё ҳар бир йўловчининг устидан дуру ёқутдай ёғилади.//

Шоирнинг тўла матнини кўчирганимиз яқпора ғазали мисраларида ажиб бир манзара назарга ташланади. Матлаъда маъшуканинг оғзи ярим очиқ пистага ўхшатилади. Писта ичидаги мағз эса шакарга ( маъшуканинг обдор лабига) қиёсланади. Яъни , маъшуканинг ғунча мисол лаби оби ҳайвон маҳзанидир. Иккинчи байтда эса яна маъшуканинг ҳинду холи ва у уйғотадига таассурот, ундан тараладиган хушбўй ҳид каби лавҳалар бадий ифодасини топган . Учинчи байтда эса яна маъшуканинг лаби таърифига қайтилади . У оддий лаб эмас, лаъл ( ранг ва қиймат) га ўхшатилади. Яъни ўша қизил ва митти оғизча зар ҳуккага нисбат берилади. Ана шу изчилликка риоя этиш ғазал мактаъсига қадар давом этади.

Ғазалнинг яна бир кўзга кўриниб турадиган хусусияти унда шоир тахаллусининг қўлланилишида намоён бўлади. Тахаллус, кўпинча, ғазалнинг мактаъсида келтирилади. Баъзан, тахаллусни ғазалнинг қайси ўрнида ишлатилиши тасодифий ҳол бўлмай, мантиққа узвий алоқадор ҳисобланади. Бошқача айтганда ғазал сатрлари бағрида келган мазмун тақозосига кўра тахаллуснинг ўрни ўзгариши мумкин. Тамкин ўз ғазалларида тахаллуснинг ишлатилиши анъанавий бўлиб , аксарият ҳолларда ғазалнинг мактаъсида келади.

Тамкин ижодида рубоий жанри ҳам ўзига хос ўрин тутади. Бизга маълумки, рубоий ўзбек мумтоз адабиётида кенг қўлланилган жанрлардан ҳисобланади. У ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб шажараларида, ёки ўлчовларида ёзилиши, тўрт мисрадан иборат бўлиб, ишқий, ахлоқий, диний, фалсафий-сиёсий ва маърифий мавзуларда бўлиши билан бошқа жанрлардан ажралиб туради. Мумтоз адабиётда рубоийнинг 2 хили борлиги аруз ҳақидаги илмий асарларда кўрсатиб берилган:

- 1) хоса рубоийлар;
- 2) таронайи рубоийлар.

Улар бир-биридан қофияланиш тизими жиҳатидан фарқланиши ҳақида илмга эгамиз.

Абдурахмон Тамкин ижодида, асосан, хоса рубоийлар учрайди. Шоир рубоийларида ижтимоий ҳаётнинг турли мавзулари ҳақидаги, инсон руҳий

оламининг кўз илғамас жиҳатлари ҳақидаги мавзулар илгари сурилади ва бу шоир яшаган давр оғриқлари билан қоришиб кетади.

Демак, Тамкин лирикасида рубоий ҳам катта мавқе тутади. Унда мумтоз адабиётимиздаги етакчи образлар тизими ўзига хос мужассамлашган. Шу билан бирга адиб шеърятини ижтимоий мотивлар билан бойитилишига катта ҳисса кўшди.

Абдурахмон Тамкин ҳаёти зиддиятли бир тарзда, адолатсизлик ва риёкорликлар ичра кечган бўлса-да, шоир феълидаги мулойимлик, ҳазинлик ва ҳур фикрлилик у яратган рубоийларда илмпарвар ошиқнинг қалб садоси ва шоир маънавий оламининг ўзига хос ойнаси бўлиб кўринди:

Кўп панд берди менга бу забун замон,

Илм таҳсили деб ютдим қанча қон.

Кўп ранжлар чекдим-у бир наф кўрмадим,

Ҳеч кимса бўлмасин мендай нотавон.

Биринчи мисрадаёқ шоир ҳаётининг оғриқли нуқталари ва чархи бемурувватнинг бевафолиги ҳақида ошкора сўзлайди.

Иккинчи мисрада эса илм олмоқ йўлида қанчалик оғир кунларни бошидан ўтказганлигига ишора қилади. Биринчи мисрада шоир аҳволининг оғирлигига ишора қилиш баробарида, замонанинг ўзи ҳам “забун” аҳволда эканлигига диққатни тортмоқда. Иккинчи мисра моҳиятида эса ўзи ночор, забун аҳволга келиб қолган ижтимоий ҳаётда ҳам илм-маърифат йўлида қонлар ютиб бўлса-да, уни ривожлантирган “илм аҳлига” ишора қилмоқда. Демак, илм йўлига – ҳақ йўлига кирган киши учун замоннинг қандай ҳолда бўлиши фарқсиз, у бу йўлдан қайтмайди, деган хулоса берилади.

Кейинги мисрада ана шу ҳодиса-сабабнинг оқибати кўрсатилмоқда: бу ўринда ҳам вақт, ҳам фурсат, ҳам муддат тушунчасига таянилмоқда. Унинг фалсафасича илм йўлида қанча қонлар ютиб, ранжлар чекмасин бу йўлнинг машаққатлари аро

ҳали анча нотавон – илмда ожиз ва билимсизлигини англаганини таъкидлайди. Шоир кейинги икки мисрада ҳам мантиқий, ҳам маъновий зиддиятни илгари суради. Демак, шоир наздида илм йўли – энг улуғ йўл, лекин энг машаққатли йўл, бу йўлга чиққан сўфий банда – нотавон киши мисолида, ҳақ йўлидаги “наф” дан кўра озорлари кўп йўлда, деган ғояни илгари суради.

Рубоий қофияси **забун, қон, нотавон** сўзларидан иборат бўлиб, асосий ғояни очишда муҳим омил бўлган. Шоир бу рубоийда оч қофиядан, яъни тўлиқсиз қофиядан фойдаланган ва равий сифатида “н” ундоши оҳангдошликни ҳосил қилган.

Рубоийда муболаға санъатидан – таблиғ муболағадан моҳирона фойдаланилган. Масалан: “қанча қон ютдим”, деганда, аслида, илм йўлининг машаққат-у заҳматларига ишора, таъсирли ҳолда, образли қилиб ифода этилган.

Кейинги рубоий оқил ва донишманд инсонлар ҳақида бўлиб, уларга қарама-қарши ҳолда жоҳил ва нодон одамлар образи қўйилади:

Ҳаётда ҳамнафас бўлса гар оқил,

Оз-оз суҳбатидан бўларкан комил.

Эй жоним, шу панддан чиқар хулоса,

Қоч, қайда дуч келса бефаҳму жоҳил.

Шоир инсонларни комиллик сари ундаб, бу йўлда оқил одамлар ёнида бўлишга чақиради ва бу пандни ўзи учун ҳам дастуруламал ҳисоблаб, қаерда бефаҳм инсонлар дуч келса, улардан қочиб қутулмоқни маслаҳат беради, гўё.

Аслида ушбу рубоий моҳиятида жуда катта фалсафий маъно мужассамки, моддий олам ва руҳий олам ўртасидаги курашга ишора бор. Инсон ташқи дунёдаги қарама-қарши кучлар ўртасида қай бирини танлашидан олдин, ўз вужудидаги зиддиятли курашни енгмоғи, руҳиятидаги иллатларни бартараф этмоғи, аниқроғи, нафсини жиловлай билмоғи керак. Ана шундагина комиллик сари йўл тута олади.

Ушбу рубоий хоса рубоийга мансуб.

Қофиялари: оқил, комил, жоҳил сўзлари.

Қофия шакли: а-а-б-а.

Қофиядаги тиргак товуш “л” ундош товуши.

Қофияда муқайяд қофия туридан фойдаланилган.

Қофиянинг ўзидаёқ тазод санъати ҳосил қилинган: оқил-жоҳил.

Шунингдек, муқаррар санъатидан – “оз-оз”; нидо санъатидан – “Эй жоним”; таносиб санъатидан – “оқил, комил; жоҳил, бефаҳм” ҳам фойдаланилган.

Абдурахмон Тамкиннинг яна бир рубоийси одамийлик ҳақида бўлиб, унда инсон шарафга, эҳтиромга, ҳурматга одамийлиги билан эришади, сен ҳам шу фазилат эгалари билан дўст тутин, бундай улуғ жиҳатдан холи бўлган “нохалаф” – одамийликдан йироқ бўлган кишилардан узоқ бўл, деган ғоя илгари сурилади.

Одамийликдан топар одам шараф,

Англамас бу сўзни асло нохалаф.

Бўлма ҳамдам нохалафга, жоним-Эй.

Топмасин десанг агар умрим талаф.

Шоир рубоий орқали, инсонларга берилган умрни мазмунли, шарафли ўтказиш, сўнг афсус – надомат чекмаслик кераклигини уқтириб, барчани яхшиликка ундайди, яхшилар ёнига чорлайди.

Ушбу рубоий ҳам хоса рубоийлардан. Қофияга олинган сўзлар: **шараф, нохалаф, талаф** бўлиб, равийни “ф” товуши ҳосил қилмоқда ва у муқайяд қофия ҳисобланади.

Шоир бу рубоийда “синтактик зидлантиришдан” фойдалана олган. Яъни шеър моҳиятида ҳаётдаги иккита қарама-қарши куч ҳақидаги хулоса берилган.

Шоирнинг кЭйинги рубоийси эса, риндона руҳда ёзилган. Бир қараганда, умр ўтиб бораётган бўлса-да, инсон орзу қилишдан тўхтамаслиги, бироқ орзуга етмоқ душвор, ҳали бу кун келмади, менда эса вақт йўқ, дунё ғамида дилни доғлаб, қора

қисматдан қора тупроқ сари боргум, афеус, лабларим бир бор орзу жомидан “қониқиш суви”ни сипқормади, орзуларига етганидан яйраб кулмади, деган фикр илгари сурилади.

Умр ўтар, тилимда орзунинг номи,

Келмади орзуга етмоқ айёми.

Дилда дунё доғи, тупроққа киргум,

Лабимни ҳўлламай орзунинг жоми.

Бу рубоий Абдурахмон Тамкиннинг сурат ва сийрат оламини ёритишга мисол бўлади ва шоир умрининг охирларида ёзилганлигидан далолат беради. Рубоий моҳиятида шоирнинг қалб олами кўзга ташланади: қалб поклигига эришган, юксак маънавиятли, ақлан ва жисмонан баркамол, ўз йўлини - оғир бўлса-да – танлаган сўфий банда қиёфасида гавдаланади.

Рубоийда мутлақ қофиядан фойдаланилган. Масалан: **номи, айёми, жоми.**

Равий сифатида “м” товуши келган.

Қофия шакли: а-а, б-а бўлиб, хоса рубоийга мисол бўлади.

Кўринадики, Абдурахмон Тамкин ижодининг катта қисмини ташкил этган рубоийларда ҳам дунёвий, ҳам ижтимоий, ҳам руҳий оламдаги масалалар қаламга олинган. Ёки, инсоннинг ички ва ташқи гўзаллигини, унинг буюк инсонпарварлик моҳиятини англашда кишиларни йўлдан оздиргувчи нафси енгиш: емоқлик, ичмоқлик, киймоқликдан ташқари, яна жоҳиллик, илмсизлик, манманлик кибру ҳаво, дунёпарастлик, мансабпарастлик, шахват, кўнгли торлик, ғазаб, умуман, инсон руҳини, қалбини булғайдиган, уни Оллоҳдан узоқлаштирадиган барча иллатлар зарари ҳақидаги ибратли фикрлар илгари сурилган.

Абдурахмон Тамкин рубоийлари умумбашарий ғояларни илгари сурганлиги билан бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Улар ёшларимизни руҳан, ақлан ва маънан етук, сабрли ва тадбирли қилиб тарбиялашдек нозик ишда ибрат намунаси бўлиб хизмат қила олади.

### **3.2. Абдурахмон Тамкин ижодида маснавий, қитъа ва фард жанрлари**

Абдурахмон Тамкин ижодининг яна бир жиҳати у яратган маснавийларда яққол намоён бўлади. Шоир маснавий жанрида ўзига хос услуб ва усул ярата олди ҳамда баракали ижод қилди.

У яратган маснавийларда, аввало, ўз юртини беҳад севувчи, унинг келажаги, бугуни учун қайғурувчи ватанпарвар инсон қиёфаси гавдаланади. Туғилиб ўсган маконини жондан севган бу ошиқ, унинг таърифини келтиришда ўзгача содда ташбеҳлар, мураккаб истиоралар, қочиримли кўчимлар, халқона содда ифодалар яратади. Масалан, шаоирнинг “Бухоро таърифи” маснавийси шу аснода она шахрига битилган мадҳиядир.

Маснавийнинг ўзига хос айрилиги шундаки, XX асрнинг 30-йилларида Ҳамид Олимжон Ўзбекистонни “Чиройлидир гўё ёш келин деб” таърифлаган бўлса, Абдурахмон Тамкин эса XX аср бошларидаёқ она шахри – Бухорони “Шаҳарлар ичида келин шаҳар” , – деб таърифлаган эди.

Демак, ватанни, туғилиб ўсган масканни энг гўзал ўхшатишлар, қиёслашлар билан безаш санъати ҳар бир шоирнинг “дил қонидан” оқиб чиққан изҳори ҳисобланади. Абдурахмон Тамкин ҳам ўз шахрини беҳад улуғлаган шоир сифатида гавдаланади:

#### **“Бухоро таърифида”**

Шаҳарлар ичида танҳо Бухоро,

Жаҳон чеҳрасида холи дилоро.

Худованди Карим, файзбахши комил,

Унинг халқин яратмиш доно, оқил,

Қилиб халқи ҳайр, эҳсонга одат,

Сахода Ҳотам Тойдан зиёда.

У дастурхон агар ёзса, ўшал он,

Олар завқ неъматидан қанча меҳмон.

Мусофирга уйдан жой берар у,

Қилиб ҳурмат, бисотини ёяр у.

Мусофир оч эса, нонини бергай,

На танҳо нонини, жонини бергай.

Агар меҳмон хатосин сезса ногоҳ,

Юзига солмагай айбини асло.

Бухоро илм-у одобга макондир,

Бори халқи муҳиб-у меҳрибондир.

Шаҳарлар ичида тилсим шаҳардир,

Унга ағёри ҳам ҳайрон қарайдир.

Ҳалоллиги ҳаё бирла мунаввар,

Шу хислатдан ривожидир муқаррар.

Бу мулкнинг шуҳратин сезган заҳоти,

Не шоҳлар шул томон сурмади отни.

Шаҳарлар ичида келин шаҳар бу,

Кучоғи дур тўла олтин шаҳар бу.

Унинг хоки фазилатдан қорилган,

Худо инъомидан хосса яралган.

Ҳавоси мисли жаннатдир шукуҳлик,

Шу боис ёт эрур унда қабихлик.

Кеча-кундуз унга шохлар тикиб кўз,

Узишар жон мисли шами нимсўз.

Унинг ҳасрати-ла ўтгуси охир,

Гоҳи пинҳон, гоҳи махфий-у зоҳир

“Ҳақиқий санъаткор...., - деб ёзади Э.Хемингуэй,—мазкур соҳада ундан олдин нимаики кашф қилинган бўлса, нимагаки эришилган бўлса, ўзлаштиради ва ўзи керагини ноқерагидан шундай тезлик билан ажратиб саралайдики, гўё у туғилишдаёқ барча билимлар билан қуролланиб, доно бўлиб туғилгандек кўринади, чунки оддий одам умр бўйи уриниб эгаллайдиган доноликларни ҳақиқий истеъдод гоҳо кўз очиб юмгунча тез эгаллайди...”. Шу маънода қарайдиган бўлсак, ғарб адабиёти вакилининг бу фикрлари шарқда аллақачон ўз исботини топган ва ўзидан кечган, лекин ўзлигидан кечмаган сара фарзандлари – шоирлари билан дунё ижод оламининг тамал тошини аллақачон қўйган эди. Абдурахмон Тамкин шахс сифатида ҳам, шоир сифатида ҳам бу номга муносиблар сафидан ўрин олади.

Абдурахмон Тамкин – ҳақиқий шоир. У ўша замон ва ижтимоий муҳит билан юзма-юз туриб, ҳақиқатни ифодалашга қодир шижоатли шахс. Адабиётимиз тарихининг ҳамма даврларида шеър ёзадиган иқтидорли, иқтидорсиз қофиябозлар кўп бўлган. Уларнинг бирлари шуҳрати ва шахсий манфаатларини кўзлаб шеърбозлик қилишган. Яна бошқалари қўрқоқлик, эътиқодсизлик сабабли истеъдодни маддоҳлик билан нобуд этишган ва ҳоказо. Лекин ҳақиқий шоирнинг – оташин шоирнинг дунёга келиши, худди бугунгидек, ҳар доим ҳам камдан кам бўлган .

Ҳар қандай истеъдодли шоир атроф ёлғон, алдов ва иллатларга тўлганлигини ўткир ҳис эта бошлаганида ҳақ сўз толибига айланади. Шунда у ўз манфаатини эмас энди юрт, миллат ва халқнинг келажагини ўйлай бошлайди. Замона носозликларидан, турмуш икир-чикирларидан баландда тура олади. Тамкин ана шундай маънодаги шоир сифатида қалам тебратди:

Кўп панд берди менга бу забун замон,

Илм таҳсили деб ютдим қанча қон.

Кўп ранжлар чекдим-у бир наф кўрмадим,

Ҳеч кимса бўлмасин мендай нотагон<sup>30</sup>.

Ҳар қандай замонларда адабиётнинг ўз эрки, дунёдаги жамийки ёлғон ва сохталикларга сочадиган нафрати, абадият умрига тенг армонлари бор. Жаҳондаги барча даҳолар бунини у ёки бу тарзда билганлар. Лекин бир аччиқ ҳақиқатдан ҳам кўз юмуб бўлмайди: ўтмишда гоҳо талантли шоирлар ҳам сарой адабиёти ғоявий йўналишлари чегарасида қолиб, шоҳларни мадҳ этиш, уларнинг шафқатсизликдан иборат зафарларини кўкларга кўтариб макташлардан ўзларини тия олмаганлар. Бундай пайтларда, албатта, халқ тақдири четлаб ўтилган, заҳматкаш ақли, шуури, қувонч ва аламлари орқада қолган. Бу эса баъзан шоирдаги самимиятнинг емирилишигача олиб бруган.

Лекин Абдурахмон Тамкин маддоҳ шоир сифатида қолмади, бу эса шоир турмушининг фақирона яқун топишига сабаб бўлди ва унинг шеърияти, аввало, шу жиҳати билан ибратлидир.

Абдурахмон Тамкин ижодида ғазал, мусаммат, мухаммас ва маснавий жанрлари ўша давр адабиёти руҳи билан ҳамоҳанг тарзда анъанага издошликка асосланган бўлса, қитъа жанри эса янги қиёфа касб этган.

---

<sup>30</sup> Воҳидов С. Бухорийлар бўстони. – Бухоро: Ёзувчи, 1998. – Б.153.

Хожа Исматнинг муснавийлари ҳам бадиий жиҳатдан жуда юксак даражада яратилган бўлиб, ўзига хос жанрий унсурларга эга. Шоир уларнинг аксариятида «тажнисли қофия»дан фойдаланиб, шеърнинг жозибадорлигини ошириш ва ўз ижодий услубини шакллантиришга эришган. Шундай гапни Атоий, Саккокий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмий, Лутфий каби шоирларнинг шеърлари хусусида ҳам айтиш жоиздир.

Қитъа шоирнинг ўз давридаги ижтимоий – сиёсий воқеаларга муносабати, таълимий қарашлари ҳамда бошқа турли масалалар борасидаги позитциясини белгилашда муҳим ўрин тутади. Чунки қитъалар аксар ҳолда шоирнинг муайян вазиятдаги таассуротларининг бевосита ифодаси сифатида юзага келади. Бу даврда ижод этган шоирларнинг деярли барчаси қитъа жанрида қалам тебратган. Мавжуд қитъаларни моҳият эътибори билан икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ ижтимоий, таълимий характерда бўлиб, уларда ўз аҳволдан шикоят, замондан, фалақдан норозилик, кишилардаги салбий хусусиятларга нафрат, юксак фазилатлар тарғиби ва ҳатто айрим ҳукмдорлар мадҳи каби мотивлар кўзга ташланади. Абдурахмон Тамкин ижодида биринчи гуруҳдаги қитъалар етакчилик қилади.


Мисол:

Бар қалби инсон боҳама олойишу риё,

Бори гирони шавқ ҳисони устувор қард

Бар тамаи заиф ки шуд муҳаммали зиё,

Тоқати боҳамли ў натавон қард ҳеч шайъ<sup>31</sup>



**Қитъа**

<sup>31</sup> Тамкин девони. – Тошкент. Шарқшунослик интитути қўлёзмалар фонди .№ 337.3-б варақ

Абдурахмон Тамкиннинг кўлимизда мавжуд бўлган девонида қитъа жанри алоҳида ўрин тутади. Уларда шоирнинг бутун рухий кечинмалари, фалсафий-ахлоқий қарашлари, ўзи яшаган тузумга муносабатлари ўз ифодасини топган.

Адабиёт ва санъат асарларини баҳолашда инсоният ўз илмий салоҳиятидан келиб чиқиб баҳо беради, баъзан янглишади. Лекин вақт ҳукми – бу энг одил ҳукм, энг тўғри баҳодир. У ҳар доим инсон бадиий тафаккури билан яратилган асл дурдоналарни, ҳақиқий санъат асарларини замонлар, асрлар, одамлар хуружидан омон сақлаб адабиётга йўллаб туради Ўз навбатида уларни абадийлик элагидан ҳам ўтказди. Бундай бадиий дурдоналар халқнинг муқаддас маънавий бойлиги сифатида ҳеч қачон қадр – қимматини йўқотмайди. Улардан илм ва маънавиятга дахлдор одамлар ҳамма вақт, ҳамма замонларда қалбларини ҳаяжонга соладиган, руҳларига яқин жиҳатларни топадилар. Худди шу олий фазилат Абдурахмон Тамкин шеърляти учун ҳам тўла хосдир.

Шу нуқтайи назардан ёндашадиган бўлсак, Абдурахмон Тамкин девонидан ўрин олган поетик жанрлардан бири–қитъа шоир бадиий оламининг гўзал намунаси сифатида намоён бўлади ва муаллифнинг ботиний ва зоҳирий қиёфаси чизгиси сифатида асрлар оша муаллиф ҳақида маълумот беради.

Бизга маълумки, “қитъа” сўзи (кўплиги муқаттаот) арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси “парча”, “бўлак” демақдир. Истилоҳда қитъа ўзининг мустақил поетик белгиларига эга, тематик йўналиши аниқ, чегараланмаган икки ёки ундан ортиқ байтли шеър маъносини билдиради.

Эрон олими Муҳаммад Ризо Дойи Жавод қитъани шундай таърифлайди. “Бирор нарсанинг парчаси луғатда қитъа деб аталади. Адабий истилоҳда икки байтдан кам бўлмаган, ўзига хос қофия ва вазнга эга бўлган шеърларга қитъа дЭйилади. Қитъада ягона бир мақсад баён этилади ва у мантиқан интиҳосига етказилади”<sup>32</sup>.

Қитъа жанри, аввало, араб ва форс адабиётида юзага келган. Бу жанр араб адабиётидан Ўрта Осиё халқлари шеърлятига анча осонлик билан кўчиб ўтган. Яъни,

---

<sup>32</sup> Жавод Д. Зебойҳои сухан ё илми дар забони форсий. – Исфаҳон, 1335 ҳижрий. – Б.318.

бунга қитъанинг олдиндан белгиланган поэтик қонун, анъанавий мавзу, бадиий восита ва образларга тобе эмаслиги муҳим ўрин тутган бўлиши керак.

Абдурахмон Тамкиннинг бир томондан, араб ва форс адабиётидан яхши хабардорлиги, иккинчи томондан эса, анъана ва устозларга эҳтироми ва миллий шеърятни тўпланган тажрибалар асосида билиши унинг учун қитъа жанрида ишлашга қулай имкониятлар берган. Абдурахмон Тамкин қитъада ижтимоий – ахлоқий масалалар билан қизиқади. Ўз ҳаётидан, шахсий кечинмаларидан сўзлайди, эрк учун, инсонга хос энг олий туйғулар учун қаттиқ қайғуради. Шоир ҳақиқат йўли – бу илм йўли, илмсиз ҳаётнинг собит ҳақиқатларини англаб бўлмайди дЭйди. Шунинг учун у одамларни ўз ҳаётларини илм нури билан ёритишга, дунё сирларини мукамал билишга ундайди.

Абдурахмон Тамкин айрим қитъаларида дидактик мулоҳазаларини, ахлоқий қарашларини баён қилган. Масалан, у бўлар - бўлмасга вайсайверадиган, мулоҳаза ва андиша туйғусидан маҳрум, иккиюзламачи, жоҳил, камтарликдан бенасиб, уятсиз одамларга муносабат билдирган.

Масалан:

“Жузъи он ягонаки, аз обу-хок пайдо кард

Бадин шамойил нек-у вужуди инсонро

Зе обу хок наёр аст суврати наққош (ниқош)


Зе дилрабойи кашад суййи хуштан жонро

Сепас батағайюри аҳвол кувна-кувнайи ҳаким

Намод ʻбалқаю, музға кунад устухонро”<sup>33</sup>.

---

<sup>33</sup> Тамкин девони. – Тошкент. Шарқшунослик интитути қўлёзмалар фонди. №337. 3-а варақ



Шоир қитъалари орасида ҳасби-ҳол шаклидаги унинг тасаввуфий қарашлари, ҳис-туйғулари таърифига бағишланганлари ҳам бор.


Масалан:

Хоҳад кунад бадо мани як қатра сад муҳит ,

Хоҳад наҳди бадо мани як кард сад само

Мухтор-у муқтадир-у тавоно ҳаким ўст

Бар кори ў наҳ ро батъи чунуни чаро<sup>34</sup>



Ёки:


Бар қалби инсон боҳама олойишу риё, бори гирони шавқ ҳисони устувор кард

Бар тамаи заиф ки шуд муҳаммали зиё, тоқати боҳамли ў натавон кард ҳеч шайъ

Охир ниҳод дар дили инсон мубтало, то бар кашад бажониби худ кам-кам оқибат

<sup>34</sup>Тамкин девони. – Тошкент. Шарқшунослик интитути қўлғезмалар фонди. №337. 3-а варақ

Восил кунад бавасли худи он шоҳид қазо, ва алайҳи таваккалту ва ҳува раббул аршил азим.<sup>35</sup>



Абдурахмон Тамкиннинг юқоридаги қитъаларида унинг ижодий салоҳияти нечоғлик юксак ва гўзаллиги ажралиб кўринади. У кўп қитъаларида аҳвол руҳиясини, дил дардларини, ижтимоий қарашларини, умуминсоний фикрларини ёзади. Улар катта илмий-адабий аҳамиятга эга бўлиб, шоир ҳаётини, қалб ва руҳ оламини теран англашга ёрдам беради.

Абдурахмон Тамкин ижодининг аксарияти тожик тилида битилган бўлса-да, унинг туркий тилдаги шеърлари ҳам бениҳоя гўзал шакл ва ғояга эгадир.


Шоирнинг тожикча шеърларида орифона руҳ еткчилик қилган бўлса, арабча шеърларида илоҳиёт билан боғлиқлик кўзга ташланади, туркий тилди битилган шеърларида эса ҳар иккала руҳ ошиқлик билан чамбарчас боғлиқ ҳолда илгари сурилади.

Тамкин шеърларида Халлоқи Оламнинг синоатлари олдида, лол-у ҳайронлик оқибатида, некбинлик кайфиятидаги мисралар ҳам учрайди:

“Заминро муҳаллик, саморо мутаббақ намуд ин ҳама шайбу боло мукамал”<sup>36</sup>.

<sup>35</sup> Тамкин девони. – Тошкент. Шарқшунослик интитути қўлғезмалар фонди. №337. 3-в варақ

<sup>36</sup> Тамкин девони. – Тошкент. Шарқшунослик интитути қўлғезмалар фонди. №337. 2-в варақ



Кўринадики, шунинг ўзидаёқ шоирнинг тийрак безовта руҳини, ўткир қаламининг таъсирчан кучини, ўз даврига нисбатан фавкулотда жасоратини илғаб олиш қийин эмас.

Тамкин ўзи яшаган жамият иллатларини бартараф этиш учун тинимсиз ҳаракат қилди, мамлакат ва миллат тақдири учун илм-маърифат йўли тўғри эканлигини илғари сурди; миллатдошларининг тўлақонли ҳаёт ва турмушга лойиқликларини исботлашга уринди, бироқ унинг соҳирқалб вужуди беқиёс тўсиқларга учради, шоир ҳаракатлари бекор кетди, лекин шоир тўхтамади ва буни ижодида намоён эта бошлади.

Тамкин барчани: амалдорларни, халқни, ўзаро аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга, берилган умрни фойдали ишларга сарфлашга ундади.

Қитъа:

Тавоно каримики рўзи нахуст

Боби карам руйи ашё бишуст (بشو است)

Ке ҳар шайъ азв шуд дигар баҳравар

Че доно, че нодон, че маҳкам, че суст

Баран баҳра аз хони эҳсони у.

Че тарсо, че мўмин, че чобук, че чуст.


Муназзами жаҳон шуд баҳукми ҳаким

Шуд аз вай дурусти ҳар нодуруст .

На жувҳар батанҳойи шуд камёб<sup>37</sup>.

---

Тамкин девони. – Тошкент. Шарқшунослик интитути қўлёзмалар фонди. №337. 1-в варақ




Юқоридаги мисралардан аёнки, Тамкин яшаган даврда ижтимоий ҳаётдаги вазият ниҳоятда мураккаб, оддий халқ учун номуносиб ва номувофиқ эди. Бу шоир қалбини ларзага солган. Унинг наздида бундай номутаносиб ҳаёт тарзининг сабабчиси ҳам бегоналар эмас, айти бир миллатга мансуб бўлган жамият аъзоларининг ўзаро ноиттифоқлиги, бошлиқларнинг манманлиги-ю, адолатсизлиги кабилар эди.

Яъни:

“Шаҳаншаҳики буд қаҳрамони мулки азал,

Ки хоҳад ҳар чи кунад гар бақаҳр онгизад”<sup>38</sup>.



Абдурахмон Тамкин ўз замонасининг кишиси сифатида буларнинг барчасини тақдир ҳукми деб билади ва бундай иллатларни кескин қоралайди. Яъни, Яратгувчининг марҳаматидан бенасиб бўлган иблиснинг ҳаракатларига менгзайди. Шоир бутун умри давомида риёкорларга қарши курашди: аъмоли, сўзи ва қалами билан.


<sup>38</sup> Тамкин девони. - Тошкент. Шарқшунослик интитути қўлёзмалар фонди. №337. 2-а варақ

Ҳар солаи ибодат баяк жуй нахирад

Бажойи сажда агар жабҳа бар замин ризад

Надиди тоати иблис оқибат ҳамаки

Ба як инод багардани чув тавқ овизад<sup>39</sup>.



Тамкиннинг ижтимоий мавзуда ёзилган асарларида бир қараганда замона ҳукмдорлари ва халқ тимсоли, уларнинг заволи ва камоли айтилгандек кўринса-да, моҳиятан шоир илоҳий қудрат эгасининг адолатли ҳукмини талқин этганини англаш мумкин. Бу шоирнинг тасаввуфий қарашларидаги ўзига хослик сифатида кўзга ташланади.

Ёки, бир қарашда ошиқона руҳда ёзилгандай кўринган айрим ғазалларда эса, мазмунига теранроқ назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг моҳиятида ижтимоий оҳанглари кузатиш қийин эмас.

Масалан, ошиқнинг ўз ёридан шикояти асносида, лирик қаҳрамоннинг ўз замони ва замондошларига бўлган муносабати ҳам акс этгандек тасаввур уйғотади.

Тамкин яшаган давр ва унинг ҳаёт йўлида учраган мураккаб ҳолатлар, шоир ижодига ўз таъсирни ўтказмай қўймади.

Абдурахмон Тамкин шеърлятида шеърӣ санъатлардан фойдаланиш маҳорати оригинал моҳият касб этади. Шоир форс-тожик ва туркий адабиётдаги сўз қўллаш санъатини ўзига хос усулда кашф эган.

<sup>39</sup> Тамкин девони. - Тошкент. Шарқшунослик интиготи қўлёзмалар фонди. №337. 2-а варақ

Зеро, минг йиллик тарихга эга бўлган мумтоз адабиётимизда бадиият масаласи ҳамиша шеър аҳлининг диққат марказида бўлиб келган. У ёки бу ижодкор салоҳияти ҳақида сўз борганда, унинг нималарни тасвирлагани эмас, асосан, қандай тасвирлаганига эътибор қаратилган. Жумладан, адабий асарларда шеърини санъатлардан фойдаланиш маҳорати ҳамма асрларда бадиий санъаткорликнинг асосий қирраларидан бири сифатида баҳоланган.

Маълумки, шеърини санъатлар бадиий асарда ифодаланган ғояларни ҳаётинроқ, таъсирчанроқ ифодаланишига, лирик ва эпик тимсолларнинг ёрқинроқ гавдалантирилишига, мисралар, байтлар, бандларнинг лафзий назокати, муסיқийлиги, жозибadorлигини таъминлашга хизмат қилади.

У ёки бу шоир ижодига, у ёки бу бадиий асарга баҳо берилар экан, ижодкор ифодалаётган ғоя ўз аксини топган ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, маърифий-тарбиявий муаммолар моҳияти ва кўлами, бадиий тимсоллар жилоси билан бир вақтда қўлланган шеърини санъатларнинг ранг-баранглиги, мантиқий асосланиши, асар мазмуними очишдаги ўрни ва аҳамияти каби масалаларга ҳам алоҳида диққат қилинган.

Адабиётимиз тарихи яна шундан далолат берадики, шеърини санъатлар шоир бадиий салоҳиятини кўз-кўз қилиш, унинг хилма-хил санъатлардан моҳирона фойдаланиш усулларини намоиш этиш эмас, балки ижодкор бадиий тафаккур даҳосининг кўлами, юксак ижтимоий-ахлоқий ғояларни жилолантириш санъаткорлиги ифодаси бўлиб келган.

Тамкин шеърини мумтоз шеъринимизнинг энг гўзал намуналаридан бўлиб, шоир ҳар бир шеър унсурини қўллашда анъана ва устозлар руҳини эсдан чиқармаган. Бу шоирнинг қофия қўллашдаги маҳоратида ҳам яққол кўзга ташланади.

Бизга маълумки, мумтоз шеъринимизда қофия бадиияти асосий қирралардан бири саналган келган. Ижодкорнинг салоҳияти шеърларда қўлланган қофияларнинг ғоялар моҳиятини, тимсоллар қиёфасини очишдаги аҳамияти, қофия учун танланган сўзларнинг маънавий теранлиги, оҳангдорлиги, жило ва жозибаси билан ҳам белгиланган. Қофиянинг хилма-хил турлари ва санъатларидан, вазн ва қофия муносабатларидан ўринли фойдаланиш шоир маҳоратининг муҳим жиҳатларидан бири

ҳисобланган. Шунинг учун ҳам ҳар қайси ижодкор қофия илмини диққат-эътибор билан ўрганган, етук малик ул-калом шоирларнинг бу соҳадаги санъаткорлигидан таълим олиб камол топган.

Маълумки, қофия шеърия асарларда ифодаланаётган ижтимоий-ахлоқий ғоялар, теран фалсафий мушоҳадаларни бадиий сўз воситасида жозибали ва таъсирчан акс эттиришнинг муҳим воситаларидан биридир. Ҳар қайси мисра, байт, банддаги қофияларда, қофиядош сўзларда шоирнинг ғоявий бадиий нияти ўз тажассумини топади. Ижодкор қофия воситасида ўз ўқувчиси диққатини шеърдаги энг муҳим фикрларга жалб қилади. Қофиядош сўзлар асарда гавдалантирилаётган лирик ёки эпик тимсолнинг маънавий қиёфасини чизишга, уларнинг ахлоқий тамойиллари: тафаккур олами, туйғулари, орзу-армонларини ёрқин акс эттиришга хизмат қилади.

Қофиялар шеърий асар муסיқийлиги, жозибадорлигини таъминлашнинг асосий омилларидан саналади. Қофиядош сўзлар таркибидаги ҳар қайси товуш мисра, байт, бандга алоҳида жило, тасирчанлик бағишлайди.

Қофиянинг шеърий асарда тутган ўз ўрни ва аҳамиятини тўлароқ, муфассалроқ англаб етиш учун қофия илми асослари: қофиянинг тузилиши ва турлари, шерий жанрларнинг қофия хусусиятлари, қофия санъатлари ва хатолари, вазн ва қофия, радиф ва қофия муносабатлари мазмуни ва моҳиятини атрофлича билиш зарур

Тамкин шеърияти ғоявий - бадиий жиҳатдан ғоят гўзал бўлса, унинг шаклий жиҳати ҳам бениҳоя бетакрордир.


Айниқса, унинг қофия танлашдаги маҳорати, равийларни қўллаш усули ҳам анъанавийлик, ҳам ўзига хосликни юзага келтирган.

Ўзбек шеъриятида кенг қўлланган қофия турларидан бири мужаррад қофия ҳисобланади. Бу қофия икки хил турга бўлиниб, унинг ҳар икки хил кўринишини Абдурахмон Тамкин ижодида моҳирона қўлланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Мужаррад қофиянинг биринчи турида равий чўзиқ унлидан иборат бўлиб, унда 3 чўзиқ унлидан бошқа бирор ҳарф иштирок этмаслиги керак.

Масалан, Абдурахмон Тамкин ижодида:

1. Ки ҳар че мекунад он хуб мекунад онро  
Че ғам хуре ту зе буду набуд дар дусро<sup>40</sup>



Ёки:

2. Шаҳарлар ичида танҳо Бухоро  
Жаҳон чехрасида холи дилоро<sup>41</sup>

Биринчи байтда “онро - дусро” қофиялари; иккинчи байтда эса “Бухоро-дилоро” қофиялари мужаррад қофия бўлиб, равийси чўзиқ “о” унлисидир.

Мужаррад қофиянинг иккинчи тури ундош билан тугалланиб, шу ундош равий ҳисобланади ва ундан олдин исталган қисқа унли келиши мумкин. Бу унли тавжих деб юритилади.

Демак, мужаррад қофиянинг 2-тури бир қисқа унли + ундошдан ташкил топади.

Абдурахмон Тамкин ижодида илми арузнинг нечоғлик мукамаллиги ва устозларга издошлик эҳтиромининг беқусурлиги бунда ҳам яққол кўзга ташланади.

Масалан:

1. Одамийликдан топар одам шар<sup>аф</sup>  
Англамас бу сўзни асло нохал<sup>аф</sup><sup>42</sup>

Ёки;

Дарондам зе ашё на буду зухурки, худ буду танҳо бизоти аж<sup>ал</sup>


Пас он офарид инсу жину малак ки ҳар як ба навъи дигар ин жум<sup>ал</sup><sup>43</sup>

<sup>40</sup> Тамкин девони. – Тошкент. Шарқшунослик интитути қўлёзмалар фонди. №337. 3-а варақ

<sup>41</sup> Воҳидов С. Бухорийлар бўстони. – Бухоро : Ёзувчи, 1998. – Б.152.

<sup>42</sup> Воҳидов С. Бухорийлар бўстони. – Бухоро : Ёзувчи, 1998. – Б.152.

<sup>43</sup> Тамкин девони. – Тошкент. Шарқшунослик интитути қўлёзмалар фонди. №337. 2- б варақ



Берилган биринчи байтда “шараф – нохалаф” сўзлари қофиядош бўлиб, “ф” ундоши равий, ундан олдинги “а” унлиси тавжих бўлиб мужаррад қофияни ҳосил қилган.

Келтирилган иккинчи форсий байтда эса, “ажал- жумал” сўзлари таркибидаги “л” ундоши равий, улардан олдинги қисқа “а” унлиси тавжих бўлиб келиб, мужаррад қофияни ҳосил қилган.

Демак, Абдурахмон Тамкин ижодида мужаррад қофиянинг ҳар иккала тури ҳам кенг қўлланилган.

Юқорида айтганимиздек, адабиётшунослигимизда қофиянинг талқин этилишида иккинчи бир қараш ҳам борки, Абдурахмон Тамкин ижодини бу нуқтайи назар билан ҳам ўрганадиган бўлсак бир қатор гўзал намуналарга гувоҳ бўламиз.

Масалан, қофиялар равий ҳарфи билан тугалланиши ёки ундан кЭйин ҳарфлар ҳам келиши мумкин. Ана шунга кўра, равий билан тугалланган қофия “муқайяд” қофия деб аталган. Равийдан сўнг ҳарфлар келган қофия эса “мутлақ” қофия деб аталган.

Абдурахмон Тамкин форсий ва туркий тилди яратилган ижод намуналарида муқайяд қофиядан анча сермахсул фойдаланган яъни, аксарият шеърларида муқайяд қофияни қўллаган.

1. Саноеки лойиқ бозоташ буд, магар хубба-худ гуяд аз рўйи жууд.

Зе мумкин на мумкин санойи қадим нубуввадро че ёро буд васфи буд<sup>44</sup>.



<sup>44</sup> Тамкин девони. - Тошкент. Шарқшунослик интитути қўлёзмалар фонди. №337. 3- б варақ

مگر خود بخود کویہ از رویہ جو دء

ز ممکن نہ ممکن ثنائی قدیم

نبود راجہ یارا بود وصف بود

Ёки:

2. Худованди Карим, файзбахши комил,

Унинг халқин яратмиш доно, оқил<sup>45</sup>.

Адабиётшуносликда равийдан сўнг ҳарфлар келувчи қофия усули қисман мураккаброқ бўлиб, унда равийдан кейин келувчи ҳар бир ҳарфнинг ўз ўрни ва турлича номи бўлади. Чунончи:

- равийдан кейин турувчи ундош ёки чўзиқ унли “васл” деб аталган;

- иккинчи, яъни васлдан кейин турувчи ундош ёки чўзиқ унли “хуруж” деб аталган;

- учинчи, яъни хуруждан кейинги ундош ёки чўзиқ унли “мазид” деб аталган;

- тўртинчи, яъни мазиддан кейинг ундош ёки чўзиқ унли “нойира” деб аталган.

Агар ҳарфлар нойирадан кейин давом этса, ҳар қайси ундош ёки чўзиқ унли шу ном билан, яъни “нойира” деб юритилаверади.

Васл, хуруж, мазид, нойира эски ёзув бўйича ёзиладиган ҳарфлардир. Маълумки, эски ўзбек ёзувида қисқа унлилар (ҳаракатлар) ёзилмайди.

<sup>45</sup>Воҳидов С. Бухорийлар бўстони. – Бухоро : Ёзувчи, 1998. – Б.152.

Мисол:

Ҳозирги ёзувимизда эса, равийдан сўнг шундай унлилар келса, қисқа унли сифатида ёзилади, албатта. Бироқ улар ҳам турлича аталади.

Масалан:

-равийнинг ҳаракатини ифодаловчи қисқа унли “мажро” деб аталади;

-васл, хуруж, мазид, нойиранинг ҳаракатини ифодаловчи қисқа унлилар эса “нафоз” деб юритилади.

Қофия илмидаги бу ҳолатни Абдурахмон Тамкиннинг қуйидаги рубоийси мисолида кўрайлик:

Умр ўтар, тилимда орзунинг номи,

Келмади орзуга етмоқ айёми.<sup>46</sup>

байтидаги “номи-айёми” қофиялари муфрад бўлиб, “м” равий;

- ундан олдинги “о” унлиси “ридф”;

- охирги “и” чўзиқ унлиси эса (у эски ёзувимизда ҳам ёзилади) васлдир.

Бу хил қофия васлли мутлақ қофия дейилади.

Ёки, шоирнинг қуйидаги маснавийсида:

Унинг хоки фазилатдан қорилган

Худо инъомидан хосса яралган<sup>47</sup>

байтида “қорилган - яралган” қофияларидаги “л” ундоши равий;

- ундан кейинги “г” ундоши – васл,

- қисқа “а” унлиси (у эски ёзувда ёзилмайди) – нафоз;

---

<sup>46</sup> Воҳидов С. Бухорийлар бўстони. - Бухоро : Ёзувчи, 1998. - Б. 152.

<sup>47</sup> Воҳидов С. Бухорийлар бўстони. - Бухоро : Ёзувчи, 1998. - Б. 153.

- охирги “н” ундоши хуруж ҳисобланади;
- равийдан олдинги унли эса “тавжих” дейилади ва қофиялар **мужаррад қофия**, ёки **хуружли мутлақ қофия** деб юритилади.


Демак, Абдурахмон Тамкин Бухорий ўзбек мумтоз адабиётининг назарий асосларидан, аруз шеър илмидан мукаммал даражада хабардор бўлган ва улардан усталик билан фойдалана олган. Ҳатто, Абдурахмон Тамкин Бухоро мадрасаларида мударрислик қилган пайтларида, устоз сифатида, илм толибларига, шогирдларга бу ҳақда яхшигина сабоқ бера олган.

Биламизки, қофиянинг яна бир кўриниши “муфрад” (ридфли) қофия ҳисобланади. Абдурахмон Тамкин ижодида муфрад қофиянинг гўзал қўлланишини кўриш мумкин. Арузда равийдан олдин чўзиқ унлилардан бири келган қофия “муфрад” қофия деб номланади. Чўзиқ унли эса “ридф” деб аталади.

Масалан:

“Эй дилу дида шарм агар дори лаб бу банд аз талотим гуфт**ор**

Гар туро роҳ нест бахуршид ҳиммати ханчу хури над**ор**”<sup>48</sup>



Байтдаги “гуфтор – надор” сўзлари қофиядош сўзлар бўлиб, равий “р” ундоши, “о” унлиси ридф бўлиб келган. Байт эса муфрад қофия асосида ҳосил қилинган.

Ёки;

“Кўп панд берди менга бу забун замон

<sup>48</sup> Тамкин девони. — Тошкент. Шарқшунослик интитути қўлёзмалар фонди. №337. 4- б варақ

Илм таҳсили деб ютдим қанча қон”<sup>49</sup>

Бу байтда эса, “замон – қон” сўзлари оҳанг ҳосил қилган бўлиб, “н” ундоши равий, “о” унлиси ридф саналади ва байт муфрад ёки ридфли қофия асосида юзага келган.

Баъзан чўзиқ унли билан равий орасида яна бир ундош такрорланиб келиши аруз илмида “ридфи зойид” деб аталади. Бундай усулни қўллаган шоир “ридфи зойидли муфрад қофия” қўллаган бўлади. Абдурахмон Тамкин ижодида бундай қофия турини ҳам учратиш мумкин.

Шунингдек, Абдурахмон Тамкин “муқайяд” яъни “қайдли қофия”ни ҳам кенг қўллаган. Бундай қофияларда қўш ундош қисқа унлидан сўнг келади ва қисқа унли “ҳазв”, равийдан олдинги ундош “қайд” деб айтилади.

Қаранг:

“Арз низ аз лутфи ў шуд дурр аст

Че шайбу фарозе че болойи паст”<sup>50</sup>



Бунда “аст - паст” сўзлари оҳангдошлик ҳосил қилган:

“т” - равий;

“с” – қайд;

“а” - ҳазв дейилади.

<sup>49</sup> Тамкин девони, – Тошкент, Шарқшунослик интитутти қўлёзмалар фонди. №337. 2- б в а р а қ

<sup>50</sup> Тамкин девони, – Тошкент, Шарқшунослик интитутти қўлёзмалар фонди. №337. 2- а в а р а қ

Изоҳ: айрим манбаларда муқайяд қофияни “равий билан тугаган қофия” деб ҳам айтилади. Бир қараганда бу ҳам тўғри, лекин аруз шундай шеър тизимики, унда ҳар бир ҳижо ёки товуш қайсидир вазифани бажаради ҳамда шоирнинг бу соҳадаги илмидан дарак беради.


Абдурахмон Тамкиннинг қўлимиздаги девонига кирган шеърларида қофиянинг мураккаброқ тузулишига эга бўлган “муассас” (таъсисли) қофия намуналарини ҳам учратиш мумкин.

Муассас қофия шаклида фақат чўзиқ “о” унлиси билан равий ўртасида бир ундош ва ундан кейин бир унли келиши керак. Улардан чўзиқ “о” унлиси –“таъсис”, ундош “дахиль деб, равий олдидаги қисқа унли эса “ишбў” деб айтилади.

Масалан, Абдурахмон Тамкиннинг қуйидаги байтида :

“Муҳаммад сарвар тахти жалолат

Расид дар авжи гардун бемалолат”<sup>51</sup>



“жалолат - бемалолат” сўзлари қофияи муассас бўлиб:

- Чўзиқ “о” унлиси – таъсис;
- “л” ундоши - дахил;
- “а” қисқа унлиси – ишбо;
- “т” ундоши эса равийдир.

### 3.3. Шоир ижодида маърифий ғоя ва унинг бадиий ифодаси

<sup>51</sup> Тамкин девони. – Тошкент. Шарқшунослик интитутини қўл ёзмалар фонди. №337. 3- б в а р а қ

Абдурахмон Тамкин ижодининг яна бир намунаси бу “Ёғду” асари бўлиб, шоир унда илм нури унинг дунёни ёритувчи куч, зулмат бағрига сочилган учқун эканлигини ўзгача таърифлайди. Уни ҳосил қилган хилқат фанда ҳозиргача тўлиқ ўрганилган эмас. Унинг сирти ёруғ, ичи эса чексиз қоронғу олам. Тафаккур ҳалигача ичкарасига кира олмаган. Ҳажми миллион-миллион микромиллиметрлардан ҳам кичик. Ҳатто энг замонавий компьютер заррабини ҳам унинг фақат ҳаракатини сезади, холос. Қанча замонлардан бери одамзот фикрлари унда тарқалиб, адашиб юрибди. Тезлигига бизга маълум табиатда ҳали ҳеч нарса ета олмаган. У – ёруғлик...

Ёғду тушган қалбдан ғафлат зулмати чекинади. Инсон кўксига момақалдиروқлар гумбурлайди, чақинлар чакнайди, ям-яшил майсалар униб чиқмаган жой қолмайди, булоқ сувлари жилғаларни тўлдиради, тафаккур тегирмони кеча-кундуз тўхтовсиз ишлай бошлайди.

Инсон қалби, жамият ҳамиша ёғдуга муҳтож. Ҳолбуки, атроф уларга тўлиб-тошиб ётибди...

“Матолий ул-фоҳира ва матолиб уз-зоҳира” асарида келтирилишича:

“Абдурахмон Бухорий, “Тамкин” таҳаллуси билан ижод қилган. Шўролар инқилобидан олдин Дор уш-шифо мадрасасида мударрис бўлган. Бўлажак шифокорларга тиббиёт фанидан таълим берарди.”<sup>52</sup>

Абдуллахожа Абдий эса келтиради: “Ажойиб таъби бор эди, гоҳида ҳажвга ҳам киришиб кетарди”, деб ёзади ва унинг ғазалларидан намуналар келтиради”<sup>53</sup>.

ЎзР Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида Абдурахмон Тамкин Бухорийнинг бир нечта асари сақланади.

I.“Рубоиёти Тамкин”, №136, 111 варақ, 23,5x17,5 см. Муаллиф дастхати, ҳижрий 1320 йили (1902 – 1903) тугалланган.

<sup>52</sup> “Матолий ул-фоҳира ва матолиб уз-зоҳира”

<sup>53</sup> Абдий А. Тазкират уш-шуаро. – Душанбе: Дониш, 1983. – Б.67-69.

II. “Жараид” (Саҳифалар), №2877 рақами билан қайд этилган, 85 varaқ, 25x17 см. Шоирнинг кундалик дафтари, насрий матнлар ва шеърлари ўрин олган. Ҳижрий 1323 йили (1905) ёзилган.

III. Баёз, №12354, бу тўпламда “Ноеътибор қилма мани” радибли мухаммаси берилган (1776 – 178а).

Абдурахмон Тамкин таржимаи ҳолига оид маълумот кўп эмас. Тиббиёт мадрасаси билан боғлиқ фаолияти унинг ҳаёт манзараси билан танишишга имкон беради. “Дор уш-шифо” мадрасаси Бухорода табобат соҳаси мутахассисларини тайёрлашга ихтисослашган махсус олий ўқув юрти эди. Унда учинчи даражали олий тоифага мансуб банорас тўнли мударрис дарс ўтган<sup>54</sup>.

Вақfli эди, ҳужжати сақланиб қолган.

Ҳужжатда таъкидланишича: “Ҳазрат Абул Музаффар саййид Субҳонқули Муҳаммад Баҳодурхон ибн ҳазрат Абул Фатҳ саййид Надр Муҳаммадхон ҳижрий 1108 йили зулқаъда ойида (милодий 1697 йил май – июн) “Дор уш-шифо” мадрасасини куриб битказди”<sup>55</sup>.

У пишиқ ғишдан бунёд этилган. Олий гумбазлари ва равоқлари, ички ва ташқи ҳовлиси, тиб илми ўқитиладиган дарсхонаси, ёзги масжиди ва ўн саккизта ҳужраси бор эди<sup>56</sup>.

<sup>54</sup> О ‘zR MDA. I-126. 1-1995-8.

<sup>55</sup> О ‘zR MDA. I-323. 113-3; 118. “Dor ush-shifo” madrasasi vaqf hujjati.

<sup>56</sup> Айрим манбаларда у 15 ҳужра деб кўрсатилган (Асоми мадорис. – Б. 406б; Тарихи Бухоро ва таржумат ул-уламо. – Б. 12). Эҳтимол, XIX асрнинг иккинчи ярмидан унинг баъзи ҳужралари бузилгандир. Бироқ Н. Хаников уларни 40 ҳужра деб ёзади (Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С. 86). Ушбу мадраса ҳақида А. Ирисов, А. Носиров, И. Низомиддинов ҳамкорлигида Субҳонқулихонга бағишлаб ёзилган мақолада ҳам қисқа маълумот бериб ўтилган. Унда мадрасанинг ўн саккизта ҳужрадан иборатлиги таъкидланади ва мазкур ўқув даргоҳи “Буқъаи дор аш-шифо” деб аталади (Субҳонқулихон // Ўрта осиелик қирқ олим. – Тошкент: Фан, 1961. – Б. 93)

Вақф ҳужжати шартига кўра, мадрасага Туроннинг икки нафар энг билимдон илғор табиби мударрис бўлиши керак эди. Қози улардан бирини мутавалли вазифасига тайинлаган. Мутавалли вақф мулки тушумидан ушр (ўндан бир) ва мударрислиги учун алоҳида улуш олган. XX аср бошларида “Дор уш-шифо” мадрасаси мударрисининг йиллик маоши 55 тилла эди. Мазкур ахборотлар Абдурахмон Тамкиннинг жамиятда эгаллаган ўрни, моддий аҳволи анчагина яхши бўлганидан дарак бераётир.

Ҳижрий 1329 йил рабиъ ус-соний ойида (1911 йил апрел) Мирзо Насруллоҳ кушбеги номига ёзилган арзномада мадраса аҳли ўқув биноси ҳолати ёмон аҳволда эканидан шикоят қилади<sup>57</sup>. Бу пайтларда “Дор уш-шифо” мадрасасида бошқа мударрислар дарс берарди.

Бухоро арки қаршисидаги Боллойи ҳовузга борганимда, қачонлардир ундан унча узоқда бўлмаган “Дор уш-шифо” мадрасаси ўрнини ҳам қидиргандим. У XX аср ўрталарида қаровсизликдан хароб аҳволга тушиб қолгани учун “маблағ етишмаслиги” баҳонаси билан бузиб юборилган.

Мадраса бўлганида Бухоро қалъаси деворлари қулатилмасди, манғит ҳукмдорлари хилхонаси, Сўфи Оллоёрнинг устози Ҳожи Ҳабибуллоҳ ва унинг атрофидаги улуғлар мозори булдозерларда текисланиб, ўрнига футбол майдони қурилмасди...

Абдурахмон Тамкин ҳаётига уланган сатрларни ўрганиш асносида, бирдан бизга фахрли Бухоро “ёғдулари” ҳақидаги маълумот маълум бўлди. Тамкин уларни “Матолиб ул-фоҳира ва матолиб уз-зоҳира” деб атаган экан.

Бу асарнинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёмалар хазинаси асосий жамғармасида №8245 рақами билан белгиланган ягона нусхаси сақланади.

Муқоваси қизил рангли қаттиқ қоғоз, тили форсий, хати настаълиқ, 455 варақ, 31x23 см, ҳижрий 1334 йили (1916) Бухорода ёзилган. Матн тузилиши, тузатишлар ва

---

<sup>57</sup> Каталог Среднеазиатских жалованных грамот из фонда института Востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан. – Германия, 2007. №57

қўшимча изоҳлар, хатнинг Тамкин кундалигидаги билан мос келиши асар муаллиф дастхати билан ёзилганидан дарак беради.

Муаллиф 19а саҳифада асар номини келтиради ва у 44 бобдан иборат эканини ёзади. Боблар “матлаъ” сўзи билан ифодаланган. Асарнинг охириги қисми тушиб қолган. Матн ўттиз саккизинчи “матлаъ”да тугайди. Ҳар бир матлаъ таркиби намое (топиш), тажалли (кўриниш) ва шаъшаъе (ярқ) каби алоҳида қисмлардан ташкил топган. Матнлар мазмунига кўра, асар номини ўзбек тилига “Фахр ёғдулари ва истаклар жилвалари” деб ўгирса ҳам бўлади. Шу тариқа битта “матлаъ” битта “ёғду”га айланди.

Асар тарихий-жўғрофий китоблар туркумига киради. Айрим мутахассислар муаллиф уни ёзишда бирор қатъий қоидага амал қилмаган, деб ҳисоблашади. Маълумотлар – “ёғду”лар (матлаъ) мунчоғига тизилган. Шу тариқа муаллиф йирик ҳажмдаги ахборотларни ўзига хос йўл билан тартибга солишга уринади.

Абдурахмон Тамкин “Матолий ул-фоҳира” асари ҳижрий 1334 йили (1915 – 1916) Амир Олимхон ибн Амир Абдулахадхон даврида ёзилганини таъкидлайди (19а). Биринчи “матлаъ” кутилмаган тарзда таллол, теба, тубалар тарихи баёни билан бошланади. Теба, тубаларда қабрларнинг пайдо бўлишига оид қизиқарли маълумотлар беради (28б). Бу туркумдаги анъанавий китобларни ўқиб, тадқиқ этишга ўрганиб қолган тадқиқотчи учун мазкур ҳолат ажабланарли туюлади. Аслида бу ерда таажжубланадиган ҳеч нарса йўқ. 1870 йиллардан мамлакатда матбуот соҳаси шаклланиши муносабати билан оммага ахборот етказишнинг янги воситалари ва усуллари пайдо бўлганди. XX аср бошларида жадидларнинг маърифий ҳаракати, дунёни англашга интилиши натижасида Туркистон ўқувчиси учун дунё анча кенгайганди. Тарих ёзиш, ахборот етказиш йўналишидаги анъанавий қарашлар янги ижтимоий муносабатлар асосида қайта шаклланади. Шу ҳолат Абдурахмон Тамкин асарида ҳам сезилади. Асарда кутилмаганда тепаликлар тарихининг пайдо бўлиб қолиши шуларнинг таъсиридан эди.

Муаллиф ўн олтинчи “матлаъ”да (116б) Овруподаги Исландия, Италия, Сербия, Туркия каби давлатлар ва бир қанча шаҳарлар, Японияда содир бўлган тўфон ҳақида ахборот беради. Милодий 1783 санада содир бўлган дунё воқеаларидан сўзлайди,

жаҳонда рўй берган муҳим воқеалар ва саналар жадвалини келтиради (121б-122а). У йилни ифодалашда биз ўрганиб қолган “милодий” атамаси ўрнида “масихий”, “исавий” сўзларини қўллайди.

Асарда Бухоро шаҳри ва туманлари, машҳур тарихий масканларга оид берилган тарихий маълумотлар қимматлидир. Муаллиф Бухоро шаҳрида қадимда 360 гузар бўлган, дЭйди. 1334 йили (1915 – 1916) уларнинг сони 200 атрофида эканини кичик гузарлар қўшилиб, каттариши ва битта ном билан аталаши орқали изоҳлайди. Масжидлар, хонақоҳлар, мадрасалар тўғрисидаги хабарлари бу йўналишга тегишли тарихий ҳужжатларни тадқиқ ва талқин этишда тадқиқотчига катта кўмак бўлади.

Бухоро туманлари марказлари, қишлоқлар ва уларда истиқомат қилаётган қавмлар, аҳоли сони, зиёратгоҳларга тааллуқли ахборотлари аҳамияти Бухоро шаҳрига тегишли хабарлардан сира кам эмас. Бу фикр Бухоро давлатидаги Кеш, Насаф, Чағониён, Ҳисор каби вилоятларга доир маълумотларга ҳам тегишлидир.

Муаллиф Самарқанд шаҳри тарихига ҳам тўхталади (266а–269а). У: “Самарқанд шаҳрини араб қавмидан Самар ибн Африқаш истило қилгач, унинг девори ва иморатларини ер билан битта қилиб текислаган. Шу сабабдан “Самарқанд” номи билан машҳур бўлган. Араблар арабийлаштириб “Самарқанд” дЭйишган”, деб ёзади (267а).

Абдурахмон Тамкин “канд”ни форсийдаги “кандан” (ковламоқ, кўймоқ, текисламоқ) сўзидан олингани ва шаҳар номи “Самар текислади” маъносини англатишига ишора қилаётир. Бу талқин тарихий жиҳатдан ўзини оқламаса-да, қизиқарлидир. Айни пайтда, у XX аср бошларида мамлакат зиёлиларининг илмий даражасини ҳам кўрсатиб туради.

Асарнинг Турон дарёлари баёни қисмида “Жайхун” номи форсий “жўйи хун” (қонли сув) иборасидан олингани ривоятлар асосида талқин этилади. Муаллиф: “Амуя суви барча дарёлар орасида энг ширин, хузурбахш ва шифобахш, танга қувват берувчидир”, дея таърифлайди. Абуллайс Самарқандийнинг: “Сайхун, Жайхун, Дажла ва Нил жаннат дарёларидир”, деган сўзларини келтиради (83а). Жайхун ва Сайхун, уларни шакллантирадиган дарёлар, улар атрофидаги шаҳарлар ҳақида батафсил маълумот беришга ҳаракат қилади (87а-90б).

Асарда темурий, шайбоний, аштархоний ва манғит ҳукмдорлари ҳаёти, уларнинг бунёдкорлик ишлари, улар даврида мамлакатда амалга оширилган қурилишлар, сиёсий жараёнларга доир тафсилотлар кўп учрайди.

Камчиликларига карамай, муаллифнинг ўз даврига оид маълумотлари жуда қизиқарли ва қимматлидир. Ахборот етказиш услуби фарқ қилса-да, муаллиф Истахрий, Ибн Хавқал, Муқаддасий, Нажмиддин Умар ан-Насафий, Абдукарим ас-Самъоний, Дарвеш Муҳаммад Балхий сингари муаллифлар йўлини давом эттирган.

Абдурахмон Тамкиннинг “Ёғду” асари ўз даврида “Матолиъ ул-фоҳира” ёки “Фаҳр ёғдулари” номи билан машҳур бўлган. Бу асар бир улуғ юртнинг, миллатнинг шарафли ва ўзига хос ўтмишини кўриш, тарихда шонли из қолдирган қавмни халқ даражасида танишга ёрдам берадиган умидли ёғдулар мавжуд асар сифатида шуҳрат қозонган бўлса, ҳозир ҳам умидбахш ғоялар ташувчиси сифатида ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Абдуррахмон Тамкиннинг “Гулистони занон” асарида тўғридан-тўғри таржималар шоирнинг анъанавий ҳамд ва натъ дан фойдаланишдаги маҳоратини намоён этади.

### **Масалан: “Бисмиллаҳир роҳманир Раҳим”**

Инъомлар соҳиби карамли зотни барча улуғлашлар билан улуғламоқ вожибдирки, Унинг инъому карами занжирининг на боши ва на охири бордир. Унинг карамига на исён, на нисён, ҳаммага умумий бўлган жуд-у атосига на эътироз, на қаршилик монёъ бўлолмас. Олам мулкининг баланд-у пастини эгаллаган ҳар қандай тоат-у эҳсон Унинг карам ва эҳсонидир. «Лаҳу мулку-с самавати вал арз» («Осмонлар-у ернинг мулки Уникидир» (Бақара: 108-оят. Бу яна бир нечта сураларда такрорланувчи оят.) ояти ер остидан то Сурайёгача Унинг улуғлигининг исботи ва фармонининг муҳридир. У шундай зотки «Ва лиллаҳи ясжуду ман фис самавати вал арзи товъан ва карҳан зиллал лаҳум бил ғудувви вал осол» («Аллоҳга осмонлару ерлардаги кимсалар ва уларнинг соялари хоҳ истасинлар, хоҳ истамасинлар, эртаю кеч сажда қилурлар»). Раъд: 15-оят).

**Қитъа:**

Тавоно Каримеки рўзи нахуст,  
Ба оби карам рўйи ашё бишўст.  
Ки хар шайъ аз Ў шуд дигар бахравар,  
Чи доно, чи нодон, чи муҳкам, чи суст.  
Баранд баҳра аз хони эҳсони Ў,  
Чи тарсо, чи мўмин, чи чобук, чи чуст.  
Муназзам жаҳон шуд ба ҳукми Ҳаким,  
Шуд аз Вай нодурустию хар дуруст.  
На жавҳар ба танҳойи шуд комёб,  
Араз низ аз лутфи Ў шуд дуруст.  
Чи шийбу фирозу чи болою паст,  
Чи сокин, чи гарданда бошад бажуст.  
На Ўро карам кам з исён шавад,  
На аз тоат афзун шавад биннахуст.

**Мазмуни:**

У кудрат соҳиби бўлган карамли зот яратилишнинг биринчи кунда,  
Барча яратиладиган нарсаларни Ўзининг карам дарёсига чўмилтирди.  
Ва хар бир Ундан ўзгача, ўзига хосликни олди.  
Нима доною нима нодон, нима қатъийу нима ноқатъий аниқ бўлди.

Унинг эҳсон дастурхонидан баҳраманд бўлгач,

Ким тарсою ким мўмин, ким чакқон-у ким бўш маълум бўлди.

Ҳикматли зот ҳукми билан олам тартибга келди,

Ундан ҳар бир нодуруст-у дурустлик пайдо бўлди.

Унинг лутфидан биргина Жавҳар (яъни моҳият) айшу ком топган эмас,

Балки Араз (яъни пайдо бўлувчи нарсалар) ҳам бу лутфдан баҳраманд бўлди.

Нима юқори-қуйи-ю нима баланд-паст,

Нима тинч-сокин-у нима нима айланар, ҳаммаси билинди.

Унга исён қилингани билан Унинг карами камайиб қолмайди,

Ёки Унга тоат қилиниши Унга жароҳат еткаролмас.

*Анъанавий ҳамдлар каби Тамкин Яратганнинг қудрати, унинг биру борлиги, караму саховатини улуглайди. Иқтибос санъатидан фойдаланган ҳолда Қуръони Каримдан оятлар келтиради. Бу ҳам Абдураҳмон Тамкин услубига хос хусусиятлардан бири ҳисобланади. Ҳар келтирилган парчадан сўнг шу парчанинг мазмунига мос қитъа келтирилади. Юқоридаги қитъа 7 байтдан иборат бўлиб, а-а, б-а, с-а... шаклида қофияланган. Умуман олганда, “ҳамд” сўзи Навоий асарлари лугатида “мақтов”, “мадҳ”, деб берилган. Исломий ақидага кўра эса мақтов фақат ва фақат Аллоҳгагина лойиқ, унигина мақташ мумкин ва керак. “Ҳамдларнинг аксариятида шоир Аллоҳ кулли мавжудотнинг яратувчиси эканлигини бадиий тил билан таърифлайди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, яралганларнинг бари — Аллоҳнинг мавжудлигига исбот. Чунки тасаввуфда бутун борлиқ — Аллоҳ, яъни зотнинг кўриниши, деб қаралади”<sup>58</sup>.*

Ҳар қандай махлуқот «Эмас»лик (яъни, Йўқлик) тоғидан «Эмасми» (яъни Борлик) ҳудудига қадам қўяр экан, Унинг сонсиз карамига эга бўлади ва фаровон неъматларига бурканади. «Ин таъудду ниъматаллоҳа ла таҳсуҳа» («Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига ета олмайсизлар. Наҳл: 18-оят). У ҳукм чиқарувчиларнинг энг афзали ва карамлиларнинг энг яхшисидир, Жалолат-у каромат наътининг туғроси

<sup>58</sup> Гаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари (Масъул муҳаррир: Н. Комилов). — Т.: «Маънавият», 2001. — 64 б.

Удир, зоти пок-у бенуксон Удир. «Субҳанаҳу ва таъалаъ амма ясифун» (У зот улар айтаётган нарсадан пок ва ниҳоятда олийдир. Исро: 43-оят).

### **Қитъа**

Шаҳаншаҳеки, бувад қаҳрамони мулки азал,

Ки хоҳад ҳарчи кунад, гар бақаҳр ангизад.

Ҳазор сола ибодат баяк жаве наҳарад,

Бажое сажда агар жабҳа бар замин резад.

Надиди тоати Иблис оқибат ҳамаги,

Баяк инод багардан чу тавқ овезад.

Санампарастии кўҳан бин басаҳв гуфт Самад,

Ҳануз аз карамаш гуна-гуна бинавозад.

Ду кавн бар сари ангушти ҳукми Ў қоим,

Агар ишора намояд аз жой барҳезад.

### **Мазмуни:**

У азал мулкининг шундай бир қаҳрамон шаҳаншоҳеки,

Агарда бир қаҳр қилса, хоҳлаган ишини қилади.

Агар хоҳламаса, минг йиллик ибодатни бир дона арпага ҳам олмайди,

Агар хоҳласа, унинг ўрнига ерга қилинган битта саждани инобатга олади.

Кўрмайсанми, Иблисининг шунча қилган тоати оқибатда нима бўлди?

Битта гарданкашлиги билан гарданига тавқи лаънатни илдирди.

Қадимда ўтган бир бутпараст ўзи сиғинаётган санамига «Саман» дэйман деб, хато қилиб, «Самад» деб юборганига унга турли-турли навозишлар кўрсатиб, гуноҳларини

афв қилди. Икки олам унинг ҳукмронлик узугининг ҳукмига қоиммақомдир, У агарда бир ишора қилса, бас бўйсунди.

*Мазкур парчада Аллоҳнинг карами-ю ғазаби ҳақида сўз боради. Агар Яратган қабул қилмаса, 1000 йиллик ибодат ҳам арпа донасичалик қадр-қимматга эга эмас. Бунда ижодкор Иблиснинг тақдирини мисол қилиб келтиради. Тангри таолонинг инояти билан бир марталик сажда ва “асмойи ҳусна” эвазига ҳам мислсиз мукофотлар беради. Зеро, “Самад” Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан биридир. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинган: «Расулulloҳ (с.а.в.) Кимки Аллоҳнинг муборак исмлари билан дуо қилса, шубҳасиз, Аллоҳ таоло у инсоннинг дуоларини қабул қилади ва муборак исмлар ҳаққи унга истаганини беради» (Абу Довуд) Берилган қитъада талмеҳ санъати воситасида шу ҳикоя ва ҳадисларга ишоралар мавжуд.*

У шундай қудратли бир яратувчидирки, яратганларининг бирортаси беҳикмат ва бесалоҳият эмас. «Аллоҳу холиқу кулли шайъин, ва ҳува ʼала кулли шайъин вакийл («Аллоҳ барча нарсанинг Яратувчисидир. У барча нарсанинг устида вакил-ҳомийдир». Зумар: 62-оят)

Яна, Унинг ҳар бир яратган нарсаларининг ҳикмати шунчалик кўпки, уларни Ундан ўзга билолмас, фақат Унинг ўзигина қадим илми билан билади. У ҳакийм ва алийм зотдир.

### **Қитъа:**

Ҳакимеки, дар ҳиттайи «лам язал»,

Фуру зинда буди чароғи азал.

Дар он дам з ашә набуди зухур,

Ки Худ буди танҳо ба зоти ажалл.

Бас, Он офарид инс-у жин-у малак,

Ки ҳар як ба наве дигар ин жуммал.

Заминро муҳаллиқ, саморо муттабақ,

Намуд ин ҳама шайбу боло мукаммал.

З асрори пайдоеш ин ҳама,

Жуз Ў не барин уқда ёройи жалл.

З як амри Ў ин ҳама «Кун фа кон»

Шуд аксар часпон муштақ аз ақалл.

### **Мазмуни:**

У бир ҳаким зотки, «абодий давомлилик» остонасида,

Унинг азаляят чироғи мудом тирик эди.

У вақтда ҳали нарсалар пайдо қилинмаган эди,

Фақат танҳо Унинг жалил бўлган зоти бор эди.

Бас, У инсону, жинлару фаришталарни яратди,

У ҳар бирини ўзига хос қилиб тартиб берди.

Ерни думалоқ, осмонни қат-қат қилди,

Баланду пастни ҳаммасини мукаммал қилди.

Бундай пайдоликнинг сир-у асрорини билишга

Унинг Ўзидан бошқа бирон кучли йўқки кучи етса.

Бу ишлар Унинг биргина «Бўл» амри билан бўлди,

Кўплик ва камлик ҳаммаси бирга қўшилиб кетди.

*Қитъада Аллоҳнинг икки сифати — азаллик ва абадлик ҳам таърифланган. Оллоҳнинг бу сифатлари Қуръони Каримнинг “Ҳадид” деб номланган 57-сурасидаги 3-оятти каримасида қуйидагича тавсифланади: “Аввал ҳам, охир ҳам, зоҳир ҳам, ботин ҳам Унинг Узидир. У барча нарсани билгувчидир”. Мазкур оятга таржимон Алоуддин Мансур битган изоҳдан билиб оламизки, бу тўрт сифат Аллоҳнинг энг асосий*

белгиларидан саналади: “Ушбу ояти каримада ҳар бир мўмин Оллоҳ таолонинг бор ва бирлигига иймон келтириш билан бирга эътиқод қилиши лозим бўлган тўрт илоҳий сифати баён этилди: Оллоҳ аввалдир, яъни У азалий зот бўлиб, Ундан аввал бирор замон ўтган эмас; Оллоҳ охирдир, яъни У абадий ва мангу зот бўлиб, барча нарса йўқ бўлур, лекин Унинг интиҳоси йўқдир; Оллоҳ зоҳирдир, яъни коинотдаги ҳар бир нарса Унинг борлигига очиқ — зоҳир далолат қилиб туради; Оллоҳ ботин — махфийдир, яъни Унинг зотини кўз билан. идрок этиб бўлмас ва Унинг моҳият-ҳақиқатига ақд билан этиб бўлмас”.<sup>59</sup> Алишер Навоий ҳам “Бадое ул-васат”нинг 2-газалида юқоридаги оятга мос бўлган байтни келтиради:

“ Азал ҳам сен, абад ҳам сен, не аввал бирла охирким,

Анга йўқ ибтидо пайдо, мунга йўқ интиҳо пайдо”.

Мазкур қитъада Аллоҳнинг яна яратувчилик қудрати улуғланади. Зеро, Аллоҳнинг гўзал исмларидан бири Холиқ (арабча “яратувчи”)дир. Тангри яратган нарсаларининг ҳикмати шунчалик кўпки, уларни Ундан ўзга билолмас. Биргина “кун” сўзи орқали ўн саккиз минг олам ва ундаги мавжудотлар жаралган.

«Ва ла юҳитуна мин ʼилмиҳи» («Унинг илмидан бирор нарсани билолмаслар» Бақара: 255-оят) Носутнинг иссиқхонасида, яъни жисмоният оламида Ҳақ субҳанаҳунинг ишини кўрки, инсонни бир оз сув ва туфроқдан пайдо қилиб, унинг жисмини шу қадар кўркам ва улуғ қилди. Уни нотавонлик ҳолатидан шарифлик йўлига чиқарди. Бир озгина сув ва туфроқни Ўзининг комил қудрати ва болиғ ҳикмати баракаси билан олти хил ҳолга солиб, ўзгартирди. Ҳар бир ҳолда минг-минглаб ҳикмат ва салоҳиятни жо қилдики, бу билан инсон гўзал суратли, зебо андомли ва равон тилли бўлди.

Субҳаналлоҳ, бу нима ажойибот бўлдики, бир парча пайдан кўрадиган, бир парча суякдан эшитадиган ва бир парча гўштдан гапирадиган қувват пайдо бўлди. Аллоҳ таоло дэйд: “Валақод холақнал инсана мин сулалатин мин тийн, Сумма жаъалнаҳу нутфатан фий қорорин макийн, Сумма холақнан нутфата ʼалақотан фахолақнал ʼалақота музғотан фахолақнал музғота ʼизоман факасавнал ʼизома лаҳман сумма

<sup>59</sup> Куръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 418.

аншаънаҳу холқон ахора”(“(Қасамки), Биз инсонни (яъни, Одам алайҳиссаломни) лойнинг мағзидан яратдик. Сўнгра уни (яъни, барча инсонларни), аввало, мустаҳкам қароргоҳдаги (яъни, бачадондаги) нутфа маний қилдик. Сўнгра бу нутфадан лахта қонни яратиб, лахта қондан парча гўшти яратиб, парча гўштан суякларни яратиб, бу суякларга гўшт қопладик, сўнгра (унга жон киргизиб, аввал бошдаги бир томчи сув – нутфадан бутунлай) бошқа бир жонзот ҳолида пайдо қилдик”. Мўминун: 12,13,14-оятлар). Шундан сўнг еттинчи ҳол бўлмиш ишни қилди, яъни унга жонни пуфлади. Унинг баракотидан илм-у донишни ҳам бериб, “Ва лақод каррамна Бани Адама” (“Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз – мукаррам қилдик” Исро: 70-оят) деди.

Қитъа:

Жузъ он ягонаки, аз обу хок пайдо кард,

Бадин шамоили неку вужуди инсонро.

Зи обу хок наёрост сурате наққош,

Зи дилрабойи кашад сўйи хештан жонро.

Сипас ба тағйири аҳвол гуна-гуна Ҳакийм,

Намод алақау музға кунад устихонро.

Дамид ба ҳайъати ин гуна рух гуз ҳикмат ,

Муъаммар овардаш мушти хоки вайронро.

Чунон бадийъ намоядки, ҳеч нотавон гуфт

Башўр овард аз ҳусни ноби имконро.

Чашонд аз майи меҳраш ба ком пайдар-пай,

Зи масти гум кунад охир вужуди зулмонро.

Тамоми мамлуки Ўям Ў бувад молик,

Ки ҳар чи мекунад Он, хўб мекунад онро.

Чи ғам хўри ту зи буду набуди дард-у сард,

Иморат онки кунад, худ намуд вайронро.

Ниҳод тожи каромат ба фарқ ин ҳамакай,

Кушод бар рухи мо вежа боби эҳсонро.

### **Мазмуни:**

Фақат ягона бўлган зот Аллоҳгина сув ва тупроқдан

Инсон вужудини шу гўзал шаклу шамойил билан ярата олади.

Сув ва тупроқдан У наққош шундай суратни чиздики,

У ўзининг дилтортарлигидан жонни ўзига қараб тортди.

Кейин У ҳикматли зот уни турли-турли ҳолларга киритди,

Суякни аввал лахта қон, кейин парча гўшт қилди.

Кейин бу ҳайъатга ҳикмат билан руҳни пуфлади,

Бир мушт келадиган жонсизу вайрон лойни бир бутун иморат қилди.

У бунда шундай санъатни ишга солдики, буни ҳеч ким айтиб беролмас,

Покиза ҳусндан маконни хабардор қилди.

Бир парча ерга меҳр майидан пайдар-пай қуйиб,

Қаро вужудни мастликдан охир-оқибат йўқ қилди.

Мен Унинг мутлақ мулкиман, У подшоҳдир,

У нимаки иш қилса, уни тўғри қилади.

Бору йўқдан, иссиғу совуқдан нима ғам ейсан,

Иморатни қурган ҳам бузувчи ҳам Унинг ўзи-ку.

Карам тожини ҳамманинг бошига қўйди,

Эҳсон эшигини эса бизнинг юзимиз томон ланг очиб қўйди.

*Мазкур парчада Одамнинг лойдан яратилиш воқеаси ҳикоя қилинади. Қуръони Мажиддаги “Мўминун” сурасининг 12-13-14-оятлари иқтибос сифатида олинган ва қитъада ўз шеърӣ ифодасини топган. Аллоҳ ўзининг комил қудрати ва болиғ ҳикмати баракаси билан инсонни 6 ҳолатда яратди, 7-ҳол сифатида унга пуфлаб руҳ киргизилади. Абдурахмон Тамкин инсон нақадар ажойиб яратилганлиги тасвирини беради. Инсонни иморатга қийслайди, зеро Буюк Наққош “қалами сунъ”идан яратилган инсон ўзининг дилтортарлигидан жонни ўзига тортиб олади. Шоир фикрича, бу иморатни, яъни инсонни қурган ёлғиз Аллоҳ экан, бу дунёдаги ташивишлар-у дардлардан гам чекмасликни айтади. Чунки Иморатни қурган ҳам бузувчи ҳам Унинг ўзидир! Бу сатрларда яна Аллоҳга таваккул қилиш гоёси ҳам илгари сурилган.*

Яратувчиларнинг энг яхшиси ва барча оламларнинг Роббиси бўлган Аллоҳ буюкдир.

Ҳикматли зотнинг камоли меҳрибонлиги шу қадарки, У кўплаб заифлик ва исён чирки бўлган инсон қалбини шавқ юқини кўтаришга рағбатли қилди. “Аллоҳу латийфун (м) биъбадиҳи” (“Аллоҳ бандаларига латийф-меҳрибондир”, Шўро: 19-оят).

“Инна ғаразнал аманата ғалас самавати вал арзи вал жибали фа абйна ан (й) яҳмилнаҳа ва ашфақна минҳа ва ҳамалаҳал инсану” (“Албатта, Биз омонатни (яъни, шариати исломийядаги тоат-ибодатларни) осмонларга, Ерга ва тоғу тошларга кўндаланг қилган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди”, Аҳзоб: 72-оят) оятида айтилганидек, бирор нарса бунга тоб келтиролмади.

### **Қитъа:**

Хоҳад кунад ба домани як қатра сад муҳит,

Хоҳад нуҳад ба домани як гард сад само.

Мухтору муқтадийр-у тавоно, ҳакийм Ўст,

Бар кори Ў на робитайи “чун ва чиро”.

Бингар нахуст марҳамати Ҳайю Зулминан,

Бар қалб унс бо ҳама олойишу риё.

Боргарони шавқи ҳиссон устувор кард,

Бар лаҳмаи заифки шуд муҳмили зиё.

Тоқат баҳамли ў натавон кард ҳеч шайъ,

Охир ниҳод дар дили инсон мубтало.

То бар кашад ба жониби худ камкам оқибат,

Восил кунад ба васли худ он шоҳиди қазо.

### **Мазмуни:**

Агар У хоҳласа, бир қатра сувдан юзлаб денгизни яратади,

Агар У истаса, бир зарра чангдан юзлаб осмонни барпо қилади.

Истаганини қилувчи қадрат эгаси, куч соҳиби ва ҳикматли зот Удир,

Унинг ишига «қандай, қанақа» саволлари робита бўлолмайди.

Яхшиликлар эгаси бўлган абадий тирик зотнинг марҳаматига бир боқ,

У қалбда қанча фикс-у фасод ва риё бўлса ҳам у билан дўст бўлади.

Яна завқ- у шавқ ва ҳисларнинг юкини устувор қилди.

Ва яна бир парча заиф гўштни зиёнинг ҳам юкини кўтарадиган қилди.

Буларни кўтаришга бирор нарса тоқат қилолмаган эди,

Охир уларни инсон қалби кўтаришга мубтало бўлди.

Алалоқибат, У ўзи томонга кам-кам тортиб бориб,

Қазо шоҳиди Ўзининг васлига етқаради.

«Ва ʔалайҳи таваккалту ва хува Роббул ʔаршил ʔазийм» («(Мен Унинг) Ўзига суяндим. У зот улуғ арш Соҳибидир», Тавба: 129-оят.).

Унинг зоти барча зотлардан энг зоҳирроқ қадимдир, Ундан ўзга барча зотлар йўқолувчи адим (яъни, йўқликка кетувчи) дир. Унинг сифоти (яъни, сифатлари ) эса барча сифотдан самим (яъни, юксак) дир, Унинг сифоти олдида бошқа барча сифот нуқсонли ва замим (яъни, хор) дир. Унинг зот-у сифотини идрок қилишга на бир нарса қодир, бош-у охирини англашга на бир ориф-у оқил лойиқ. Барча нарсанинг манзари (яъни, назаргоҳи) ва маржаъи (умиди) Удир.

*Шоир юқоридаги парчада саъж санъатидан фойдаланган ҳолда Яратганнинг сифатларини мадҳ этади. Унинг буюк сифатлари олдида бошқа барча сифатлар нуқсонли ва хор бўлиб қўринади.*

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм адам (яъни, йўқлик) катта йўлининг бошида турган бир ойинайи жаҳондирки, махлуқотдан ҳар бири адам (яъни, йўқлик) манзилидан вужуд (яъни, борлик) майдонига келишда унда интизору тайёр бўлиб, зору нола қилиб туради. Борлику йўқликдаги барча нарса биргина Унинг амру фармониға муаллақ туради. “Иза арода шайъан ан (й) яқула лаху кун фаякун, Фасубҳаналлазий биядиҳи малакуту кулли шайъин (в) ва илайҳи туржаъун ” (“Агар У бирор нарсани (яратишни) истаса, Унинг иши фақатгина “Бўл”, демоқликдир. Бас, у (нарса) бўлаур – вужудға келур”, Ёсин: 82, 83-оятлар) Аллоҳнинг шаъни биз айтганлардан ҳам барча Уни васф қилувчилару оқиллар ва орифларнинг айтганларидан ҳам юксакдир. Агар тиллар Унинг мадҳу саносини айтаман деса, ҳарчанд тиришмасин, дарёлар лабида ҳайрону саргардон юрадиган бутимор кушидек бўлади, бироқ айтолмайди.

Уни мадҳ қилишнинг биринчи одоби шуки, “Субҳана роббика роббил ʔиззати ʔамма ясифун ва саламун ʔалал мурсалийн вал ҳамду лиллаҳи роббил ʔаламийн” (“Қудрат эгаси бўлмиш Парвардигорингиз уларнинг сифатларидан (яъни, ҳар қандай айб-у нуқсондан) покдир”, Соффат: 180-181-оятлар), десинлар.

### **Қитъа:**

Саноеки, лойиқ ба зоташ буд,

Магар худ ба худ гўяд аз рўйи жуд.

Зи мумкин на мумкин санойи Қадим,

Набудро чи ёре бувад васфи Буд.

Бувад равнақи зарра аз офтоб,

На аз зарра хавар мункашиф аз вужуд.

Жуз иқрори нуқсон дигар тухфа нест,

Зи мо дар хавар мадҳи назди Вадуд.

### **Мазмуни:**

Унинг зотига сано айтмоққа лойиқ зот,

Унинг ўзидирки, Ўзига жуд юзидан сано айтса.

Маконда мавжуддан макондан ташқарида бўлганга сано айтмоқнинг имкони йўқ,

Йўқдан бор бўлган қандай қилиб азалий Борга васф айта олади.

Зарранинг равнақи офтобдан бўлади,

Зарра ўзидан кичик нарсдан қандай вужудга келади.

Биздан Вадуд бўлган зотга ўзимизнинг нуқсонли эканимизни тан олишдан бошқа тухфамиз бўлмайди.

*“Вадуд” сўзининг маъноси “меҳрибон, гамхўр, шафқатли; сезувчи, дўст” демакдир. Аллоҳ таоло ҳам бандаларига шундай шафқатли зотдир. Бандалар эса Яратганга ҳамд-у сано айтишига оғизлик қиладилар.*

*Бу ерда ижодкор ташбеҳ санъатидан унумли фойдаланиш орқали дарёлар лабида ҳайрон-у саргардон юрадиган бутимор қушини ҳамд айтишига оғиз бандаларга тамсил сифатида келтиради. Бутимор афсонавий қуш бўлиб, форс мифологиясида бу қуш “ишқ қуши” ёхуд “гам қуши” сифатида тасвирланади. Шеърятда ошиқ ва маъшуқа руҳиятидаги гам-гуссани ифодалаш учун тилга олинади. Бу гаройиб қуш денгизга ошиқ,*

инини ҳам соҳил бўйига қуради. Тонгдан тунгача соҳилда, сувга мафтун бўлиб ўтиради. Мумтоз шеъриятимизда муҳаббатини ошкор қилолмаган ошиқ ушбу ғамбода қуш орқали тасвирланади. Аллоҳни мадҳ қилишининг биринчи одоби сифатида шоир “Субҳана роббика роббил ғиззати ғамма ясифун ва саламун ғалал мурсалийн вал ҳамду лиллаҳи роббил ғаламийн” (“Қудрат эгаси бўлмиш Парвардигорингиз уларнинг сифатларидан (яъни, ҳар қандай айб-у нуқсондан покдир”, Соффат: 180-181-оятлар) дуосини келтиради.

Бу маъноларнинг шоҳиди бўлган зот – ҳақиқий ҳолларнинг тили, мукаммал вужуд олими, ҳусни жамол манбайи, ҳол ва қол сирларининг кони, Зулжалолнинг танланган нури, Буюк Аллоҳ раҳматига ҳужжат, ақли кулл (яъни, биринчи яратилган нур), пайғамбарларнинг сўнгиси, уммат пешвоси, дунё маорифхонасининг орифи, “Ма арафнака” (“Биз Сени англай олмадик”) деб қийналган, “Лав лака ма холақтул афлака” (“Сен бўлмаганингда борлиқ фалакни яратмаган бўлар эдим”) хитоби билан танланган:

#### **Қитъа:**

Муҳаммад сарвари тахти жалолат,

Расида дар авжи гардун бе малолат.

Аз онжо ёфт тақриби илоҳий,

Падид омад ба зоташ турфа ҳолат.

Забони ажз жое ҳамд бидушод,

Бадон шавкат фуру шуд дар хижолат.

#### **Мазмуни:**

Муҳаммад (с.а.в.) жалолат тахтининг сарваридир,

У фалак авжига ҳеч малоллик тортмай етди.

Ўша жойдан у илоҳий яқинликни топди,

Ва унда турфа ҳоллар пайдо бўлди.

Ҳамдини айтолмай, тили ожизлик қилди,

Ўша шавкатдан хижолатга тушди.

*Мазкур парчадан сўнг Муҳаммад (с.а.в) алқови бошланади. Қуръони Мажиднинг “Шарҳ” сураси, 4-оятни каримасида бевосита пайгамбаримиз — Муҳаммад алайҳи-с-саломга хитоб қилиб: “Ва Биз сизнинг зикрингизни (яъни мартабангизни) баланд қилиб қўйдик”, — дЭйилади. Таржимон Алоуддин Мансур бу оятга шундай изоҳ беради: “Дарҳақиқат, ҳар бир мўмин-мусулмон қаерда Оллоҳ таолонинг номини ёд этиб, У зотни улугласа, албатта, У зот билан бирга пайгамбари Муҳаммад алайҳи-с-саломнинг номларини ҳам зикр қилиб, у кишига саловот ва салом айтадики, бу мартабайи олия пайгамбаримиздан ўзга ҳеч кимга насиб этган эмас”. Шарҳ мумтоз поетикасида Яратган номини тилга олиш билан бир қаторда пайгамбарга ҳам саловот айтиш қўлига қалам ушлаган ҳар бир мусулмон муаллиф учун шарт эди. Абдурахмон Тамкин ҳам ўз асаридан бу қоидага риоя қилгандан сўнг Аллоҳ ҳамди давомидан пайгамбаримиз наъти ифодасига ўтади. Ижодкор бу улуг зотга “ҳақиқий ҳолларнинг тили, мукаммал вужуд олими, ҳусни жамол манбайи, ҳол ва қол сирларининг кони, Зулжалоулнинг танланган нури, Буюк Аллоҳ раҳматига ҳужжат, ақли кулл (яъни, биринчи яратилган нур), пайгамбарларнинг сўнгиси, уммат пешвоси, дунё маорифхонасининг орифи”, - дея таъриф беради.*

Яъни, Муҳаммад алайҳиссаломдир. Шу зот ҳар қандай ориф-у оқил даражасиданда ўлчаб бўлмас даражада юксак бўла туриб:

Ва лаҳу камалун лайса фавқа камалиҳи,

Илла камалаллоҳи фавқа камалиҳи.

### **Мазмуни:**

Унинг камоли устидан ортиқ камол бўлмас,

Магарам, Аллоҳнинг камолигина устун холос.

Меърож тунида ўзининг ожизлигини исбот қилиб, “Ла уҳсий санаий ʔалайка кама аснайта ʔала нафсика” (“Сенга Сен сано айтганингдек, мен Сенга айтган саномнинг саноғини билмасман”), деб шериги бўлмаган Зотга арзу ниёзу роз қилиб турганда, “Аллоҳим, Сен мени араб ва ажамнинг энг фасоҳатлиси қилиб илми фасоҳатни бердинг, бироқ Сенинг ҳамдингни адо қилишга ожиз қилдинг”, деб турганда:

### **Рубоий:**

Жоеки, он фасихи фасоҳат гудохта,

Худ дар адоийи ҳамди худ ожиз шунохта.

Моро чи жое мартабайи дамзадан азон,

Бояд забон ба тийғи хажал пора сохта.

### **Мазмуни:**

Ўшал балоғату фасоҳат билан сўзловчи қилинган зотни

Ўзининг ҳамдини айтишга ожиз қилиб қўйганидан кЭйин,

Бизга ундан сўз очишга йўл бўлсин, ундан кўра

Тилни хижолат қиличи билан парчалаб ташлаш керак.

Биз шикаста забонларга оғиз очмоққа не имкон ва биз йўл ошуфталарига сўзга йўл бўлсин.

*Юқоридаги парчада Меърож тунидаги воқеаларга ишора берилган. Меърож сўзининг луғавий маъноси “Навоий асарлари луғатида”*

*1)шоти, нарвон;*

*2)юқорига (кўкка) кўтарилиши;*

*3) Муҳаммад (с.а.в.)нинг Маккадан Қуддусга бориши ва Қуддусдан кўкка чиқиши, - деб берилган. Меърож кечаси Қуръон Каримнинг “Ал-Исро” (“Тунги сайр”) деб номланган*

17-сура, 1-оятти каримасида мана бундай берилган: “(Оллоҳ) бир кеча, Ўз бандаси (Муҳаммад)ни унга оят-мўжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжид ал-Ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжид ал-Аҳсога сайр қилдирган (барча айб-у нуқсондан) пок зотдир. Дарҳақиқат, У эшитгувчи, кўргувчи зотдир” .Бу оятга таржимон қуйидагича изоҳ беради: “Бу—меърож, яъни Оллоҳ ҳузурига кўтарилиши қиссаси бўлиб, у пайгамбаримизнинг Мадинага ҳижрат қилишларидан бир йил илгари воқе бўлгандир. Расулulloҳ айтадилар: “Бир кеча Масжид ал-Ҳаромда эканман, баногоҳ ҳузуримга Жаброил Буроқ исми отни етаклаб келди ва мени ўша отга миндириб самога олиб чиқиб кетди. Бир зумда Қуддус шаҳрига етиб келдик. Бу ердаги Масжид ал-Ақсода икки ракат нафл намозини ўқигач, яна Буроққа миниб Жаброил билан осмонга йўл олдик...»<sup>60</sup>.Шоир пайгамбаримизнинг Меърож тунисида “Аллоҳим, Сен мени араб ва ажамнинг энг фасоҳатлиси қилиб илми фасоҳатни бердинг, бироқ Сенинг ҳамдингни адо қилишга ожиз қилдинг”, деган сўзларини келтириб, пайгамбаримизнинг тиллари ғоятда фасоҳат ва балоғатли бўла туриб, У маҳмуд ва ўхшаши бўлмаган зотнинг ҳамдини айтишда ожиз қолиб тийилди. Энди ўзимизнинг исён чангига буланган ва зулмат ботқоғига оёғимиз ботган бўлатуриб қандай қилиб бу баланд ошёнга парвоз қиламиз, - дея нола қилади.

### **Мисра:**

Саноу ҳамди Ту бошад сазой дар хавари Ту,

### **Мазмуни:**

Сенинг ҳамду санойингни қилишга сазоворроқ зот Сенинг ўзингдир.

Негаки, он ҳазрат (с.а.в.)нинг тиллари ғоятда фасоҳат ва балоғатли бўла туриб, У маҳмуд ва ўхшаши бўлмаган зотнинг ҳамдини айтишда ожиз қолиб тийилди. Энди ўзимизнинг исён чангига буланган ва зулмат ботқоғига оёғимиз ботган бўлатуриб қандай қилиб бу баланд ошёнга парвоз қиламиз. Ҳечдан ҳам ҳечроқ бўлатуриб бу улғушга бўй чўзмоғимиз одобдан эмас. Биз Уни Қозийи барҳақ Парвардигори мутлақ деб рози бўлишимиз тўғри бўлади. Ажабланарлиси шуки, биз ўзимиздан нишон топмаймизу қандай қилиб У бенишон зотдан топамиз? Бунинг устига яна ўзимизнинг

<sup>60</sup> Куръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 195.

нодонлигимизни донолик деймиз, баъзи безабарлигимизни олимлик деб ўйлаймиз. Чумоли бўлатуриб, ўзимизни шеру аждаҳо деб мағрурланамиз. Бизнинг ва биздан олдингиларнинг бу борадаги барча гап-сўзлари бир хаёлий тўфон ё бир ғалвирдаги сув кабидирки, Аллоҳ таъолонинг шаъни оқиллару жоҳилларнинг ҳар қандай гап сўзларидан юқоридир.

**Назм:**

Муназзаҳ аст аз инки гуфтаанд уқало

Муқаддас аст аз инки гуфтаанд жуҳало.

**Мазмуни:**

У оқилларнинг Ўзи тўғрисида айтганларидан покдир,

Ва У жоҳилларнинг ҳам Ўзи тўғрисида гапирганларидан муқаддасдир.

*Алишер Навоий “Зиҳи ҳуснунг...” маталали газалида Яратганнинг икки сифати — пайдолик ва пинҳонлигини қаламга олган.*

*“ Сени топмоқ бале мушқилдурур, топмаслиғ осонким,*

*Ерур пайдолигинг пинҳон, вале пинҳонлигинг пайдо”.*

*(“Ғаройиб ус-сизар”, 2-газал)*

*Абдураҳмон Тамкин ҳам “Ажабланарлисиз шуки, биз ўзимиздан нишон топмаймизу қандай қилиб У бенишон зотдан топамиз?”, сатрларида буюк Ҳазратнинг тасаввуфий ғояларига мос фикрларни илғари сурган.*

**Қитъа:**

Ғарқем дар муҳит надорем чора,

Ғайр азтасеш ки ҳаст тасеш ғарқи дигарй,

Ҳосили таҳайюрем дар ин вартайи матийн,

Худ фарқ на оварем саропо зи бесарй.

**Мазмуни:**

Уммонда фарқ бўламиз, чорамиз йўқ,

Ҳамманинг иши бирин-кетин чўкиш, фарқ бўлиш.

Биз барчамиз бу бепоёнликда ҳайронлик ҳосилимиз,

Бошсиз ҳолда бирор нарсани фарқлай олмаймиз.

Худо учун бизнинг энг лойиқ ишимиз шуки, тилимизни тияйлик ва жим юривчилар  
ҳалқасига боғланайлик.

**Қитъа:**

Эй дилидийда агар шарм дорй,

Лаб бубанд аз талотуми гуфтор.

Ки, туро роҳ нест бо хуршед,

Шарти ишқ аст, жустижў магузор.

Вар ту нашиносй хештан то дўст,

Кай шиносй ҳақиқати ағёр?

Саъва анбоз нест бо шоҳин,

Гарчи ҳар дуст молики минқор.

Рафтам аз дасту нест дармонам,

Кайфа аҳволи я улул абсор.

**Мазмуни:**

Эй қалби очик киши, агар сенда шарм бўлса,

Ҳар нарсаларни гапиравермай, лабингни юм.

Сенга қуёш билан бирга бўлишга йўл йўқ,

Ковлайвермаслик ишқнинг асосий шартидир.

Агар сен ўзингни танимас экансан,

Қандай қилиб ўзгани танийсан?

Саъва лочин билан тенг бўла олмас,

Бироқ икковида ҳам тумшук бор.

Ҳолдан тойдим, дармоним йўқ,

Ҳолим нечук бўлар эй узоқни кўрувчилар?

Аллоҳ, Аллоҳ. Бу не қиёматки, агар Унинг муборак номини бир он тилимизга олмасак, жонсиз, ҳаракатсиз мурдамиз. Муборак номини тилга олсак, аслимиз бир парча гўшт, пай ва суяк бўлса-да, Унинг дўстлиги йўлида жигаримизни куйдирсак, Унинг ваҳдат майдонидаги шамъи партави шуъласидан бахтиёр бўламиз. Унинг дўстлигининг камолига гувоҳ бўламиз. Қайси мартаба ва даражага етсак, шу жойда Унинг холику муҳофиз эканлигини кўрамиз. “Ин куллу шайъин (л) ламма ʻалайҳа ҳафиз” (“Ҳар бир жоннинг устида (унинг қилган барча ёд олгувчи (фаришта) бордир.” Торик: 4-оят).

### **Назм:**

Жонро хабар кунедки, дил рафт аз карам,

Токай бихусбй фориғ, токай нишинй дам.

Комий бурун ба на ту аз ин кишвар хароб,

Яъни зи мулки тан бубар азвуд як қадам.

То дил аз ин ватан накуни токай раси ба Ў,

Матмураро гузор-у ба маъмура зан қадам.

Аз худ гузашти аз ҳама мумкин гузашта нест,  
Эй нафси хийра саъй намо жониби Қидам.  
То гарди орзу бабарад ҳаст муттасил,  
Ҳастӣ ба чашми дилбари жонона муттаҳам.  
То худ ба худ муқайяде дурий аз он санам,  
Дасти замин ба домани гардун на шуд баҳам.  
Парвона сўхт хирмани ҳастӣ ба нори дил,  
Бар душ шамъи маскан худ кард зин ҳимама.  
Аз чор-у панж дар гузар, ҳафт, ҳашт низ,  
Жуз ёрзан ба фарқи ҳама хок якқалама.  
Дорӣ ба жайби инҳама кунжи шойгон,  
Исроф мекуни зи чи дар мавзёи тирама.  
Бо нори фақр ин ҳама сатру хиҷобсўз,  
Бингар тажаллийи рухи мунъим ту дар ниъама.  
Жуз васли ёр ҳастӣ ҳама дўзах аст бас,  
Бо хоки пойи дўст ҳаме, мехўрама қасам.  
Дунё ҳар чи ҳаст найр зад ба мушти хок,  
Кардуст нест дар бари ушшоқ ваз карам.  
Жуз ожизи маёр дигар пеша ихтиёр,  
Хоҳӣ шавӣ ба ҳар ду жаҳон вежа муштаҳам.  
Ҳаргиз намеравад ба машоми ту бўйи гул,

Роҳи думоғро ту зи хилт овари сиқам.

Покиза кун роҳи машом-у сипас аз он,

Ба талаби ҳавойи нукҳати гулғунча дамидам.

Ашё ҳар чи ҳаст а гар таҳи туфайли туст,

Нодоний худ ба худ кунӣ ин жабр-у ин ситам.

Гар худ ба худ гузаштӣ ҳама зери пойи туст,

Ҳайронам аз рӯйи таваққуф кунӣ баҳам.

Ёр аст дар тажаллий чашми ту дар ҳижоб,

Сатри вужуд баркашу андоз бар адам.

Гирди сарат сипехр бигардад ҳазор бор,

Ғофил тӯе ва лек аз ин рутбайи изам.

Камтар хадими ҳолати пасти забуни туст,

Андар машина раъси малак доимо баҳам.

Худ гавҳари каромат худро шикаста,

Вар на тамоми пеши ту ҳеч аст дар рақийм.

Тамкин аз ин зиёда маков оташи сухан,

Тарассум ки сўзад аз шарраш сийнаӣ қалам.

### **Мазмуни:**

Жонга хабар бериб айтингларки, қалб карамдан узоқлашибди,

У қачонгача бўм-бўш ва жимжит ўтиради?

Бу юртдан харобалик топган бир сен эмассан,

Яъни, тан мулкидан юз бур, у билан дўст бўлма.

Сен бу ватандан кўнгил узмас экансан қандай қилиб Унга етасан?

Хароб жойни ташлаю, обод жойни танла, унга кадам қўй.

Ўзингдан воз кечсанг, бу ҳаммадан воз кечиш дегани эмас,

Эй, хира нафс, Қадим зот томонга кўшиш қил.

Қачонки, орзу истаклар кетсагина васлга боғланса бўлади,

Дилбари жонона наздида борлиқ бу айбли ва қусурлидир.

Агарки у ўзи билан вобаста экан, у санамдан узоқдадир,

Ва заминнинг қўли осмоннинг этагидан ҳали тутмабди.

Дилдаги олов билан борлиқ хирманини ёқ ва парвонани куйдир,

Бунда ҳимматдан маскандаги шамъ ҳам ловуллисин.

Ёрнинг якка ўзидан бошқа тўрт-беш-у етти-саккизлардан воз кеч,

Тупроқда нимаики бор ҳаммасини бир нарса деб ҳисобла.

Бу нарсалар ҳаммаси сенда ҳам бор, сен эса арзирли хазинани

Арзимас жойларга сарфлаб исроф қиласан, қачонгача.

Бу нарсаларнинг барини фақр олови билан куйдириб, ҳижобдан тозала,

Шунда неъматларни берувчи зот юзининг тажаллийсини ўша неъматларда кўрасан.

Ёрнинг васлисиз борлиқ дўзахдир, бас,

Буни дўстнинг хокипойи билан қасам ичиб айтаман.

Дунё ва унда неки бор барчаси бир мушт хокдир,

Унинг қадри ошиқлар жамоаси учун бир ёнғоқча эмас.

Сен бунда ожизликдан бошқасини ўзингга ҳунар қилма,

Шунда хоҳласанг икки дунёда азиз ва хослардан бўласан.

Сенинг димоғинга гулнинг ҳиди бормайди, агар

Сен димоғингни дунё хилтидан тозаламасанг.

Сен гулғунчанинг бўйини ҳидламоқчи бўлсанг,

Димоғингни ҳамиша тозалаб юр.

Бу нарсаларнинг барчаси сени деб пайдо қилинди,

Сен эса нодонлигингдан ўзингга жабру ситам қиласан.

Агар сен ўзингни ўзинг англасанг, ҳамма сенинг оёғинг остида бўлади,

Ҳайронман, нима учун тўхтаб турибсан?

Сенинг тажаллийни кўришингга кўзингдаги ҳижоб тўсади,

Сен мавжудлик ҳижобини кўтар ва йўқликни кўр.

Бошингдан осмон минг бор айланади,

Сен бундай улуғ мартабада эканингдан ғофилсан.

Сенинг турли ҳолатларингда хизматингга бош эгиб турар,

Бачадондан бошлаб қанча малаклар.

Сен шундай каромат гавҳарисанки,

Сенга қийматга тенг келадиган бирон нарса йўқ.

Сўз оловини бундан кўп ковлама,

Унинг тафтидан қалб қалами чизган суратлар куяди.

*Мазкур шеърӣй парчада Абдураҳмон Тамкин ўзининг зот ва тажалли, ўзликдан воз кечиб, Ҳаққа эришиши тўғрисидаги қараишларини талқин қилади. Инсон ҳаққа етишиши учун дастлаб ўзлигидан воз кечмоғи керак, муҳаббат ўзликдан воз кечиб, дунёвий орзу-ниятларни йўқотиши — маҳв этишни талаб қилади. Бошқача айтганда, дунё муҳаббатидан кўнгил узмасдан Илоҳ муҳаббатини қозониши мумкин эмас. Абдураҳмон*

Тамкин “тан мулкидан юз бур, у билан дўст бўлма. Сен бу ватандан кўнгил узмас экансан қандай қилиб Унга етасан?” мисралари орқали шу зояни илгари суради. Зеро, дунё муҳаббати ва Илоҳ муҳаббати — бир-бирига зид икки қутб: дунёни деган киши Илоҳ муҳаббатидан, Илоҳни деган киши эса дунё муҳаббатидан юз ўгириши керак. “Ана шундай дунё муҳаббатидан юз ўгириб, илоҳий маърифатни эгаллаган одам, дунёвий-нафсоний сифатларга барҳам бериб, илоҳий сифатларни ўзлаштиравериб, Зотнинг ўзига қўшилади, яъни Зотда фоний бўлади (муҳаббатнинг хотимаси — фано). Шу билан сўфий ўз инсоний жавҳари, яъни илоҳий Зотнинг бир қисми эканини исботлайди. Зеро, инсон руҳининг покланиб, Мутлақ руҳга қўшилиши — тавҳиднинг олий даражада тасдиқланиши — ҳаққул яқин мартабасида қозонилган имонди”<sup>61</sup>. Мана шу мартабага эришган инсон борлик оламидан қутулиб, йўқлик оламига ўтади. Шунда инсон ўзининг нақадар улуглигини, азиз ва мукаррамлигини ҳис қилади. Зеро Қуръони Каримнинг Исро сурасининг 70- ояти каримасида Аллоҳ таоло шундай иноят қилади: “Ва лақод каррамна Бани Адама” (“Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз – мукаррам қилдик”) . Ижодкор эса шеърий парчада инсонни “каромат гавҳари”га, яъни барча яратиларнинг энг сараси ва мукаммалига ўхшатади.

Бас, барча нарсалар шу шуъланинг ёниб туриши учун зоҳир ва аён бўлгандир яъни, бутун олам инсон учун пайдою ҳувайдо қилинди. Аллоҳ таоло айтади: “Санурийҳим аятина фил афақи ва фий анфусиҳим ҳатта ятабайяна лаҳум аннаҳул ҳаққ” (“Токи уларга (ушбу Қуръон ростдан ҳам Аллоҳ томонидан нозил қилинган) Ҳақ (Китоб) эканлиги аниқ маълум бўлгунича, албатта, Биз уларга атроф-офоқдаги ва ўз вужудларидаги (Бизнинг борлигимиз ва қудратимизга далолат қиладиган) оят-аломатларимизни кўрсатажакмиз”, Фуссилат: 53-оят).

Билгинки, ақл бу дунёдаги Ҳақнинг халифасидир. Агар ақлнинг шарафи тақозоси ва латиф андозаси билан тафаккур қилсанг ҳақни ботилдан ва масдарни (яъни, ўзакни) муштакдан (яъни, аралашмадан) ажрата оласан. Ўзингни англашинг орқасидан яратилишингни ҳам англайсан.

---

<sup>61</sup> Komilov N. Tasavvuf. — Toshkent: Movarounnahr, 2009. — B. 350

Буларни билдинг, энди яхшилаб эшитиб олки, аҳли ҳақиқат наздида дунё ва охиратнинг барча ҳолати инсоннинг ўзида мавжуддир. Улар дунё ва охиратни “олами кабир” (яъни, катта олам) инсоннинг ўзини эса “олами сағир” (яъни, кичик олам) дебдилар. Катта оламда нимаики бор бўлса, кичик оламда ҳам бордир. Бунинг нишонаси шуки, уларнинг умумий ва хусусий томонлари ўхшашдир яъни, халқ ва амр оламида нимаки бўлса, барчаси кичик олам саналмиш одамзотда мавжуддир. Унинг қолипи халқ оламидан олинган бўлса, руҳи амр оламидан келгандир.

Энди булар маълум бўлгач, яна билки, одамзот жаҳондан халқ қилинган экан, у етти осмону замин, арш курси каби нимаики бор ўшалар билан тенгдир. Ва руҳи эса амр оламидан бўлгач, барча руҳоний мавжудотлар ҳисобланган малаку? аъло фаришталаридан тортиб, Азозилу асфаласофилийннинг иблисларигача бўлганлар билан ҳам баробардир.

Бас, одамзотнинг халқи (яъни, яратилиши) халқ оламига тенг, унинг амри (яъни, илоҳийлиги) эса амр оламига тенгдир. Агар оламларни ўн саккиз минг олам десак, айта оламизки, одамзот ўша ўн саккиз минг оламдир...(давоми бор)

*Юқоридаги парчада “ваҳдат ул- вужуд” гоёси тасвирланган. «Ваҳдат ул-вужуд» – ягона вужуд бирлиги демак. Яъни ҳақиқий Борлиқ – бу Мутлақ зот – Парвардигорнинг якка-ю ягона вужудидан иборат, бошқа мавжудликлар шу Вужуднинг ижоди, инъикосидир. Мутлақ зотни ал-Ҳақ (Реал борлиқ), ал-Аҳад (Бирлик) деб ҳам атайдилар. У Ўзи яратган олам ашёларида (олами шаҳодат, олам-ул халқ) Ўзини намоён этиб, зоҳир-ланиб туради ва шу орқали Ўзи Ўзини идрок этади. Бу чексиз ва мавҳум Мутлақ зотнинг шаҳодат (моддий) оламда тинимсиз жилоланиши «тажаллий» деб аталган. Тажаллий – барча ҳаракат ва фаолият, тириклик ва ҳаёт ижодкори Парвардигорнинг ўзи яратган оламда доимо ҳозир бўлишидир”.<sup>62</sup> Парчада бутун олам “олами кабир” дЭйилса, инсон эса “олами сағир”га ўхшатиляпти. Буюк мутафаккир Ҳазрат Навоий ҳам “Лисон ут- тайр” достонида: “Ўз вужудингга тафаккур айлагил, Ҳар не истарсен, ўзингдан истагил”, – дЭйди.*

---

<sup>62</sup> Komilov N. Tasavvuf. – Toshkent: Movarounnahr, 2009. – B. 352

*”Бундан ташқари, назмий парчада шоирнинг дидактик қарашлари ҳам акс этган, зеро у инсон ақли етмаган нарса ҳақида гапирмаслиги, тилни тийиш одоби, яхшииси “ғунча каби хомуш” бўлиши лозимлигини айтади. Парчанинг сўнгидаги фикрлар эса асар муқаддимасининг энг латиф ва гўзал сатрларидир: “Агар оламларни ўн саккиз минг олам десак, айта оламизки, одамзот ўша ўн саккиз минг оламдир...”*

## **Учинчи боб бўйича хулосалар**

1. Асрлардан буён анъанага айланиб қолган зуллисонайнлик ҳодисасининг Бухорода собиқ шўро ҳукумати даврида таназзулга юз тутиши халқнинг ўз тарихий меъросидан бебаҳра қолишига олиб келди. Натижада, шарқ шеърияти айниқса, форс-тожик адабиётинг энг кўп тарқалган лирик турлари: ғазал, рубоий, маснавий кабиларнинг ўз эгаларига етиб бормаслик ҳолатлари юзага келди. Бу–икки тилда ижод қилган Абдурахмон Тамкин ижоди учун ҳам хос бўлди. Биз бугун шоирнинг гўзал ижодини, ибратли ғояларини халқимизга етказиб беришдек ишни амалга оширишга жазм этдик. Зеро, мамлакатимиз равнақи учун нафақат шаклан балки, руҳан, қалбан, фикран соғлом авлодни тарбиялашдек улуғвор ишда Абдурахмон Тамкин ижодиёти муносиб ўрин тута олади. Фақат уни ўқувчига етказа билишимиз керак.

2. Тамкин девонида ташбеҳ, истиора, киноя, илтифот, ирсоли-масал, таносуб, тажоҳил ул-ориф, илтизом каби бадий санъатлар нуфузи баландроқ бўлиб, ружу ийҳом, савол-жавоб, тансиқ ус-сифат, санъатлари камроқ учрайди.

3. Тамкин девонида илтизом санъатининг чиройли намуналари учрайди. Аммо, шоир қаламининг бу санъатни қўллашдаги хусусий жиҳати шундаки, бу аксари воқеабаён ғазалларда асосий маъно ташувчи сўзларни илтизом қилади. Масалан, «хачир», «кўнгил», «ғурбат», «қаро», «мотам» сўзлари илтизом қилинган ғазаллар шоир ҳаётида юз берган баъзи воқеа-ҳодисаларга ишора этади.

4. Тамкин тўрт бадий санъат муштараклигида мумтоз ғазалнинг ажойиб намунасини яратганки, бу ҳодисани шоирнинг шарқ классик шеърляти хазинасига киритган янгилиги деб баҳолаш ҳам мумкин. Бу ғазал куйидаги матлаъ билан бошланади:

Эй кўнгул, гар ишқ таркин қилдинг изҳор айлама!

Халқни зинҳор холингдин хабардор айлама!...

Тамкин девонида бошидан охиригача тажохул ул-ориф санъати истифода этиб яратилган бағоят ўйноқи оҳангли ғазаллар анчагина. Масалан:

Қайси гушан гуллари гулбарги хандонингча бор?!

Қайси бўстон сарви ҳам сарви хирмонингча бор?! ва б.

Шоир шеърятда ирсол-ул масал санъатининг ҳам маҳорат билан қўлланганлигини кўрамиз:

Кўрсатиб ораз парилардеки бўлмишми ниҳон,

Кўздин ўчтунг, кайдадурсен, эй парирухсор кел! ва б.

Шоир қофия воситасида шеърлари оҳангдорлиги, сежилолиги ва таъсирчанлигини таъминлашга алоҳида эътибор беради. Девондан зулқофиятайн санъатида ижод этилган куйидаги ғазал ўрин олган:

Эй тундхўй бевафо тенгри қачон кўргай раво,

Мендин вафо узра вафо, сендин жафо узра жафо.

5. Девонда бадий санъатлар истифодаси нуқтаи назаридан бажарилган илмий таҳлил Тамкин ғазалнависликда ўз диққатини асосан лафзий санъатларга камроқ жалб этганини кўрсатади. Бундан эса шундай хулоса қилиш мумкин: Тамкин ўз иқтидоридаги лафзий санъатлардан бунёдга келадиган шеър зоҳирий оройишига эмас, балки маъно тарқатиш ва образ яратиш маҳорати хусусан уч маъновий санъат-илтизом, тажохул ул-ориф, ирсоли масал ва қисман тазминда баралла намоён бўлади.

6. Абдурахмон Бухорий Тамкин сўзини тахаллус сифатида танлар экан, унинг ботиний ва зоҳирий маъноларини чуқур мушоҳада этиб, ўзининг, нафақат, тахаллуси, балки ҳаёт йўлининг, умр мазмунининг, ижод оламининг ибтидоси ва интиҳоси сифатида қабул қилди ва ўзини замона кишиси сифатида ҳамда Халлоқи оламнинг қули сифатида англади. Шунинг учун бутун умрини илмга, маърифат тарқатишга, ижодга ва шу орқали Ҳаққа бағишлади. Шоирнинг камтарона ва ҳалимлик билан ўтган умри бунинг ҳосиласидир.
7. Кўринадикки, Абдурахмон Тамкиннинг ижод йўли, яшаган даври, ижтимоий муносабатлари, анъанавий садоқати, илғор ғояларга интилувчанлиги у танлаган тахаллусда тўлиқ намоён бўлди. Тамкин нафақат табиб сифатида инсонлар дардини, билакс янги олам билан юзлашаётган олам, мамлакат, миллат дардини ҳам ўз асарлари орқали кенг фикрлилик билан “шифолашга уринди” унинг илғор фикрлари ўз асарларида янгича қиёфа касб этди. Демак, Абдурахмон Тамкин ижоди, ҳаёти, у илгари сурган ғоялари, илғор ва кенг фикрли қарашлари, катта йўлга чиққан буюк халқнинг дастур –ул амали сифатида улуғ миллатнинг ўзлигини англашга хизмат қилади.
8. Тамкиннинг маснавийлари ҳам бадий жиҳатдан жуда юксак даражада яратилган бўлиб, ўзига хос жанрий унсурларга эга. Шоир уларнинг аксариятида «тажнисли қофия»дан фойдаланиб, шеърнинг жозибadorлигини ошириш ва ўз ижодий услубини шакллантиришга эришган. Шундай гапни Атоий, Саккокий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмий, Лутфий каби шоирларнинг шеърлари хусусида ҳам айтиш жоиздир.

## ХУЛОСА

1. XIX-XX аср бошларидаги Бухоро адабий муҳитининг ёрқин забардаст вакили, туркий ва форс-тожик тилида баравар қалам тебратган машҳур шоир Абдурахмон Тамкин ижоди бу давр адабиётининг зуллисонайинликка асосланган адабиёт мактаби эканидан далолат бера олади. Шоир номи мумтоз манбаларда салоҳиятли ҳамда зуллисонайн ижодкор мақомида тилга олинган. У ўзбек, тожик, араб тилларида ижод қилган.

2. Абдурахмон Тамкин Бухорий (1851-1852 йиллар атрофида туғилган ва 1915 йилгача яшаб ижод этган) ўз даврининг етук ва маҳоратли шоирларидан бўлган. Унинг

ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар, яратган асарлари ҳали ўзбек адабиёти тарихида мукамал ҳолда ёритилмаган. Тамкиннинг ҳаёт йўли, у яшаган тарихий шароит ва адабий муҳит ҳамда ижод олами ҳақидаги саволларга жавоб топиш, шоир Бухорийларнинг адабий меросига оид манбаларни тарихий ҳолислик билан қайтадан кўриб чиқиш ҳамда уларни бугунги китобхонга етказиш ўзбек адабиётшунослигининг долзарб вазифаларидан биридир.

3. Шоир “Тамкин” сўзини таҳаллус сифатида танлар экан, унинг ботиний ва зоҳирий маъноларини чуқур мушоҳада этиб, ўзининг нафақат таҳаллуси, балки ҳаёт йўлининг, умр мазмунининг, ижод оламининг ибтидоси ва интиҳоси сифатида қабул қилган ва ўзини замона кишиси сифатида ҳамда Халлоқи оламнинг қули сифатида англаган. Шунинг учун у бутун умрини илмга, маърифат тарқатишга, ижодга ва шу орқали Ҳаққа бағишлади. Шоирнинг камтарона ва ҳалимлиқ билан ўтган умри бунинг ҳосиласидир.

4. Тамкин Бухорий ўзидан бой ва безавол маънавий мерос қолдирган. Иқтидорли бу қаламкаш асарларидан тартиб берилган кўлөзма девонларни қиёсий ўрганишдан аёнлашдики, унинг соҳир қалами тухфа этган шеърӣ дурдоналар олти минг мисрага яқиндир. Уларда Тамкин адабий анъаналарни ижодий ривожлантирган, шеърларида ўзига хос маъно ва мазмунни ифодалаган, айна пайтда оригинал бадий асарлар яратишга муваффақ бўлган лирик шоирдир. Бу жиҳат замондошлари томонидан ҳам эътироф этилган.

5. Абдурахмон Тамкин ўтмишдан қолган маданий мерос замонавий муаммоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнашини ўз давридаёқ чуқур идрок эта олган ижодкорлардан бири эди. У ўтмишнинг улуғ шоирлари таълимоти ва анъаналари асосида инсон қудрати ва кадриятини тушунишга даъват қилди ва ўз даври ҳокиму ҳозикларини шунга чақирди. Шоир мумтоз адабиётимиз анъаналарини муваффақиятли давом эттирди. Замондош шоирлардан фарқли равишда айрим лирик жанларда ҳам баракали ижод қилди. Жумладан, кўплаб чуқур маъноли рубоийлар ёзганлиги фикримизнинг далилидир.

6. Тамкин Бухорий шарқ халқлари адабиётининг ғазал, мухаммас, мусаддас, мустазод, қасида, рубоӣ, қитъа, туюқ, таркиббанд, фард, муаммо, чистон, маснавий каби жанрларида ўз иқтидорини синаб кўрган. Тамкин девони романтик асосдаги

шеърлардан ташкил топган бўлса ҳам, у реалистик йўналишда романтик бўёқлардан фойдаланиб ижод қилди. Шоир девонидан ўрин олган ҳаётий биографик асосга эга ғазаллар ва ғурбат мавзусидаги туркум шеърят бу фикримизга далил бўла олади. Шоир девонида пароканда байтлар умуман учрамайди, ғазалларнинг аксари эса тадрижли, якпора ва ғазал ҳикоя типига асарлардир. Тамкин девонидаги ҳикоятлар диний-тасаввуфий, панд-насихат, ахлоқий-таълимий мавзуларда ёзилган. У ўз ҳикоятларида ўқувчини инсон шаънини улуғлашга, Яратувчига итоат қилишга, камтар, қаноатли, ростгўй бўлишга чақиради. Тама, кибру ҳаво, дилозорлик каби иллатлардан йироқ бўлишга ундайди.

7. Тамкин Бухорий ўз асарларининг мавзу, ғоя, образлар кўламдорлигига алоҳида эътибор қаратган. Асарларида замонасининг пешқадам ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий, фалсафий-маърифий, илоҳий-ирфоний ғояларига таяниб, гўзал пандномалар мерос қолдирган. Шоир ўз даврининг етакчи идеологик сиёсати, мафкурасидан четда турмади. У ўзининг ҳамд ва наътлари, орифона ғазалларида бу соҳадаги дунёқараши ва қизиқишларини, ихлос ва эътиқодини шоирона қудрат ва назокат билан баён этди.

8. Шоир яшаган даврда теран ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий, фалсафий-маърифий, илоҳий-ирфоний қарашлар чуқур илдиз отган эдики, айти жиҳатлар Тамкиннинг дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатмай қолмади. Шундан бўлса керак, бу мутафаккир шоирнинг мисралари равон, зоҳиран содда бўлиб кўринса-да, уларнинг замирида келадиган ботиний ғоялар ҳар қандай китобхоннинг ҳам эътиборини ўзига тортади. Уларга маънавий завқ бағишлаб, ҳаётга бўлган иштиёқ ва муҳаббатини қувватлантиришга ёрдам беради.

9. XIX асрнинг охири XX аср бошлари Бухоро адабий муҳитининг эътиборли томони шундаки, адабиётлар ўртасидаги алоқа ва ўзаро таъсир авж олиб, зуллисонайлик анъанаси замирида ўзбек ва тожик тилларида битилган муламмага мурожаат қилиш янада кучайди. Тамкин ва унинг туркийгўй замондошлари сатрлари қайси тилда бўлишидан қатъи назар, ўша дурдона мисраларда даврон жароҳатлари, замондошларининг қувончу изтиробларини қаламга олиш ижод аҳлининг диққат марказида турган.

10. Тамкин Бухорий ижоди ўта серқирра, мураккаб ва зиддиятлар билан тўла даврнинг барча хусусиятларини ўзида акс эттирган. Шоир девонларида Алишер

Навоийнинг девон тузиш соҳасидаги бадий-эстетик тамойилларига амал қилинган. Тамкин уларни ўз бадий иқтидори даражасида давом эттиришга ҳаракат қилган. Шоир лафзий санъатларга нисбатан кўпроқ маъновий санъатлар истифодасига ўз эътиборини қаратар экан, бадий яратмаларнинг ғоявий-мантиқий қувватини оширишга интиланлиги маълум бўлади. У машхур салафий Алишер Навоийнинг ўғитларини назарда тутиб, назокатли тил ва равон оҳанг, самимий ва халқона бадий тасвир билан шеърятини зийнатлаган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

- I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:**
2. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил 4 август.
3. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ безавол яшайди // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019 йил 9 февраль.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида. 13.09.2017 й. ПҚ-3271
6. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг – иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажиги фаровон бўлади. ИИИ том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019.
7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
8. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

## **II. Илмий адабиётлар:**

### **монографиялар, рисолалар, илмий мақолалар**

10. Адабий турлар ва жанрлар. I- II том. – Тошкент: Фан, 1991.
11. Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980.
12. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. – Тошкент, 1964.
13. Воҳидов С. Бухорийлар бўстони. – Бухоро: Ёзувчи, 1998. – Б.137-138.
14. Хофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. 1-жилд.
15. Ахмад Дониш. Дафтари Мусаббада. Дастанвиси ганжинаи дастанвистҳои шарқии. – АФРСС, Ўзбекистон.
16. Жаъфаров. Шахсий хотиралари, ўша китоб
17. Зоҳидов В. Мир идей и образов Алишера Навои. – Тошкент, 1961.
18. Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. – Тошкент, 1961.
19. Иванов. П.П. Очерки. стр.2015.
20. Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. 3-китоб. – Тошкент, 1966.
21. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 1- китоб. – Тошкент, 1963.
22. Е.К.Мейендорф. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М., 1975.

23. Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Камалак, 1991.
24. Ш.М. Наводири Зиёия. – Тожикистон: Гажинаи дастхатҳои шарқии АФРСС, 1991
25. Олимхон. А.С. Бухоро халқининг ҳасратли тарихи. ЎзССЖ. – Тошкент: Фан, 1991.
26. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. – Тошкент. 1961.
27. Қаюмов А. Асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008.
28. Куронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Навоий университети, 2018.
29. Л.И.Ремпел. Делекой И билизкой (Бухареский записи) Исз-во. – Ташкент, 1981.
30. Семёнова А.А. Собрание восточных рукописий АН. – Т., 1954.
31. О.Сухарева. Бухара XIX – XX в. Изд. Наука. – М., 1966.
32. Сухарева О. Квартальная община позднефеодалной города Бухари. Издво Наука. – М., 1976.
33. Ўз ССР тарихи. С.П.Талстов ва б. таҳрири остида. II том, 2-китоб. Тошкент: Ўз ССР. Ф.А., 1956.
34. Теория литературы. – Москва: Академия, 2004.
35. Тўраев Д. Давр ва ижод масъулияти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004.
36. Улуғов А. Қалб қандили. – Тошкент: Академнашр, 2013.
37. Улуғов А. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: Ғ.Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.
38. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004.
39. Умуров Ҳ. Адабиёт қоидалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002.
40. Фитрат. Танланган асарлар. 4-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006.
41. Фидо А.Ж. Абдурахмон Тамкин рисоласи. – Душанбе, 1974.
42. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент, 1961.
43. Хализев В. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 2006.
44. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004.
45. Шарқ донишмандлари ҳикматлари. – Тошкент: Шарқ, 2006.
46. Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашр., 1973.

### **III. Илмий-адабий тўплам, журнал ва вақтли матбуот материаллари:**

47. Қаюмов А. ва бошқ. Алишер Навоий қомусий луғати. – Шарқ, 2016. –Б. 480.
48. Абдулхайров М. Доғ ботинда ўсади... // Ёшлик. – Тошкент, 2015. – №2.
49. Давлатов О. Тағаззул кўп қадим бинодир ... // Гулистон. – Тошкент, 2011. №4.
50. Норматов У., Ҳамдам У. Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2002.
51. Раҳимжонов Н. Кўнгилга очилган йўл // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2006. – 31 март. – №13.
52. Саримсоқов Б. Лирикада бадиий тафсил // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1992. – №5-6.
53. Улуғов А. Ўз вужудингга тафаккур айлағил... // Моҳият. – Тошкент, 2006. – 13 октябрь.

#### **IV. Диссертация ва авторефератлар**

54. Абдуллаев В. XVII-XVIII асрларда Хоразмда ўзбек адабиёти. Филол.фан.докт... диссертацияси. – Самарқанд, 1958.
55. Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (Вахдат ул-вужуд проблемаси бўйича). Филол.ф.докт. дисс. – Тошкент, 1993.
56. Абдуллаев О. Амир Хусрав Дехлавий ва Амир Алишер Навоий. Филология фанлари номз... дисс. – Хўжанд: 2015. –158 б.
57. Асадов М. Ўзбек мумтоз адабиётида соқийнома (генезиси, таракқиёт босқичлари, поэтик хусусиятлари). Филол. фанлари док. дисс. – Тошкент, 2020.
58. Бекова Н. Алишер Навоийнинг ҳамд ғазаллари ва “Рух ул- қудс” қасидасининг бадиияти. Филология фанлари номз... дисс. – Тошкент, 2003.
59. Бекова Н. Алишер Навоий форсий меросининг жанрий хусусиятлари ва бадиияти. Филология фанлари доктори (DSc)... дисс. – Самарқанд, 2021.
60. Воҳидов Р.Ж. Взаимосвязь узбекской и персидско-таджикской литератур во второй половине XV начале XVI в. Дис. д-ра филол. наук. –Ташкент, 1988.
61. Раҳмонова З. XII–XV асрлар ўзбек мумтоз адабиётида муршид ва мурид образлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. – Тошкент, 2020.

62. Қобилов У. Ўзбек адабиётида нубувват талқини ва образлари талқини: Филол. фанлари докт. дисс. автореф. – Самарқанд, 2019.
63. Ҳ. Сулаймонов. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. Автореферат докторской диссертации. – Ташкент. 1964.
64. Халлиева Г.И. XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти талқини. Филол. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016.
65. Ҳаққулов И.Ч. Ўзбек тасаввуф шеърятининг шаклланиши ва тарққиёти (ғоявийлик, издошлик, образлар олами). Филол. фанл. докт. ...дис. –Тошкент, 1995. – 282 б.

## **V. Бадиий адабиётлар**

66. А.Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. III том. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988.
67. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 176 б.
68. Ақл ва олтин. Ўзбек халқ эртақлари олтин серияси. – Тошкент: Давр, 2015. – 206 б.
69. Кунтуғмиш. Равшан. Достонлар. – Тошкент: Шарқ, 2011. – 366 б.
70. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. 1-китоб. – Тошкент: Ҳидоят, 2005. – 392 б.
71. Маликайи айёр. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – 206 б.
72. Маҳкам А. Ҳақ. Сайланма. – Душанбе: Адиб. 1998. – 512 б.
73. Тамкин. “Мўлистон”. Дастхати таҳти рақами 337. ИШ. Ўз-н.
74. Тамкин. Девон. Қўлёзма номери. 111.
75. Тамкин. Девон. Қўлёзма номери 111.
76. Тамкин. Рубоийёт. Вар. 32.
77. Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 34 б.

## **VI. Энциклопедия ва луғатлар**

79. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 654 б.
80. Сулаймонов Ш., Тўхсанов Қ. Адабиётшунослик луғати. – Бухоро, 2009. – 160 б.
81. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. Т. 2. – Москва, 1981. – 716 б.
82. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 680 б.
83. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 688 б.
84. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 688 б.
85. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 592 б.
86. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – 704 б.
87. Қуронон Д., Мамажонон З. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – 398 б.
88. Навоий А. Қомусий луғат. 1-жилд. –Тошкент : Шарқ, 2016.– 536 б.
89. Навоий А. Қомусий луғат. 2-жилд. –Тошкент : Шарқ, 2016. – 480 б.
90. Фарҳанги забони тожики. Иборат аз ду жилд. Жилди 1. – Москва: нашриёти “Советская энциклопедия”, 1969. – 952 саҳ.
91. Фарҳанги забони тожики. Иборат аз ду жилд. Жилди 2. – Москва: нашриёти “Советская энциклопедия”, 1969. – 952 саҳ.
92. Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Иборат аз ду жилд. Жилди 1. Душанбе: сарредакцияи илмии энциклопедияи советии тожик, 1988. – 543 саҳ.
93. Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Иборат аз ду жилд. Жилди 2. Душанбе: сарредакцияи илмии энциклопедияи советии тожик, 1989. – 559 саҳ.

## **Ҳ. Интернет сайтлари**

94. [www.cambridge.org](http://www.cambridge.org);
95. [www.humboldt.edu](http://www.humboldt.edu);

96. [www.msu.ru](http://www.msu.ru);
97. [www.bilkent.edu.tr](http://www.bilkent.edu.tr);
98. [www.literature/az](http://www.literature/az);
99. [www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)
100. Soma // <https://ru.wikipedia.org/wiki/Soma> (29.01.2010)
101. Xaoma // <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/Xaoma> (13.10.2011)
102. A. de Jong. Traditions of the Magi: Zoroastrianism in Greek and Latin literature // <https://archive.org/stream/ebooksclu> (23.09.2013)
103. Boyce M. The Parthian gosan and the Iranian Minstrel Tradition // <https://www.jstore.org/stable> (18.02.2014)
104. GOSAN // <https://www.iranicaonline.org/articles/gosan> (07.03.2015)
105. Djavad Nurbaxsh. Ensiklopediya sufiyskoy simvoliki // <https://wayter.wordpress.com/2011/12> (08.09.2016)
106. Janr // [www.pglu.ru/upload/iblok/III/kategoriya-zhanra-V-lit.paradigme.pdf](http://www.pglu.ru/upload/iblok/III/kategoriya-zhanra-V-lit.paradigme.pdf) (17.11.2016)
107. Noveyshiy filosofskiy slovar: Xayam // [http://dic.academic.ru/dic.nsf/dic\\_new\\_philosophy/1324/XAYAM/](http://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_new_philosophy/1324/XAYAM/) (23.05.2019)
108. <http://ziyonet/uz>
109. <http://kitob/uz>
110. <http://tas-ix/tafakkur.net>
111. <http://anumetod.uz>
112. <http://ziyouz.uz>